

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК –
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

Қишлоқ хўжалигида менежмент

ФАНИДАН МУАММОЛИ
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

НАМАНГАН – 2006

Маърузалар матни 5340200 “Менежмент” таълим йўналишидаги бакалавр талабалари учун тавсия қилинади.

Муаллифлар:

Назимов Солижон Нишонович
НамМПИ “Менежмент” кафедраси доценти
иқтисод фанлари номзоди

Тақризчилар:

Эшонхўжаев Довудхон
НамМПИ “Менежмент” кафедраси мудири,
доцент, иқтисод фанлари номзоди

Исмоилов Равшанжон
НамМПИ, “Менежмент” кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

Маърузалар матни “Менежмент” кафедрасининг 2006 йил 27 августдаги №1-сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Маърузалар матни институт илмий-услубий кенгашининг 2006 йил _____даги йиғилишида кўриб чиқилди ва чоп этишга рухсат этилди.
(Баённома № ____)

Кириш

Мустақил Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи шарт - шароитлар тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи ўрин тутиб, унинг ривожини республика аҳолисининг фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Жамият ҳаёти учун зарур бўлган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳаси замонавий илмий - техник тараққиётнинг талаблари даражасига жавоб бера олиши, илмий - техника тараққиётининг янги ютуқларига суянмоғи лозим. Ҳозирги илмий - техника тараққиёти ютуқларидан нафақат замонавий ишлаб чиқариш технологияларини яратишда, балки меҳнатни илмий ташкил этиш, бошқарув фаолиятини самарали услубларини ишлаб чиқишда ҳам фойдаланилмоқда. Замонавий бизнес раҳбарларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қўлга киритилган муваффақиятларда бошқарув ва уни ташкил қилиш омиллари ҳал қилувчи ўрин тутди. Айни вақтда, бошқарувнинг назария ва технологияси қишлоқ хўжалигида менежмент - замонавий ишлаб чиқариш технологиясининг таркибий қисмидир.

Маърузалар матнида қишлоқ хўжалигида бошқариш жараёнлари, иқтисодиётни бошқаришнинг назарияси ривожланиши, қишлоқ хўжалиги корхоналарини муваффақиятли бошқаришда менежерлар ўрни, шунингдек қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда корхоналарда хўжалик фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш, пул - кредит тизимининг ишлаши, молия тизимининг ҳаракат қилиш назарий жиҳатлари ва амалиётига оид маълумотлар тўғрисида фикрлар баён қилинган.

1-мавзу. Қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг предмети, функцияси ва усуллари

Ўқув модули бирликлари

1.1.Қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг моҳияти ва мазмуни.

1.2.Фаннинг асосий функциялари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.

1.3.Қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг усуллари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг моҳияти ва мазмуни;
- қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг таркибий қисмлари;
- қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг тамойиллари ва усуллари;
- қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалигида менежмент, қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг функцияси, қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг усуллари, иқтисодий усул, маъмурий усул, руҳий усул.

1.1.Қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг моҳияти ва мазмуни

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг энг асосий тармоқларидан бири бўлиб, у республикамиз аҳолисини озиқ - овқат билан, саноатни эса зарур хом ашё билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалигида менежмент фани жамият манфаатларига, мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш манфаатларига хизмат қилади. Бошқа иқтисодий фанлар сингари бу фан ҳам янги ходисаларни умумлаштириши, ишлаб чиқаришнинг самодорлигини тез ўстиришга ёрдам берувчи мақсадга мувофиқ усуллар ва методларни ишлаб чиқиши керак. Қишлоқ хўжалигида менежмент фани илғорлар тажрибасини ўрганиб ва умумлаштириб, иқтисодий воситаларни ҳамда табиат ва жамият иқтисодий қонунларининг амал қилишини очиқ беради, қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш суръатларини жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни илмий асосланган тарзда ҳал қилиш қонуниятларини аниқлаб беради.

1.2.Фаннинг асосий функциялари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

Қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг энг муҳим таркибий қисми меҳнатни ташкил этиш, яъни муайян вазифаларни бажариш учун кишиларни айрим тармоқлар бўйича тақсимлаш йўллари ва усуллари, меҳнат кооперацияси ва тақсимотининг рационал формаларини асослаб бериш, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва сифатига қараб ходимларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш, режаларни бажарилишига раҳбарлик қилиш, улар устидан назорат қилиш ва ҳоказолардир. Ишлаб чиқаришга ва моддий бойликлар тақсимотига доир масалаларни ўрганиш иқтисодий фанларнинг объектидир. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш учун ишлаб чиқаришнинг асосий ижтимоий - иқтисодий қонунларини, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги илғор техникани ўзлаштириб олиш зарур, чунки ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ана шуларсиз ташкил этиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг тараққиёти иқтисодий қонунларда ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Иқтисодиёт назарияси ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фанлари қишлоқ хўжалигида менежмент фани учун назарий ва методик асос ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фани жамиятимиз асосий иқтисодий қонунини қишлоқ хўжалиги корхоналарига аниқ тадбиқ этиш ва шу асосида жамият талабларига жавоб бера оладиган натижаларга эришиш йўллариини ўрганади. Механизация фани замонавий техникадан қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг тўхтовсиз ўсиб бораётган талабларига мувофиқ келадиган янги машиналарни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва шу йўл билан қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини комплекс механизациялаш масалаларини ўрганади.

Агротехника фани экин экиш, уни парвариш қилиш ва ҳосилдорликни оширишнинг прогрессив йўллариини ўрганса, зоотехника фани чорва молларини тез суръатлар билан кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорилигини ошириш йўллариини ўрганади. Демак, қишлоқ хўжалигида менежмент фани иқтисодиёт назарияси, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, механизация, агро-зоотехника фанлари билан яқиндан боғланган. Хўжалик ишларини оқилона бошқариш масалаларини ҳал қилишда бу фан иқтисодиёт назарияси қонунларидан кенг миқёсда фойдаланиб, комплекс механизация, агро-зоотехника фанлари яратган прогрессив методларни қўллаган ҳолда, экинлардан мўл ҳосил олиш ва чорва маҳсулдорлигини ошириш йўллариини иқтисодий томондан асослаб беради.

Бунда шу нарсани ўқтириб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалик менежери қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишни, режалаштиришни, назорат қилишни, бошқаришни тўлиқ эгаллаш билан бирга, қишлоқ хўжалиги техникасига доир фанлардан, уларнинг барча янги муваффақиятларидан хабардор бўлиши лозим.

МС Юқоридаги таърифларда қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг қайси жиҳати бошқа фанлар билан алоқадорлиги яққол кўзга ташланади?

Қишлоқ хўжалигида менежмент фани табиат ва жамият тараққиётининг объектив қонунларига амал қилиб, хўжаликни иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда юритиш базаси бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида менежмент фани иқтисодий, ижтимоий, илмий фанлар - бизнесни режалаштириш, статистика, бухгалтерия ҳисоби, молия, кредит, режалаштиришнинг иқтисодий - математик усуллари, психология, ҳуқуқшунослик каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг вазифаси иқтисодий, илмий, психологик илмларнинг мавжуд ютуқларидан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бошқаришда мақсадга мувофиқ фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги ғояларни амалиётга тадбиқ қилиш ва ниҳоят булар асосида мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишдир. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бошқариш қонуниятлари ва тамойилларини ўрганиш қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг асосини ташкил қилади. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида менежмент - бу қишлоқ хўжалигида бошқарув, яъни ресурсларни ва одамларни бошқариш, унинг асосий мақсади олинadиган фойдани кўпайтиришдир.

1.3. Қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг усуллари

Қишлоқ хўжалигида менежмент усуллариининг асосий гуруҳлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқарув жараёни ҳам хўжалик тизимидаги иқтисодий муносабатларга асосланади, уларнинг асосида эса иқтисодий қонунлар ва бошқарув объектига хос қонуниятлар ётади. Қишлоқ хўжалиги менежментида етакчи ўрин муҳим иқтисодий усулларга: режалаштириш, рағбатлантириш ва тижорат ҳисобига тегишли. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқарувидаги иқтисодий усуллар маъносини кўриб чиқа туриб, иқтисодий усул деганда, иқтисодий ҳисоб - китобни тушуниш керак.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш тараққиёт топган сари қишлоқ хўжалигида менежмент усуллари ҳам ўзгармай қолмайди, улар ишлаб чиқариш кучларининг савиясига тўғри келмоғи лозим, яъни тизимли такомиллашиши керак.

МВ Сиз бу фикрга қўшиласизми? Ўз фикрингизни асосланг.

Иқтисодий усулларнинг такомиллашувининг асосий йўналишлари - бу иқтисодий шароитларни яратиш, яъни биринчидан ўзини капитал маблағлари ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ундаш, иккинчидан, фан - техника тараққиётини энг юқори даражада рағбатлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва учинчидан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун муттасил кураш олиб боришдир. Қишлоқ хўжаликда менежментнинг иқтисодий усуллари тўла иқтисодий механизмнинг бир кичик бўлаги ҳисобланади ва улар ердаида ишлаб чиқариш самарадорлиги муаммоси ечилади.

Қишлоқ хўжалигида менежментнинг маъмурий усуллари ҳар бошқарув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Уларда қуйи бўғинни юқори бошқарув бўғинларига бўйсунитиш кўзда тутилади.

Маъмурий усуллар юқори турувчи бўғин бўйсунувчи объектга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини кўзда тутлади. Баъзида менежментнинг маъмурий усулларида юқори турувчи идоралар уларга бўйсунувчи идораларга фақат қарор билан таъсир кўрсатадилар.

Маъмурий шакл ўз ичига иқтисодий маънони олади. Хўжалик муаммоларини ҳал этишда умумий ёндашувнинг турли томонлари бир - бирларини тўлдириб бирга ишлатилган.

Ҳозирги шароитларда қишлоқ хўжалигида менежмент самарадорлиги иқтисодий ва маъмурий усулларни мажмуавий ишлатилиши заруриятини кўзда тутганлиги сабабли аниқ шароитни ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир савиясида уларни мақбул равишда бир - бирларига тўғри келиш талаби юзага келади. Ушбу муҳим масалани ечими қишлоқ хўжалигида менежментнинг назарияси ва амалиёти учун катта аҳамиятга эгадир.

Аммо маъмурий усулларни ишлаб чиқариш бошқарувида аҳамияти қанчалик катта бўлишидан қатъий назар, ҳамма вақт шуни назарда тутиш керакки, улар бошқарилувчи тизимга биринчи туртки бўладилар. Сўнгра, бу ҳаракат иқтисодий усуллар томонидан сақлаб турилади ва кучайтириб борилади.

Ҳозирги замон шароитида қишлоқ хўжалигида менежментнинг ижтимоий - рухий усулларининг аҳамияти ўсиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида менежментнинг ижтимоий - рухий усуллари - булар меҳнаткашларнинг зарурий англаниш, фаол, узлуксиз меҳнат фаолиятини рўёбга чиқариш усули бўлиб, улар одамларни шахслараро ва рухий рағбатлантириш қўлланиши асосида амалга оширилади.

Ижтимоий - рухий усуллар ҳар бир жамоага ва алоҳида унинг хизматчисига таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради: ишонтириш усуллари, тарбиялаш, рухий рағбатлантириш, ишловчиларни маиший талабларини қондириш, жамоанинг илғор меҳнат анъаналарини сақлаш ва тараққий топтириш. Шундай қилиб, бизнес тараққиётининг замонавий шароитларида барча қишлоқ хўжалигида менежмент усулларининг тизимини такомиллаштириш жараёни кетмоқда.

МТ Нима учун қишлоқ хўжалигида менежмент усулларини танлаш санъати мураккаб муаммо деб ҳисобланган?

Қишлоқ хўжалигида менежмент усулларни танлаш санъати қишлоқ хўжалигида менежментнинг мураккаб муаммоси ҳисобланади.

Ҳар бир раҳбарнинг менежмент усулини эгаллаши ва уларни кенг меъёردа ишлата олиши қуйидагиларни амалга ошишига имкон яратади:

Меҳнат жамоаларининг, қишлоқ хўжалигидаги турли бўйин сунуш савиясида ишлаб чиқаришнинг муаммосини самарали ечишга йўналтирилган бирликдаги ҳаракатини жонлантириш.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишда янги замонавий дунё нусхаси даражасига тенг маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, корхонанинг иқтисодий рағбатлантиришни ошириш.

Алоҳида меҳнаткашларни ва ишлаб чиқариш жамоаларини ўзаро алоқасини, манфаатини мустаҳкамлаш, ҳамда жамоаларнинг иқтисодий

манфаатларини, қишлоқ хўжалиги режаларини, ҳамда ишлаб чиқаришнинг бутунлигича тараққиётини муваффақиятли ечиш вазифасини хал қилиш.

Демак, қишлоқ хўжалигида менежмент усулларини шартли равишда куйидаги асосий гуруҳларга бўлиш мумкин: иқтисодий, маъмурий ва ижтимоий - рухий усуллар.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида менежмент - бу фойда олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жорий ва узоқ муддатга режалаштириш, олдиндан башорат қилиш, ташкил этиш, хизмат ва маҳсулотларни сотиш тизимидир.

Қишлоқ хўжалигида менежер - бу маълум даражада маъмурий хўжалик - мустақиллигига эга бўлган, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича мутахассисдир.

Қишлоқ хўжалигида менежернинг вазифаси - қўл остидаги ходимга унинг олдида қўйилган мақсадларини тушунтириш, уларга эришишга ёрдам бериш, қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларга, жумладан, қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолиятини режалаштириш, режани амалга ошириш ва бажарилишини назорат қилишга фаол таъсир ўтказишдир.

Қишлоқ хўжалигида менежмент аввало одамларни бошқариш илмидир. Одамнинг хусусиятларини билмасдан туриб, менежер муваффақият қозониш ҳақида ўйлаши мумкин ҳам эмас.

Раҳбар қўл остидаги ҳар бир кишига алоҳида ёндашиши, у билан муомала қилиш йўлини топа билиши керак.

Самимий эътибор, қийинчиликлар ва камчиликларни тушунишга интилиш, уни ўрнига ўзини қўя билиш, ҳамда бундан амалий хулоса чиқариш, лозим бўлганда қўллаб - қувватлаш, уни муваффақиятида қизиқишини кўрсатиш билан раҳбар ходимни мажбур қилгандан минг марта кўпроқ натижага эришиши мумкин. Одам ресурсларини бошқариш қишлоқ хўжалигида менежментнинг энг асосий қисмидир. Ходимларни танлаш жуда муҳим иш ҳисобланади. Янги ишни ташкил этишда корхонада ишлайдиган одамлар билан боғлиқ бўлган масалаларни чуқур ўйлаб чиқиш керак, яъни одам ресурсларга бўлган эҳтиёжни ҳисоб - китоб қилиш, бажарилиши лозим бўлган ишларнинг рўйхатини тузиш, ишнинг ҳар бир участкасида ишлайдиган кишиларнинг сонини аниқлаш, ишнинг ҳар бир участкаси учун стратегик ва танглик омилларини аниқлаш, ишни ташкил этиш тузилишини белгилаш, хизматчилар ва акционерларнинг сонини аниқлаш ва штатларни сақлашга сарфланадиган харажатларни аниқлаш зарур. Молия соҳасидаги билимлар менежер учун асосий билимлардан биридир. Чунки, молиявий ҳисоб - китобларсиз бирор қарорга келиб бўлмайди. Шунинг учун менежернинг молияни бошқаришдаги ўрни бениҳоят каттадир. Бутун дунёда менежердан ишни самарали, яъни фойдали олиб боришни билиш талаб этилади. Фойдани кўпайтиришнинг иккита асосий имконияти маълум: биринчи, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларини ошириш ҳамда сотишни кўпайтириш, иккинчи, сарф - харажатларни камайтириш.

Ишлаб чиқаришни бошқариш бозор муносабатларининг ривожланиши ишни кўзини биладиган кишиларга, ишбилармонларга, тадбиркорларга, айниқса, бошқариш мутахассислари - менежерларга бўлган талабни кескин ошириб юборди. Қишлоқ хўжалигида менежер қабул қилинаётган техник, технологик ва бошқа қарорлар аниқ иқтисодий ҳисоб - китобларга асосланган

бўлиши керак. Маҳсулот сифати ҳам биринчи юқори даражада бўлиши, уни ишлаб чиқариш сарф - харажатлари ҳам унча баланд бўлмаслигига эришиш керак. Қишлоқ хўжалигида менежментда илм ва техника ютуқларини доимо жорий қилиб боришсиз тадбиркорликнинг истиқболи йўқ. Менежер олдида, рақобатга чидаш учун бугун, эртага, индинга қандай техник янгиликларни қўллаши лозимлиги ва бунинг учун қанча харажат сарф қилиши масаласи доимо кўндаланг бўлиб келади. Қишлоқ хўжалигида менежментнинг паст рентабелли, зарар билан ишлаётган корхоналаридаги стратегияси: юқори рентабелли товарларни ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, моддий ва энергетик ресурслардан оқилона фойдаланиш, ресурсларни тежаш имкониятини берадиган технологияларни жорий этиш ва бошқарув аппаратини кескин қисқартиришдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигида менежментнинг маркетинг соҳасидаги фаолияти қишлоқ хўжалик корхонаси имкониятларини фақат унинг ресурс имкониятлари ҳажми билан эмас балки, кўпроқ атроф - муҳитдаги аҳвол билан белгиланади. Бозорда муваффақият қозониш учун: эҳтиёж, яъни талабни ўрганиш, товарларнинг хусусиятларини ўрганиш, истеъмолчиларни истакларини ўрганиш, талаб ва эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни қайта кўриш керак. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида маркетинг хизматлари эҳтиёжни, сотишни, сотишдан кейинги хизмат кўрсатишни доимо ўрганиб бориш мақсадида тузилади. Бунда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш маркетингни бошқаришни бош вазифасидир.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида менежмент деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларида ҳосилдорликдан ва маҳсулдорликдан фойда олиш, муваффақиятларга эришиш учун биринчи галда иш фаолиятини тўғри ташкил этиш, агро - зоотехник тадбирлар ва технология жараёнини яхши йўлга қўйишни талаб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хўжаликларнинг раҳбарлари қишлоқ хўжалигида менежмент илмидан хабардор бўлиши шарт.

Раҳбар пухта билимга эга бўлган тақдирда, хўжалик фаолиятини яхши йўлга қўяди.

Менежерлар доимо ресурс ва харажатлардан тўғри ва самарали фойдаланишнинг йўллари кидириб топишлари керак.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
- 2./уломов С. Менежмент асослари. Т.: “ТошДАУ”, 1998.
- 3.Мескон М., Алберт М., Хидоури Ф. Основы менежмента. М. 1999.
- 4.Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.

Ўқув модули бирликлари

2.1.Қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни.

2.2.Янги хўжалик юритиш шакллари.

2.3.Қишлоқ хўжалик минтақалари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётда тутган ўрнини;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида янги хўжалик юритиш шакллари ва уларнинг назарий-амалий асосларини.

Таянч сўз ва иборалар

Янги хўжалик юритиш шакллари, қишлоқ хўжалигида ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, оилавий пудрат.

2.1.Қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни

Республика қишлоқ хўжалигида мамлакатнинг иқлим, ер - сув ва меҳнат ресурсларидан ҳамда халқнинг асрлар давомида тўплаган деҳқончилик маданиятидан унумли фойдаланиш негизда пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Айни пайтда ғаллачилик, шолікорлик, канопчилик, полизчилик, сабзавотчилик, мевачилик, узумчилик соҳалари, чорвачиликнинг қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик, йилқичилик, асаларичилик, пиллачилик соҳалари ҳам асосий тармоқларга киради. Республикада етиштириладиган пахта, мева, узум, сабзавот маҳсулотларининг талай қисми кўшни давлатларга экспорт қилинади. Республикада мева, узум ва сабзавотнинг юқори сифатли навлари етиштирилади, Ўзбекистон ўзининг сифатли пилласи ва қоракўли билан ҳам дунёга машхур. Республиканинг ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида ғаллачилик жадал ривожлантирилмоқда.

МС Республика қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларига кўра қандай хўжалик секторлари мавжуд?

Республика қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларига кўра қишлоқ хўжалиги кооперативи - ширкат хўжаликлари, давлат хўжаликлари, наслчилик заводлари, ўқув тажриба ҳамда тажриба хўжаликлари, хусусий - деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусийлаштирилган корхоналар, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари секторлари мавжуд.

Республика парламенти қишлоқ хўжалигида туб бурилишларнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган қонунларни қабул қилди. Жумладан ер тўғрисида, Ўзбекистон республикасида тадбиркорлик тўғрисида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ижара тўғрисида, деҳқон хўжалиги тўғрисида, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида, ер солиғи тўғрисида, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида, 1998 йил апрель ойида Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Деҳқон

хўжалиги тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида” қонунлари ҳамда ҳукумат қарорлари қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиёт пойдеворини яратишга йўл очди.

Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш аграр сиёсатдаги муҳим йўналишга айланди. Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар дастуридан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Бу тадбирлар хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга, хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини оширишга ҳамда хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга йўл очди.

Ҳозир қишлоқ хўжалигидаги банд бўлган меъёрдан ортиқча меҳнат ресурсларини саноатга, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиш давлат аграр сиёсатининг ғоят муҳим йўналиши ҳисобланади. Қишлоқ жойларига саноат ни олиб кириш, замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларини яратиш устивор вазифа ҳисобланади. қишлоқда туб ислохотларни ўтказиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир.

2.2. Янги хўжалик юритиш шакллари

Қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари мулк шаклида мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий асоси хўжаликнинг бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, уни ташкил этишни ва ишлаб чиқариш методларини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида амалга оширишдир. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш учун машина - трактор парклари ташкил этилди. Улар қишлоқ хўжалиги корхоналари тузимининг моддий - техника базасидан иборат бўлиб, ерларни шудгорлаш, экинларни парвариш қилишни механизациялаш билан боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги ишларни бажаради. Машина - трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик ширкати, фермер ва деҳқон хўжаликлари иқтисодий нуқтаи - назардан қишлоқ хўжалигини ҳозирги замон индустриал негизда ривожлантириш имконини беради.

МВ Сиз бу фикрга қўшиласизми? Ўз фикрингизни асосланг.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташкилий асослари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигига асосланган ишлаб чиқаришнинг умумий характери;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарига бириктириб қўйилган ер амалдаги қонунларга асосан давлат мулкдир, бинобарин, бу ер сотилиши мумкин эмас.
- барча масасаларни хал қилишда жамоа аъзоларининг ташаббуси ва ижодкорлиги учун чексиз имкониятлар яратиб берадиган ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг жамоа формалари:

- айрим тармоқларда ва бутун хўжаликда етиштирилган маҳсулотни режалаштириш;

- хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида ишлаб чиқариш - молиявий фаолият, харажатларнинг даромадлар билан мувофиқ келиши, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун ва мулкый пайлар учун зарур бўлган фойданинг олиниши;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари - ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари ягона мақсадга эгадирлар, бу мақсад жамиятнинг доимий ўсиб борувчи эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида кўп миқдорда арзон маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборатдир. Ширкат, деҳқон, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш структураси, маҳаллий шарт - шароитларни ҳамда қишлоқ хўжалиги тараққиётини муайян босқичида унинг олдида турган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб чиқилади. Шу билан бирга, маҳсулотнинг қайси турларини ишлаб чиқариш учун энг қулай шароитлар мавжуд бўлса, ўша турларнинг ҳажмини устун даражада кўпайтириш, уларни анча чуқур ва мустаҳкам ихтисослаштириш йўли билан энг кўп иқтисодий самарага эришилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ташкилий структураси хўжалик тармоқларини ихтисослаштириш ва бир - бирига қўшишга, унинг ҳажмига, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг территориал жойлашуви ҳамда бошқа факторлар ва шарт - шароитларга тўғридан - тўғри боғлиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳиблик ҳиссини уйғотиш, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзида ижара муносабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳукуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш орқали, шунингдек, ширкат, фермер, деҳқон ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим.

Деҳқончиликда оилавий пудрат шаклини қўллаш, ерга эгалик қилишда даромадни тақсимлашда эса пайчилик усулидан фойдаланиш, пай орқали мулкка эгалик қилиш, даромад олиш, шартнома асосида ишлаш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига сервис хизмат кўрсатиш қанчадан - қанча аҳолини иш билан банд қилишга имкон яратади. Қишлоқ хўжалик корхонаси ёки фермер хўжалиги уз хўжалигида туриб, керакли уруғлик, минерал ўғитлар ёки техника хизмати учун, арзон ва ишончли таъминотчи ҳамкорига буюртма бериши ва уни ўз вақтида олиши мумкин. Токи деҳқон ёки фермер ўзининг асосий иши ҳосил тўплаш ва йиғиш билан шуғулланмас экан, унинг ишида унум ҳам самара ҳам бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш соҳасини етарли даражада ташкил этиш зарур.

Ерларни мелиорациялаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, электрлаштириш, кимёлаштиришда эришилган ютуқлар, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтаришда хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Республикада қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган саноат тармоқларининг ривожланиши унинг моддий - техника базасини мустаҳкамлайди.

Республика Президентининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб - қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармонида (1996 йил 3 апрель) қишлоқ хўжалигини сифатли техника, минерал ўғитлар, экинларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалар билан таъминлаш республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг комплекс дастурида устивор вазифалар сифатида белгиланган.

Республикада қишлоқ хўжалиги соҳасидаги умумий сиегатни республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги амалга оширади. Давлат бошқарувнинг куйи бўғини бўлган туман, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари давлат хўжаликлари, ширкат хўжалиги уюшмалари ва бошқаларга умумий раҳбарликни олиб боради. Ихтисослашувига кўра боғдорчилик, токчилик, айрим иссиқхона хўжаликлари мустақил “Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг” компаниясига қарайди. Айрим тармоқларга раҳбарликни амалга ошириш учун қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “қорақўл”, “Ўзбек ипаги”, “Ўзпаррандасаноат”, “Асал” каби республика ишлаб чиқариш уюшмалари ташкил этилган.

2.3. Қишлоқ хўжалик минтақалари

МТ Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик минтақаларини таърифланг.

Ўзбекистон худуди қишлоқ хўжалиги жиҳатдан уч минтақага бўлинади: тоғ ва тоғ олди минтақаси республика худудининг 20 фоиздан ортигини ташкил этади. Асосан лалмикор деҳқончилик, яъни буғдой, арпа, нухот, зигир экилади, боғдорчилик ва узумчилик тараққий этган, бу минтақада мавсумий баҳорги кузги яйловлар бор, чорвачилиги гўшт, жун етиштиришга ихтисослашган. Суғорма деҳқончилик минтақаси республика худудининг қарийиб 20 фоизини ташкил этади. Бу минтақа Фарғона водийси, Мирзачўл, Далварзин чўли, Чирчиқ - Охангарон, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон - Шеробод водийлари, Қуйи Амударёни ўз ичига олади. Асосан пахта, каноп, буғдой, маккажухори, шоли, картошка, сабзавот, полиз экинлари, ем - хашак экинлари етиштирилади. Боғ ва токзорлар, тутзорлар, резавор мева майдонлари бор, гўшт - сут чорвачилиги ривожланган. Чўл - яйлов минтақаси - республика худудининг 60 фоизини ташкил этади. Асосан чўл ва сувсиз текисликлардан иборат. Бухоро, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистонда ва Фарғона водийсининг марказий қисмида жойлашган.

Республикада деҳқончиликнинг асосий тармоқлари - пахтачилик, канопчилик, тамакичилик, дончилик, сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик, боғдорчилик, узумчилик, лавлаги ва ем - хашак экинлари етиштириш соҳаларидан иборатдир.

Ўзбекистон чорвачиликнинг қадимий марказларидан бири. Республиканинг тупроқ ва табиий иқлим шароитлари - унумдор суғориладиган ерлар, бепоён қир - адирлар, дашт - чўл ва тоғ олди яйловлари чорвачиликнинг ривожини учун қулай. Суғориладиган ерларда асосан қора молчилик, чўчкачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, қир - адирлар, дашт - чўл ва тоғ олди ҳамда тоғли яйловларда эса қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик, туячилик, сув хавзаларида балиқчилик ривожланган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
3. Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.

3-мавзу. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштириш

Ўқув модули бирликлари

- 3.1. Бизнес режанинг моҳияти ва вазифалари.
- 3.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг режалаштириш тизими.
- 3.3. Қишлоқ хўжалик корхонасининг бизнес режаси.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунинг ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалигида бизнес-режа, унинг моҳияти ва вазифаларини;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштириш тизимини.

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалигида режалаштириш, бизнес режа, режалаштириш тизими, истиқболдаги режалаштириш, жорий режалаштириш.

3.1. Бизнес режанинг моҳияти ва вазифалари

Қишлоқ хўжалигини бошқаришда тадбиркорликнинг асосий таркибий қисмларидан бири бизнес - режадир. Ҳар қандай иш режа асосида бўлса, муваффақият келтиради. Олдиндан зарур ҳисоб - китоблар қилиниб, имкониятлар тўла эътиборга олинса, ўйланган иш устида тўла тасаввур қилинса, уни амалга ошишига ишонч ҳосил қилинади ва уни бажариш учун дадил киришилади. Бундай томонлар қишлоқ хўжалигини бошқаришда бизнес - режада ўз ифодасини топиши зарур. Қишлоқ хўжалигида бизнес - режанинг икки томонлама аҳамияти бўлиб, бу ички ва ташқи заруриятлардан келиб чиқади. Чунки у биринчидан, тадбиркорликнинг ўз ички имкониятларини баҳолай билишга, фаолиятнинг маъқул усуллари белгилашга ёрдам беради ва шу билан бирга фақат тадбиркор учунгина эмас, балки қишлоқ хўжалиги корхонасидаги барча хизматчиларда тўла ишонч туғдиришга, иккинчидан, ташқи алоқалар ўрнатишда ҳам ёрдам беради. Банк, материаллар, энергия ва хом ашё етказиб берувчилар билан иқтисодий алоқада бўлиш учун аввало реал ҳақиқатдан келиб чиқадиган бизнес - режа бўлиши керак.

Ҳар қандай корхонани ташкил этиш соҳасидаги фаолият реал, амалиётни ўзида акс этадиган, барча иш турларини бажаришни режали таъминлай оладиган бизнес - режа тузишдан бошланиши керак. Бизнес - режа имкониятлар асосида реал иш режасидир. Бу режа қатъийликни инкор этади ва иш

жараёнида ўзгартирилиши ва доимо аниқлик киритиб борилиши мумкин бўлган тадбиркорнинг бошқариш маҳоратини доимий ишга солувчи режадир.

Бизнес - режа корхонанинг фаолият ҳажми, шу билан бирга иш кўрадиган соҳа хусусиятларига тўла боғлиқ ҳолда тузилади. Шунга кўра қишлоқ хўжалиги корхонасининг катта - кичиклиги, кенгайиши мумкинлиги ва қайси тармоққа тааллуқлилиги бу режада ўз аксини топиши керак. Чунки фаолиятдаги барча томонлар иш ҳажми ва иш соҳасига боғлиқдир. Фаолият асоси бўлган маҳсулот хили, тури белгиловчи омил сифатида юзага чиқади. Ишлаб чиқаришда ёки савдода иш кўриш бошқа - бошқа технология ва ташкилотчиликни талаб этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларини оладиган бўлсак, уларнинг хусусиятлари турличадир. Шунинг учун ҳам уларнинг бизнес - режалари бир хил бўлмайди.

Маҳсулот мураккаблиги ҳам бизнес - режага таъсир этади. Унинг даражаси юқори бўлса, корхонанинг ички ва ташқи алоқаларининг мураккаблиги ошади ва анча кенг бўлади, иш турлари ҳажми ҳам юқори бўлади ва ҳоказо. Буларнинг барчаси албатта бизнес - режада ўз аксини топиши керак.

МС Бизнес-режа қандай қисмларни ўз ичига олади?

Қишлоқ хўжалигида бизнес - режани тузиш менежернинг маълум вақтини, тажрибасини, бундай ишга тайёргарлик даражасини талаб этади. Бу зарур нарса, унинг учун вақт ва билимни аяш ярамайди.

Қишлоқ хўжалигида бизнес - режа бу асосан қуйидаги қисмларни ўз ичига олади: умумий, ишлаб чиқариш режаси, маркетинг режаси, ташкилий режа, молиявий режа.

У умумий титул варағи, кириш қисми, тармоқдаги ахвол таҳлили, тақдим этилаётган лойиха моҳияти, хатарни баҳолаш ва қўшимчалар киради. Титул варағида қишлоқ хўжалик корхонасининг тўла номи ва мазмуни, манзилгоҳи, телефони, тақдим этилаётган лойиҳанинг қисқача моҳияти, лойиҳанинг ялпи қиймати кабилар кўрсатилади. Шу ерда кўзда тутилган сармоя манбалари, яъни акция чиқариш, заём ва бошқалар кўрсатилиши мумкин. Албатта бизнес режада келтирилган маълумотлар сир сақланиши лозим. Бу корхона менежерининг ғоясини ҳимоя этиш учун керакдир.

Кўпчилик қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари режалаштиришга аҳамият бермай, бизнес - режа тузишга эринадилар ва уни кераксиз деб биладилар, бу албатта катта хатодир. Режалаштириш барча хўжалик фаолиятининг зарур ва муҳим қисми эканлигини ҳеч эсдан чиқармаслик лозим. Буни аниқса банкротлар тасдиқлаши мумкин, банкротлик, яъни корхонанинг синишининг сабаби пулнинг етишмаслиги эмас, балки тадбиркор - раҳбарнинг еки қишлоқ хўжалиги корхонасининг ўз фаолиятини тўғри режалаштирмаганлиги натижасидир.

3.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг режалаштириш тизими

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида режалаштириш системаси истиқбол, жорий ва оператив режалар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

МВ Сиз бу фикрга қўшиласизми? Ўз фикрингизни асосланг.

Истикбол режалар қишлоқ хўжалик корхонасининг йўналиши, ривожланиш миқёси ва суръатларини бир неча йил олдин белгилаб беради. Бу режалар оптимал вариант излашга, яъни кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш башоратига асосланади. Башоратлашда куйидаги методлардан фойдаланилади: экстрополяция методи: у корхонада ва ундан ташқарида қарор топган тенденцияларни аниқлик билан акс эттириш имконини беради; эксперт баҳолаш методлари: бу метод илмий жамоалар ва амалиётчиларнинг фикрларига асосланади; моделлаштириш методи: у ишлаб чиқариш жараёнида техникавий, технологик ва ташкилий ўзаро алоқалар жамини тўлиқ ҳисобга олиш имконини беради.

Башоратлар истикбол режаларни классификация қилишга мувофиқ, узоқ муддатли, яъни ун йилдан кўпроқ вақтга, ўрта муддатли, яъни 5 - 10 йилга ва қисқа муддатли, яъни беш йилгача башоратларга бўлинади.

Жорий режалаштириш қишлоқ хўжалиги корхоналарининг йиллик бизнес - режаларини ҳамда бўлинмалар, бўлим ва шу кабиларни йиллик режалари ва топшириқларини ишлаб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бизнес - режаси истикбол режа асосида унинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир календар йилига тузиб чиқилади. Бўлимларнинг йиллик режалари ва топшириқлари корхона бизнес - режасида белгиланган вазифаларни конкрет ижрочиларга етказишни мақсад қилиб қўяди.

Оператив иш режалари йиллик режани янада деталлаштиришдан иборатдир. Бу режаларда иш жараёнларини оптимал агротехника муддатларини ташкил этиш, бунинг учун зарур бўладиган ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи ҳисоби акс эттирилади. Оператив иш режаларини тузишга йиллик режада белгиланган экин майдонларига оид маълумотлар асос қилиб олинади. Чорвачилик бўлимларида ойлик топшириқлар иш режаларининг ўрнига ўтади. Деҳқончилик бўлимларига бериладиган режа нарядлар, чорвачилик бўлимларига бериладиган ўн кунлик топшириқлар, булар деҳқончилик ва чорвачилик бўлимларининг иш режаларида белгиланган ишларни конкрет ижрочиларига етказадиган топшириқлардир.

Режаларнинг ана шу турлари ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси битта умумий вазифани ҳал қилади, лекин уларнинг ҳар бири топшириқларни ўзича ҳал қилишга ёрдам беради, ҳар бир ички хўжалик режалаштиришидаги умумий системанинг зарур звеноси ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида режалаштириш қишлоқ хўжалиги корхонасининг иқтисодий эркинлиги доирасида амал қилади ва бозордаги талаб - таклифга қараб ишлаб чиқилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштиришни бир қатор қоидалари мавжуд:

1) Бозордаги реал шароитни ҳисобга олиш, бунда корхона ўз ишини бозордаги нарх - навонинг ўзгариши эҳтимолини ҳисобга олиб режалаштиради.

2) Рақобатчилар имкониятларини ҳисобга олиш, бунда қандай рақиблар бўлиши, уларнинг саъйи - ҳаракатлари эҳтимоллари эътиборга олинади.

3) Режаларни юқоридан қуйига ёки қуйидан юқорига қараб ишлаб чиқиш, бунда режа юқорида корхона даражасида ва қуйида унинг бўлимлари доирасида тузилади.

4) Режалаштиришнинг узлуксизлиги, бу қоидага биноан қисқа ёки узоқ муддатга мўлжалланган савб - ҳаракатларга керакли тузатишлар киритиш талаб қилинади, чунки бозор шароитида ҳамма нарсани олдиндан билиш қийин ва вазиятга қараб режаларга ўзгаришлар киритиш талаб қилинади.

5) Турли режаларни мувофиқлаштириш, бунда корхонанинг турли бўлимларидаги режалар бир - бирига мослаштирилади ва пировард натижада яхлит, ҳамма режаларни бирлаштирган умумий режа юзага келади.

3.3. Қишлоқ хўжалик корхонасининг бизнес режаси

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг истиқбол режаси бизнес - режани тузиб чиқишнинг асоси бўлиб, у конкрет календарь йилида қишлоқ хўжалиги корхонаси амалга оширадиган ишлар дастуридан иборатдир. Агар истиқбол режа хўжалик тараққиётининг асосий, йирик масалаларини, яъни узоқ муддат давомида бажарилиши мумкин бўлган масалаларни ҳал этса, бизнес - режа айти ҳозирги йил учун мўлжалланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлади. Қишлоқ хўжалигида бизнес - режанинг шакллари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Бу шакллар ҳар йили аниқлаштирилади ва доимий равишда бир - бирига яқинлаштирилади, бу эса туман, вилоят, республика бўйича йиғма режалар тузиб чиқишни ва қишлоқ хўжалик корхоналарига раҳбарлик қилишни осонлаштиради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ижтимоий табиатига хос хусусиятлар режа топиширининг мазмунида ҳам акс этади. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун режа топишириги фақат давлатга маҳсулот сотиш буюртмаси бўйича берилади. Қишлоқ хўжалик корхоналари давлат олдидаги буюртмаларини бажариб режадан ташқари маҳсулот сотгач, ўз уставларига кўра, олинган маҳсулот ва пул воситаларидан қандай фойдаланишни ўзлари белгилайдилар. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш, кўшимча ҳақ тўлаш миқдори иш натижаларига боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга фондларни тўлдиришга мўлжалланган ажратмаларнинг миқдорини ўзлари белгилайдилар.

Қишлоқ хўжалигида бизнес - режани тузиш вақтида корхона аъзоларининг келгуси йилда ишларни яхшилашга оид таклифлари эътиборга олинади.

Бинолар, хоналар, машиналар ва иш қуроллари, маҳсулдор моллар ва иш хайвонлари, кўп йиллик дарахтлар рўйхатдан ўтказилади, уларнинг режалаштирилатган йил бошидаги ҳолати, қолган маҳсулот ва материаллар аниқланади. Корхоналарда меҳнат ресурслари - доимий ходимлар, механизатор ва чорвадорлар, ишга яроқли эркак ва аёллар, шунингдек 12 - 16 ёшдаги ўсмирлар ва ишларда баҳоли кудрат қатнашиб турадиган пенсионерлар аниқлаб чиқилади.

МТ

Қишлоқ хўжалигидаги бизнес режанинг амалдаги шакли республика Президенти И.А.Каримовнинг қайси фармонида асосан ишлаб чиқилган? Бизнес режада қандай бўлимлар мавжудлигини аниқланг.

Қишлоқ хўжалигидаги бизнес - режанинг амалдаги шакли республика Президенти томонидан 1997 йил 15 март куни қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигида ҳисоб - китоблар тизимини такомиллаштиришга оид туб чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бизнес - режаси қуйидаги асосий бўлимларга эга: кириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бир гектар ерга кетадиган меҳнат ва моддий харажатлар меъёри, ердан фойдаланиш, деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқариш, моллар, паррандалар, хайвонлар бош сони ва асалари оиласи сони мавжудлиги, моллар ва паррандалар маҳсулдорлиги, молларнинг ва паррандаларнинг озуқаларга бўлган эҳтиёжи ва унинг таъминоти, чорвачилик маҳсулотларининг таннари, режалаштирилаётган йил учун маҳсулот баланси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, умумхўжалик харажатининг маҳсулот етиштирувчи бўлинмаларига тақсмоти, асосий ишлаб чиқариш харажатлари, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва сотиш, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқарган маҳсулоти, хизмати ва сотиш, ходимларнинг сони ва истеъмолга йўналтирилган меҳнат ҳақи фонди, ташқи иқтисодий фаолият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, пул даромадлари ва харажатлар баланси, бюджетга тўланмалар, корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ялпи даромади, молиявий натижалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида бизнес - режани тузиш ва ундаги ҳисоб - китобларга қатъий риоя қилиш бозор иқтисодиёти шароитида объектив заруриятдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бизнес - режасини тузиш ва унинг шакллари тўлдириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарурдир “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун бир гектар ерга кетадиган меҳнат ва моддий харажатлар меъёри” жадвали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 июндаги 317 сонли қарори ва Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “1998 - 2000 йилларда пахта, бошоқли дон экинлари, шולי ва картошка экинлари майдонлари тўғрисида”ги 1997 йил 28 июнь 186 сонли буйруғига ва вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан хўжаликларга етказиладиган топшириқлар асосида ҳамда қолган экин турларини экишда хўжаликларнинг ўзлари бозор талабларини ўрганган ҳолда талаб этиладиган майдонларни белгилашлари, ҳосилдорлиги уч йиллик ўртачасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаб, тўлдирилади.

Меҳнат ва моддий харажатлар меъёри - меҳнат сарфи, киши - соати, уруғ, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғит Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 1997 йил 7 апрель 11/48 - 81 сонли хати билан маъқулланган “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар меъёрлари”нинг белгиланган экин ҳосилдорлигига тегишли меъёрлардан олиб қўйилади. Бу жадвални тўлдириш учун хўжаликларда экин турлари бўйича уруғ сарфи, ёқилғи мойлаш материалларининг турлари бўйича, тупроқларнинг хусусиятларига кўра эса минерал ва маданий ўғитларнинг аниқ ҳисоб - китоби бўлиши ва иш ҳисоб - китоблар асосида хўжалик бўйича ҳар бир экин экиладиган майдон тупроғининг хусусиятларига кўра уруғ, ёқилғи

мойлаш материаллари, минерал ва маданий ўғитларни талаб меъёри тўғрисида ҳисоб - китоб чиқарилади.

Ердан фойдаланиш жадвали 1.11.2000 йилдаги кўрсаткичга асосан **29 к/х** ҳисоботи асосида тўлдирилади.

Дехқончилик маҳсулоти ишлаб чиқариш жадвалини тўлдиришда белгиланган меъёрлар, яъни “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун бир гектар ерга кетадиган меҳнат ва моддий харажатлар меъёри” экин майдонларига кўпайтирилиб – киши соати, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари ва ўғитлар миқдори аниқланади ва бизнес - режадаги тегишли графаларга қўйилиб, уларни қийматлари жорий йилдаги хўжаликка кириш қилинадиган баҳолар билан ҳисобланади. Энг аввало хўжаликда ҳар бир экин тури бўйича агротехника чора - тадбирлари тузилган бўлиши керак ва шунга асосан бу жадвал ҳисоб - китоб қилиниб тўлдирилади.

Солиқ тўловлари Республика ҳукумати томонидан белгиланган меъёрлар даражасида ҳисоб-китоб қилиниб, маҳсулот таннархига қўшилмаган ҳолда хўжаликнинг молиявий натижасида кўрсатилади.

Асосий воситаларни сақлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 469 сонли қарорига мувофиқ 1997 йил 1 январдан беш гуруҳга бирлаштирилди ва гуруҳлар бўйича асосий фондларнинг йиллик амортизацияси нормалари қуйидагича ҳисобланади: 1) бино, иншоот ва қурилмалар 5 фоиз; 2) енгил автобуслар, такси, йўллардан фойдаланиш учун мўлжалланган автотехникалар, махсус қурилмалар, инвентар ва мосламалар, компьютерлар, маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган мослама ва ускуналар 20 фоиз; 3) автомобиль транспортининг ҳаракат қилувчи қисми, юк ташиш автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автоприцеплар, саноатда барча тармоқлардаги машина ва асбоб - ускуналар ҳамда қўйма ишлаб чиқариш, темир пресловчи, қурилиш, қишлоқ хўжалиги машина ва асбоб - ускуналари, идора учун мебель 15 фоиз; 4) бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизацияланадиган, яъни эскирадиган активлар 10 фоиз; 5) темир йўл, денгиз, ҳаво транспорт воситалари, куч машиналари, иссиқлик техникаси, трубина асбоб -ускуналари, электродвигателлар ва дизель генераторлар, электр узатиш ва алоқа мосламалари 8 фоиз. Юқорида кўрсатилган фоизларни ҳисоб - китобини қилиш учун хўжаликнинг 2000 йил ҳисобидаги асосий воситалар ҳаракати тўғрисида йил охирида қолдиқ олиниб унга 2001 йилда олинadиган асосий воситалар, қишлоқ хўжалик машиналари ва инвентарлари қиймати қўшилиб, умумий қиймат аниқланади ва гуруҳлар бўйича йиллик амортизация нормалари фоизи ва суммаси ҳисобланади ҳамда ҳар бир техниканинг қишлоқ хўжалик экин турлари бўйича бажарилган иш ҳажмларига мутаносиб равишда тақсимланиб, маҳсулот таннархига қўшилади ва тегишли графага қўйилади.

Ишлар ва хизматлар - хўжаликларга шартнома асосида хизмат кўрсатаётган ташкилотлар ва корхоналар хизмати учун тўланадиган харажатлар, сув таъминоти хўжаликларида суғориш ва бошқа мақсадларга олинган сув учун тўланадиган пул маблағлари, хўжалик ичидаги ёрдамчи корхоналарнинг кўрсатган хизматларига тўланган харажатлар ҳисоб - китоби, ҳисоб - китоб йилидаги ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Суғурта тўловлари - “Ўзагросуғурта” Республика ташкилотининг худудий бўлинмалари билан ихтиёрийлик асосида маҳсулот турларига алоҳида шартнома тузилади ва тегишли графага қўйилади.

Умумий ишлаб чиқариш харажати - бу харажатга хўжалигининг штат жадвалида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳамма турлари ҳамда хўжалик харажатларини ҳисоб - китоби экин турлари бўйича олиб борилади. Ушбу харажат миқдори, умумий харажатдан уруғ қиймати чегиришдан қолган қисмига мутаносиб тақсимланиб, экин турларига олиб борилади.

Бошқа харажатлар - юқорида кўрсатилган харажат турларига таълуқли бўлмаган, аммо ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар тегишли графада экин турлари бўйича кўрсатилади. Юқорида кўрсатилган барча харажат турларининг қийматдаги йиғиндиси тегишли графада ифода этилади. Маҳсулот турлари бўйича жами харажатлар суммасидан қўшимча маҳсулот қийматини чегиришдан қолган суммасини маҳсулот миқдорига тақсимланганда бир центнер маҳсулотнинг таннархи аниқланади ва тегишли графада қайд этилади.

Маҳсулотлар ҳосилдорлигини аниқлашда, уларнинг асосий ва қўшимча маҳсулотлари аниқ белгиланиши тегишли графада қайд этилиб, етиштирилган миқдорини экин турлари бўйича экин майдонига нисбати ҳар бир гектаридан олинган ҳосилдорликни билдиради ва тегишли графада қайд этилади.

“Моллар, паррандалар, хайвонлар бош сони ва асалари оиласи сони мавжудлиги, маҳсулдорлиги, ем - хашак сарфи” жадвалларини тўлдиришда хўжаликнинг 2000 йил йиллик ҳисоботидан маълумотлар олиниб, чорвачиликда пода ҳаракати бўйича ҳужжат тузилади.

Пода ҳаракати ҳужжатидаш асосан чорва молларининг бош сонлари йил бошида ва йил охиридаги ўзгаришлари, кирим ва чиқимлари, уларнинг тирик оғирлиги ва умумий баҳоси тегишли жадвалда қайд этилади. Моллар, паррандалар, хайвонлар бош сони ва асалари оиласи сони мавжудлиги жадвалидан ва пода ҳаракати ҳужжатидан келиб чиққан ҳолда моллар ва паррандаларнинг тирик вазни ўсиши маълумотнома жадвалининг тегишли графаларида кўрсатилади.

Бундан ташқари аҳолидан шартнома асосида олинадиган маҳсулотлар: сут, гўшт, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар ҳам тўлиқ кўрсатилиши зарур.

Молларнинг маҳсулдорлиги жадвалдаги моллар ва паррандалар бош сонлари “Моллар, паррандалар, хайвонлар бош сони ва асалари оиласи сони мавжудлиги” жадвалининг тегишли графасига мос равишда уларнинг маҳсулдорлиги ва жами маҳсулот миқдори ҳисоб - китоб қилиниб чиқарилади.

“Моллар ва паррандаларнинг озуқаларга бўлган эҳтиёжи ва унинг таъминоти” жадвалида пода ҳаракати ҳужжати бўйича хўжаликдаги чорва молларининг турлари талаб этиладиган озуқалар миқдори озуқа бирлигида, шу жумладан концентрат озуқа ва унинг жами қиймати аниқ ҳисоб - китоб қилинади. Бундан ташқари, талаб этиладиган озуқанинг қанча миқдори сотиб олиниши ва унинг қиймати, шунинг бир центнер маҳсулотга сарфланадиган озуқа бирлиги меъёрлар қўлланмасининг жадвалларига асосан аниқланади.

“Чорвачилик маҳсулотлари таннархи” жадвалини тўлдиришда “Бизнес - режанинг “Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш” жадвалини тўлдириш тартибида, шунингдек меъёрий қўлланмадаги нормалардан келиб чиққан ҳолда,

киши соати, озуқа миқдори ва ёқилғи мойлаш материаллари белгиланади ҳамда уларнинг қийматлари жорий йил баҳосида ҳисобланади.

“Маҳсулот” баланси жадвалини тўлдиришда хўжаликнинг 2000 йил ҳисоботидан маҳсулотлар турлари бўйича қолдиқ олинади ва унинг миқдори жадвалнинг тегишли графаларида кўрсатилади. 2001 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари бўйича миқдор ва қийматлари ишлаб чиқаришга оид тегишли графаларда, сотиб олинadиган ва бошқа кириmlар миқдори ва қийматлари эса сотиб олинди ва бошқа кириmlарга оид тегишли графаларда кўрсатилади. Жами кириш қилинган маҳсулотлар тури миқдор ва қиймат ҳолида жамига оид тегишли графаларда жамланади. Йил давомида чиқим қилинадиган жами маҳсулот турлари, шу жумладан давлат буюртмаси ва шартнома асосида сотиладиган маҳсулотлар миқдори ва қиймати сотилди ҳаммасига оид тегишли графаларда, хўжалик аъзоларига ва иссиқ овқат учун ишлатиладиган маҳсулот турлари миқдори ва қиймати хўжалик аъзоларига ва иссиқ овқат учун оид тегишли графаларда, эркин бозорда сотиладиган маҳсулотлар бозорда сотиладиган оид графаларда, бартер асосида айрибошланadиган маҳсулотлар бартер асосида алмашинилдига оид графаларда, хўжаликнинг чорва моллари ва уруғлик фондига ажратиладиган маҳсулотлар моллар, паррандалар еми учунга оид графаларда кўрсатилиб, жами кириш маҳсулотларидан жамига оид графалар юқорида кўрсатилган чиқимлар чиқарилиб, йил охирида қолдиқ миқдори маҳсулот турлари бўйича режа таннархида кўрсатилади.

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш” жадвалини тўлдиришда, маҳсулотлар миқдори табиий ҳолда кўрсаткичи, кондицион ҳисобга ўтган ва табиий ҳолларда олинади. Сотиладиган маҳсулотларнинг таннархи бизнес - режанинг “Деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқариш”, “Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи”, 2001 йил учун маҳсулот баланси жадвалларидан келиб чиққан ҳолда тўлдирилади. Маҳсулотларни сотишдан тушган пул даромадини ҳисоблашда уларга белгиланган давлат буюртмалари алоҳида ҳисоб - китоб қилиниб, шартнома асосида сотиладиган қисмига қўшилади ва ўртача нарх чиқарилади. Ҳар бир маҳсулот учун фойдалилик даражаси 25 - 30 фоиздан қўшиб, сотиладиган маҳсулот миқдорига кўпайтирилади ва олинган суммани сотишдан тушган пулга оид графага туширилади.

Молиявий натижа графасини тўлдиришда, сотиладиган маҳсулотнинг таннархи ва сотишдан тушган пул даромадининг ўртасидаги фарқ маҳсулот турларини сотишдан олинган молиявий натижасини билдириб, молиявий натижа фойдага тегишли графада қайд этилади.

Бундан ташқари хўжаликларда саноат корхоналари, яъни саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи, кичик ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот харажати ва сотишдан келган даромадлари ҳамда олинган фойдалари “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш” жадвалини молиявий натижа фойда графасида кўрсатилади.

“Умумхўжалик харажатининг маҳсулот етиштирувчи бўлинмаларига тақсимооти” жадвалини тўлдиришда, хўжаликнинг етиштирилган маҳсулотининг қиймати “Деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқариш”, “Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи”, “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва сотиш”, “Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш корхоналарининг

ишлаб чиқарган маҳсулоти ва сотиш” жадвалларидан олинади, Умумхўжалик харажатлари эса “Ходимларнинг сони ва истеъмолга йўналтирилган меҳнат ҳақи фонди” жадвалидан фойдаланиб тўлдирилиб ва юз сўм маҳсулотга тўғри келадиган харажат ҳисобланади.

“Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” жадвалини тўлдиришда бизнес-режанинг “Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш”, “Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи”, “Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш”, “Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқарган маҳсулоти ва сотиш” жадвалларида барча харажатлар элементи жамланиб харажат турлари бўйича экин майдони гектар, ўртача йиллик бош сони, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, киши/соатига оид графаларда акс эттирилади. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш тармоқлар бўйича тақсимланиб харажатларнинг жамига оид графалар тўлдирилади.

“Ходимларнинг сони ва истеъмолга йўналтирилган меҳнат ҳақи фонди” жадвалини тўлдиришда “Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш”, “Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи”, “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва сотиш”, “Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқарган маҳсулоти ва сотиш” жадвалларидан ҳамда меъёрий қўлланмада белгиланган штатлар жадвалидан келиб чиққан ҳолда ходимларнинг ўртача йиллик сони аниқланиб ходимларнинг рўйхатдаги ўртача йиллик сонига оид графага туширилади. Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори истеъмолга йўналтирилган маблағ, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш графасига, пул тўлови ва рағбатлантириш графасига ва йил якуни бўйича мукофотлаш йил давомида мукофотлашга оид графада кўрсатилади.

“Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари” жадвалида хўжаликлардан экспортга жўнатиладиган маҳсулотлар турлари бўйича уларнинг миқдори ва қиймати, шунингдек, импорт линияси бўйича қабул қилинадиган маҳсулотлари миқдори ва қиймати акс эттирилади.

“Мавжуд ва ҳаракатдаги валюта” жадвали хўжаликларни ҳисоб рақамида бўлган валюта тушуми мавжуд бўлган ҳолларда тўлдирилади.

“Пул даромадлари ва харажатлар баланси” жадвалида жорий йилда хўжаликни ҳисоб рақамида қайд қилинадиган даромадлар манбаи, шунингдек, хўжаликни юритиш учун қилинадиган харажат турлари бандма - банд кўрсатилиб, хўжаликнинг жами даромади ва харажати тўлиқ таҳлил қилинади.

“Бюджетга тўланмалар” жадвалини тўлдиришда хўжалик томонидан жорий йилда тўлаши зарур бўлган солиқлар, бошқа турли тўловлар ва ажратмалар турлари бўйича ҳисоб - китоб қилинади ва ҳисоб - китоб бўйича тўланишига оид графада акс эттирилади.

“Корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичи” жадвалини тўлдиришда хўжаликдаги ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини - “Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш”, “Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи” жадваллари бизнес - режанинг миқдори 1999 йилнинг ўртача баҳосида (таққослама) ҳисобланиб режа қисмига қўйилади.

2000 йил ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар шу йилнинг ҳақиқий баҳосида.

2001 йил ишлаб чиқариладиган маҳсулот (бизнес - режа) 2000 йил баҳосида ҳисоб - китоб қилинади. Жадвалдаги қолган кўрсаткичлар ҳисобот йилининг ҳақиқий баҳосидан келиб чиққан ҳолда тўлдирилади.

“Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ялпи даромади” жадвалини тўлдиришда бизнес - режанинг “Деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқариш”, “Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи”, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиш” жадвалларидан фойдаланиб, ўсимликчилик ҳамда чорвачилик тармоқлари бўйича алоҳида ялпи маҳсулот қиймати таннарх бўйича ҳисобланади ва улар умумлаштирилади.

“Молиявий натижа” жадвалини тўлдиришда - маҳсулотларни сотишдан олинган даромад ва харажатларнинг суммаси “Қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиш” жадвалидан олинади. Бизнес - режани маҳсулот сотишдан тушган тушуми режадаги кутиладиган даромадлар графасига, сотилган маҳсулот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи режадаги кутиладиган харажатлар графасига, натижаси сотишдан тушган ялпи молиявий натижа режадаги кутиладиган даромадлар графасига, маъмурий харажатлар режадаги кутиладиган харажатлар графасига қўйилади, қолган бандлар бўйича хўжаликда қўшимча оладиган даромади ва харажати бўлса тўлдирилади.

Бизнес - режада: пеня, жарима ва ноқонуний тўловлар режалаштирилмайди.

Адабиётлар:

1.Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учебное пособие для вузов. М.: “ЮНИТИ”, 1999.

2.Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.

4-мавзу. Қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариш услуглари ва тамойиллари

Ўқув модули бирликлари

4.1.Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш услуглари ва тамойиллари.

4.2.Қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкилий таркиби ва уларни бошқариш.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқаришнинг моҳияти, вазифалари ва усулларини;
- қишлоқ хўжалигида ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларини бошқариш тартибини.

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқариш усуллари, қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариш тамойиллари, ширкат хўжалигининг ташкилий таркиби, фермер хўжалигини бошқариш, деҳқон хўжалигини бошқариш.

4.1.Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш услуглари ва тамойиллари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бошқарув усуллари қишлоқ хўжалиги корхоналари олдига қўйилган вазифаларни ўз вақтида юқори сифатли қилиб бажарилишини таъминлаш учун уларга нисбатан қуриладиган чора - тадбирларни ва таъсирчан усулларни қўлланилишини билдиради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бошқарувида қўлланиладиган барча усуллар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улар бир - бирини тўлдиради. Бошқарув усуллари ўзининг тавсифига кўра иқтисодий, маъмурий ва психологик бўлиши мумкин.

МС Юқоридаги бошқарув усулларида қайси бири моддий манфаатдорликка асосланганлиги билан ажарилиб туради?

1) Иқтисодий усуллар. Бошқаришнинг бу усули ходимлар ва меҳнат жамоаларининг моддий манфаатларига асосланган бўлиб, давлат, жамоа ва ҳар бир ходимнинг манфаатларини бир - бири билан узвий боғланишига имкон яратади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий усулларида таннарх, нарх, фойда, рентабеллик, хўжалик ҳисоби, моддий рағбатлантириш фонди киради. Иқтисодий бошқарув усулларида асосий вазифаси ишлаб чиқаришда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатлар миқдорини камайтиришга имкон берувчи хўжалик механизмларининг янги усулларини вужудга келтириш ва ундан самарали фойдаланишдир. Хўжалик фаолияти негизини ўрта асосий масала: ишлаб чиқаришни бошқариш, режалаштириш ва рағбатлантириш ташкил этади. Улар хўжалик механизмида умумий қилиб бирлаштирилганда давлат иқтисодини тутиб туради. Хўжалик механизми ўз ичига бошқарувнинг асоси бўлган режалаштиришни, хўжаликни бошқаришда амалиётда қўлланиладиган иқтисодий тизимларни, хўжалик ташкилотларининг ташкилий тизимини, уларнинг иш усуллари, меҳнат жамоаларининг ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашишини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришда янги хўжалик механизмидан самарали фойдаланиш меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимдан фан - техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва хўжалик механизмини такомиллаштириш усуллари қидириб топишни талаб этади.

Масалан, иш ҳақи фондларини олдиндан режалаштириш ўрнига иш ҳақи нормаларини қўллаш жамоанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишидан манфаатдор қилади, имтиёзли шартлар асосида қарз бериш билан халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришнинг янги қувватларини яратишга қизиқтиради.

Мазкур усуллардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳар бир ходим ва жамоанинг моддий манфаатларини қондириш даражаси уларнинг умумий пировард натижаларига эришишга қўшган ҳиссаси билан белгиланишини таъминлайди.

Корхона ишчи ходимларининг юксак пировард натижаларига эришганлиги учун моддий рағбатлантириш меҳнат жамоасининг хўжалик ҳисоби даромадидан ҳосил қилинган иқтисодий рағбатлантириш жамғармасидан амалга оширилади.

Иқтисодий рағбатлантириш жамғармасига моддий рағбатлантириш, ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш жамғармалари киради.

Ходимлар, меҳнат жамоалари қанчалик унумли меҳнат қилсалар уларнинг ҳўжалик ҳисоби даромади шунчалик кўп бўлади. Бу ходимларнинг ижтимоий ва моддий талабларини қондиришга кенг йўл очиб беради. Иқтисодий қонунларни чуқур билиш ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш бозор муносабатларининг афзалликларини рўёбга чиқариш, мамлакат иқтисодий - ижтимоий тараққиётини жадаллаштиришнинг зарур шартидир.

2) Ташкилий - маъмурий бошқарув усуллари. Бошқаришнинг бу усули яккабошчилик муносабатлари, интизом ва масъулиятга асосланади.

Ташкилий- маъмурий таъсир кўрсатиш бошқарувнинг аниқ бошқарилаётган объектга ёки шахсларга қаратилган мажбурий тарздаги тўғридан - тўғри маъмурий кўрсатмаларидир. Бундай кўрсатмалар жумласига маҳсулот турларини режага асосан бир маромда ишлаб чиқаришни юқори даражада ташкил қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат нормаларини ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бошқа тез ҳал қилинадиган масалалар тўғрисидаги кўрсатмалар киради.

Қуйи поғона раҳбарлари бажариши шарт бўлган фармойиш ва кўрсатмаларни бериш, уларни бажарилишини назорат қилиш, нормаларини ишлаб чиқиш, ходимларни тўғри танлаш ва жой - жойига қўйиш, ишчиларни бир жойдан бошқа жойга ўтказиш, тақдирлаш ёки жазолаш юқори поғона раҳбарларининг вазифасига киради.

3) Ижтимоий - психологик усуллари. Бу усул меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг миқёсда иштироқ этишига асосланган бўлиб, бу усулни қўллашдан асосий мақсад жамоаларда соғлом ижтимоий - психологик муҳит яратишдир. Меҳнат жамоаларида ижтимоий - психологик муҳитнинг ҳолати чиққан низолар сони билан белгиланади.

Низо - бу раҳбар, ишчи ва бошқа ходимлар орасида муайян низоларни ҳал қилишда томонларнинг бир - бири билан бир ечимга кела олмаганлигини билдиради.

Жамоа аъзолари орасидаги низоларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришнинг қониқарсиз ташкил қилинганлиги, раҳбарларнинг иш жараёнида ўзига бўйсунувчи жамоа аъзоларининг психологик ҳолатларини ҳисобга олмаганлиги, зарур иш шароитининг яратилмаганлиги ва бошқа сабаблар натижасида вужудга келади. Низолар қанчалик кўп бўлса, меҳнат жамоаларида ижтимоий - психологик муҳит шунчалик ёмонлашади. Меҳнат жамоаларида низо чиқарувчи айрим шахслар бўлиши турган гап. Бундай шахслар иш пайтида фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига, ўзларининг низоларида кўрсатилган масалалар раҳбар ходимни томонидан қандай қабул қилинаётгани тўғрисида гапириб ҳам ўзларини, ҳам бошқаларни ишдан чалғитиб, ишлашига халақит берадилар. Бундай ҳол икки шахснинг кураш жараёни, уларнинг низолари, раҳбар ходимлари ёки жамоа ўртоқлик суди кенгаши кўриб чиқиб, ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлаб, шу масала юзасидан чиқарилган ҳукм натижаларини тушунтириб, уларнинг шу ҳукмларнинг тўғрилигига иқдор бўлгунча давом этади. Бундай носоғлом вазият жамоа аъзоларининг барчасига етиб боради. Бундан айрим ишчи ходимлар вақтинча манфаатдор бўлиб, уларни ичидан ўзларига ёқмаган шахслар устидан ғийбат уюштириб вазиятни

жиддийлаштиришга ҳаракат қиладилар. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар кайфиятига салбий таъсир қилади, уларни асабийлаштиради, натижада ижтимоий - психологик вазият ёмонлашади. Бу эса ўз - ўзидан ишга салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги шароитда раҳбар фақат ўз соҳасини яхши билибгина қолмай, балки яхши ташкилотчи, психолог, тарбиячи ва ижтимоий етакчи бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ходим: социология, психология, педагогика ва ҳуқуқшунослик фанларини мустақил эгаллаши керак. Бунинг ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар, инсон омилининг фаоллашуви, жамоаларнинг ўз - ўзини бошқариш шароитида улар билан ишлаш тақозо қилади. Жамоага аъзо бўлган ҳар бир шахснинг қалбига йўл топа билиш раҳбар иш фаолиятида асосий аҳамиятга эга. Бунинг билган раҳбар ўз жамоаси ичида меҳнат жараёнида вужудга келадиган ҳар хил низоларни жамоада, жамоат ташкилотлари билан биргаликда юқори ташкилотларга чиқармасдан ўзида хал қилишга қодир бўлади.

Бундай раҳбар ўз ишини тўғри ташкил қилган бўлиб, жамоа олдига қўйилган мақсад ва режа топшириқларини ўз вақтида муваффақиятли бажаради. Жамоаларда соғлом психологик муҳит яратиш учун раҳбар қуйидагиларга: ҳар бир ишчи, хизматчи ходимларнинг шахсий фазилатларини, ёшини инобатга олиши, ишчилар ўртасидаги ҳамкорликни ва ўзаро ёрдамни бир - бирлари билан чамбарчас боғлайдиган ижтимоий алоқа маромини, иқтисодий мусобақани ташкил этишга, меҳнат жамоаларида иш фаолиятининг пировард натижалари учун ҳар бир ишчининг масъулият сезиш туйғусини мустаҳкамлашга, жамоа аъзоларининг юқори унумли меҳнат қилиши, унинг ижодий ғайратини кучайтириш учун қулай ижтимоий шароитларни яратишга эътибор бериши зарур.

Бозор иқтисодиётининг тўлақонли фаолият кўрсатиши кўп томондан бозор муносабатининг ишлашига боғлиқ. Бошқарув эса бозор механизмининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. У ўта мураккаб жараён бўлиб, умумий халқ хўжалиги, регионал ва тармоқ ҳамда аниқ ишлаб чиқаришни бошқариш бўғинларини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш бу объектив қонунларга мувофиқ ижтимоий меҳнат жараёнига таъсир этишни яхшилаш ва маълум бир мақсадга йўналтиришнинг аниқ тарихий усулидир. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг вужудга келиши ва вазифаларининг ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидаги меҳнат тақсмоти ва меҳнат кооперацияси натижасидир.

Қишлоқ хўжалик корхонасини бошқаришнинг моҳияти корхонанинг бутун жамоаси ва унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ишини меҳнат ва маблағлардан самарали фойдаланган ҳолда, максимум миқдорда юқори сифатли маҳсулот етиштириш учун йўналтиришдан иборатдир.

Нисбатан катта миқёсларда қилинадиган ҳар қандай бевосита ижтимоий ёки биргаликдаги меҳнат у ёки бу даражада бошқаришни талаб қилади, бошқариш эса индивидуал меҳнат ўртасида уйғунлик ўрнатади ва умумий функцияларни бажаради.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини бошқариш учун кўп нарсаларни билиш, ўқимишли, маданиятли, интизомли киши бўлиш лозим. Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши билан қишлоқ хўжалиги саноат асосига ўтиши натижасида

ишлаб чиқаришни бошқаришни роли ўсиб боради. Хўжаликда кўп мутахассисликдаги ходимлар меҳнат қиладилар, уларнинг ишларини умумий режа асосида оператив юқори самара берадиган қилиб йўналтириш лозим. Қишлоқ хўжалигини идора қилмоқ учун ҳабардор бўлиш керак, ишлаб чиқаришнинг ҳам шарт - шароитларини мукаммал ва аниқ билиш керак, шу ишлаб чиқаришни ҳозирги даражадаги техникасини билиш, маълум илмий маълумотга эга бўлиш зарур. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни илмий бошқариш қуйидаги тамойилларга асосланади: раҳбарлик қилишнинг маънавий ва хўжалик бирлигига, демократияга, якка бошчиликка, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги манфаатдорликка асосланади.

Бошқаришнинг туб тамойилларидан бири демократиядир, у раҳбарликни омманинг кенг ташаббуси ва ижодий активлиги билан тўғри қўшиб олиб боришни умумий мақсад томон ҳаракат йўллари, усуллари ва воситаларининг хилма - хиллигини, коллегиялик билан якка бошчиликни бирга қўшиб олиб боришни назарда тутди.

МВ Сиз бу фикрга қўшиласизми? Ўз фикрингизни асосланг.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини бошқаришга илмий ёндашиш фан ва техникадан, меҳнатни илмий ташкил этиш, бошқаришни илмий ташкил этиш усулларидадан максимал фойдаланишини талаб этади. Қишлоқ хўжалик корхоналари режаларига илмий ёндашиш ишлаб чиқариш вазифаларининг хал қилинишига боғлиқ. Режанинг бажарилишини анализ қилиш учун оператив, бухгалтерия, статистика, илғорларнинг тажрибалари ҳисоби керак.

Бошқариш учун қишлоқ хўжалигини, иқтисодиётни, техникани, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этишни, меҳнатга ҳақ тўлашни яхши биладиган мутахассисларни жалб этиш лозим.

Бошқаришда яккабошчилик тамойили истисно қилинмайди, аксинча, раҳбарнинг ходимлар билан мустаҳкам алоқада бўлишини ва ходимларга суяна билишини тақозо этади. Бунинг учун ходимлар билан тез - тез суҳбатлашиб, турли хил режалар асосида корхонанинг умумий мажлисини чақириб туриш, пухта тайёрланган ишлаб чиқариш кенгашларини ўтказиб туриш лозим.

Назорат кенгашининг тамойили билимли шахслар томонидан ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг назорат қилинишини, қабул қилинган режаларнинг очиқлигини кенг ва ҳар томонлама чуқур текширилишини кўзда тутди. Бошқаришнинг муҳим тамойили ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объекти ва иқтисодий қонунларининг талабларини ҳисобга олиб боришдир. Хўжалик ҳисоби, харажатларни қоплаш асосида хўжалик юритиш тамойили бошқариш тамойилларидандир.

Қишлоқ хўжалигида бошқариш жараёни қуйидаги босқичлардан ташкил топади: қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ва уларнинг бўлимларни ташкил этиш, бўлимларга шартнома асосида режа белгилаш, бу режаларнинг бажарилишини ташкил этиш, ишлаб чиқаришнинг боришини доимий назорат қилиб бориш. Раҳбар хўжаликни бошқаришни давлат ишлаб чиқариш корхоналари тўғрисидаги низом ёки қишлоқ хўжалиги корхонаси устави асосида ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига раҳбарлик методлари, яъни қай вақтда раҳбар танқид ва гап қайтаришларга чидамсиз бўлса, у дағаллик билан

мустабид буйруқлар беради. Бундай методда жамоа аъзолари фаоллик ва ташаббус кўрсатмайдилар. Қачонки асосий тамойилда масалалар жамоа муҳокамасига қўйилиб, ҳар томонлама таҳлил қилинса, бу метод демократик метод ҳисобланади. Бу метод корхона аъзоларининг фаоллигини оширишга ёрдамлашади. Агар раҳбар ўзининг аниқ фикрига эга бўлмай, бошқаларнинг таклифларига оғувчи, бошқалар фикрига берилувчи бўлса, бу метод либерал метод ҳисобланади ва бу метод ўзини оқлай олмайди.

Тўғри илмий асосланган раҳбарлик ҳамма методларнинг оқилона йиғиндисидан ташкил топади. Ҳар қандай фармойиш аниқ иқтисодий ҳисобларга ва моддий ҳамда маънавий манфаатларга асосланган бўлиши керак. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқаришнинг учта муҳим функциялари мавжуд: жамоа аъзоларининг маънавий жиҳатдан тарбиялаш, иқтисодий таъсир этиш, ташкилий - техникавий жиҳатдан раҳбарлик қилиш. Бошқаришдаги ҳамма функциялар бир - бири билан узвий боғланган бўлиши керак.

Бошқариш структураси хўжаликни ички томондан ихтисослаштиришга, ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва ҳажмига, интенсивлаш даражасига, хўжаликни техника билан қуролланганлигига, алоқа воситалари системасига, кадрларни тайёрлаш даражасига, транспорт алоқалари даражасига, табиий шароитга, иқлим ва бошқа факторларга боғлиқдир.

Бошқаришнинг уч: чизиқли, функционал, мураккаб системаси мавжуд.

Чизиқли бошқариш системасида ҳар бир ходим фақатгина битта бошлиққа бўйсунди. Бу системада раҳбар билан унга бўйсунувчи ўртасида бевосита алоқа боғланади. Эгасизлик ва масъулиятсизлик бўлмайди. Бу системанинг камчилиги шундаки, ихтисослашган раҳбарликни амалга ошириб бўлмайди.

Функционал бошқариш системасида бошқариш функцияси икки - уч раҳбар ўртасида ихтисосига қараб тақсимланади. Бу системада бошқариш анча ихтисослашган бўлади. Масалан, зоотехник чорвачилик соҳасидаги, агроном ўсимлик соҳасидаги ҳамма масалалар билан шуғулланади. Улар ўз қўл остидаги кишиларгагина кўрсатма бериш ҳукуқига эга.

Мураккаб бошқариш системаси функционал ва чизиқли бошқариш системасининг йиғиндисидан ташкил топган. Ҳозир бу бошқариш системаси қишлоқ хўжалиги корхоналаридан устунроқ туради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида диспетчерлик хизмати, бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига, унинг бўлимларига телефон, радио, рация ва бошқа воситалар ёрдамида марказлаштирилган ҳолда оператив раҳбарлик қилишдир.

Диспетчерлик хизматининг асосий вазифалари: оператив режа ва фармойишларни бажарувчиларга етказиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ишларнинг бажарилиши ҳақидаги оператив маълумотларни, ҳабарларни қабул қилиш ва ишлаб чиқиш, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг ахборотлари, раҳбарлар ва қилган ишига жавоб берувчи жавобгар шахслар ўртасида икки ёқлама алоқани таъмин этиш, диспетчерлик кенгашлари ўтказиш, ишларни белгиланган ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш, қишлоқ хўжалик ишларининг боришини таҳлил қилишдир.

Хизмат алоқаси, иш юритиш ва бошқариш ишларини механизациялаш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришни бошқариш моҳият жиҳатдан ахборот жараёнидан иборатдир.

Ахборот иш юритишнинг асосидир. Иш юритиш: ҳужжатларни тузиш, уларни расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, қабул қилиб олиш ва жўнатиш, ҳужжатларни кўпайтириш ва сақлашдан иборат.

Бошқариш - бу қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш, яъни ахборотни тўплаш, уни ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш, қабул қилинган қарорларни ижро этувчига етказиш ва бу қарорларни бажарилишини текшириш процессларини ўз ичига олади. Ҳукумат қарорларида ҳозирги шароитда режалаштириш системасини ва қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш учун иқтисодий - математик методларни кенг қўлланиш ва электрон ҳисоблаш техникаси, ташкилий техника, илғор алоқа техникасидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланган.

4.2. Қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкилий таркиби ва уларни бошқариш

Қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер ва деҳқон хўжалиги давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади, ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига, ўз уставига амал қилади, ўзининг мустақил балансига, банк муассасасида ҳисоб - китоб ва бошқа ҳисоб варақларига, номи ёзилган думалоқ муҳрига, тамғасига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам шунингдек, ундан ташқарида ҳам қонун ҳужжатларига ва ўз уставига зид бўлмаган ҳар қандай битимларни тузиш ҳуқуқига эга бўлади, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин. Ширкат хўжалиги фаолиятининг мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ҳажминини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш асосида даромад, фойда олиш ва ширкат хўжалиги аъзоларининг турмуш фаровонлигини оширишдан иборатдир.

МВ Қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер, деҳқон хўжаликларининг ташкилий таркиби ва уларнинг бошқарувини таққосланг.

Ширкат хўжалиги бошқаруви ишига ширкат хўжалиги раиси раҳбарлик қилади. Ширкат хўжалиги раиси умумий мажлисда очик овоз бериш йўли билан муқобиллик асосида уч йил муддатга сайланади.

Раис: ширкат хўжалиги Уставига асосан унинг номидан ишончномасиз ҳаракат қилади;

ширкат хўжалигининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, мол - мулкни тасарруф этади, шартномаларни тузади, ишончномалар беради, банкда ҳисоб варақалар очади ва Уставга асосан бошқа ишларни амалга оширади;

ширкат хўжалиги умумий мажлиси ёки вакиллар мажлиси ва бошқаруви қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлайди ва назорат қилади;

ўз ваколати доирасида буйруқ ва фармойишлар чиқаради, ҳисобот, молиявий ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

умумий мажлис ва бошқарув олдида ҳисобот беради.

Ширкат хўжалиги бошқарувининг аъзолари ўз таркибидан ширкат хўжалигининг Уставига мувофиқ ширкат хўжалиги раисининг ўринбосарини ва бошқарув котибини сайлашлари мумкин.

Умумий мажлис томонидан сайланган тафтиш комиссияси, тафтишчи ширкат хўжалигининг назорат органи бўлиб, у ширкат хўжалигининг молия - хўжалик фаолиятини текширади. Тафтиш комиссияси ва тафтишчи бир йилда бир маротаба ширкат хўжалигининг молия - хўжалик фаолиятини тафтиш қилади. Йил давомида заруратга қараб ўтказилган текшириш натижалари ҳамда бир йиллик тафтиш натижаси тўғрисида бошқарувга маълум қилади ва умумий мажлис олдида ҳисобот беради. Тафтиш комиссияси аъзолари - тафтишчи ширкат хўжалигининг ижроия органи таркибига кириши мумкин эмас.

Умумий мажлис ширкат хўжалигининг ва унинг бошқарувининг молия - хўжалик фаолиятини текшириш учун белгиланган тартибда аудитор ва аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддат ижарага берилган ер участкасидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш асосида даромад, фойда олиш, аҳолини озиқ - овқат билан таъминлаш ҳамда ўз аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш фермер хўжалигининг мақсади ҳисобланади.

Фермер хўжалигини бошқариш учун 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган муомалага лаёқатли фермер хўжалиги аъзоларидан бири фермер хўжалигининг бошлиғи бўлиши мумкин. Фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг бутун иш фаолиятини ташкил қилади.

Дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Дехқон хўжалигини бошқариш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда дехқон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Дехқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига беришга ҳақлидир.

Ширкат хўжаликлари фаолияти Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилса, дехқон-фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик ширкат хўжаликлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари дехқон-фермер хўжалигига берилган ерлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадilar ҳамда ердан самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрадilar.

Адабиётлар:

1.Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1993.

- 2.Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: “Меҳнат”, 2000.
3.Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.

5-мавзу. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни меъёрлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш

Ўқув модули бирликлари

- 5.1.Қишлоқ хўжалигида меҳнатни меъёрлаш ва унинг усуллари.
5.2.Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг шакллари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни меъёрлаш ва уни усуллари;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш, унинг моҳияти, шакл ва тизимларини.

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалигида меҳнат меъёрлаш, меҳнатни меъёрлаштириш усуллари, ишлаб чиқариш меъёрини аниқлаш, вақт меъёри, иш куни фотографияси, иш ҳақи.

5.1.Қишлоқ хўжалигида меҳнатни меъёрлаш ва унинг усуллари

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни нормалаштириш, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Иш нормасидан ишлаб чиқаришни режалаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашда фойдаланилади. Нормалар асосида ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун ишчи кучи ва техникага бўлган эҳтиёж ҳисоблаб чиқилади, ишчилар ишлаб чиқариш участкаларига тақсимланади, турли хил ишларга сарфланадиган меҳнат сарфи ўлчанади. Меҳнатга ҳақ тўлаш ташкил этилади, меҳнат ҳақи фонди белгиланади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни нормалаштириш деганда иш нормаларини белгилаш жараёни ёки ишни бажариш учун сарфланган вақт нормаси, шунингдек, чорва молларига қараш ёки уларга бириктиб қўйиш нормалари тушунилади.

Ишчи ишлаб чиқариш шароитида иш вақти бирлигида, яъни соат ва сменада белгиланган сифат кўрсаткичларига амал қилган ҳолда бажариши лозим бўлган ишнинг олдиндан белгилаб қўйилган ҳажми иш нормаси деб аталади.

Нормалаштириш усули нормалаш мақсадлари учун меҳнат жараёнини ўрганишга ёндашиш усули, уни текшириш ва текшириш натижасида олинган материаллардан норма белгилаш учун фойдаланиш усулидир. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни нормалаштиришнинг умумий ва элементлар бўйича нормалаштириш усули қўлланилади.

Умумий нормалаш усулида ишчилар бир смена ёки бир соатда у ёки бу ишда ўрта ҳисобда бажарилган ҳақиқий ишнинг статистик маълумотлари асосида нормалар белгиланади. Бундай нормалар тажриба - статистика нормалари деб аталади.

Элементлар бўйича ёки техник нормалаштириш усули ҳозирги замон техникаси, технологияси, илғорларнинг малакаси ва тажрибаси ошишини ҳисобга олган ҳолда техника жиҳатидан асосланган нормалар белгилаш учун қўлланилади. Техника жиҳатидан асосланган нормалар меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ошишини таъминлайди.

Меҳнатни тарификация қилиш бажарилган иш ҳажмига қараб тариф - квалификацияли қўлланма, тариф сеткаси ва тариф ставкасидан иборат бўлган тариф системаси ёрдамида баҳо белгиланган ҳолда маълум сифат белгилари бўйича классларга ёки группаларга бўлишни билдиради.

Тариф - квалификация қўлланмасида турли хил ишлар сифат белгилари бўйича характерланган. Ҳар бир белги баллар билан баҳоланади. Масалан, ишлар мураккаблиги даражаси бўйича, яъни энг оддий, оддий, ўртача, мураккаб ва жуда мураккаб беш балл билан, оғирлиги бўйича ҳам беш балл билан, масъулиятлилиги ва зарарлилиги даражаси бўйича тўрт балл билан баҳоланади. Бошқа белгилари - муҳимлиги, қатъийлиги, малакани талаб этиши ва меҳнат шароити ҳам ҳисобга олинади. Баллар йиғиндиси бўйича ишлар маълум группа ёки разрядга ўтказилади.

От - улов ва қўл билан бажариладиган ишлар ҳамда чорвачиликдаги ишлар тўрт балли баҳо билан биринчи, беш - етти балли баҳо билан иккинчи, саккиз - ўн балли баҳо билан учинчи, ўн бир - ўн уч балли баҳо билан тўртинчи, ўн тўрт - ўн олти балли баҳо билан бешинчи, ўн етти - ўн саккиз ҳамда ундан ортиқ балли йиғинди олтинчи разрядга ўтказилади.

Тариф сеткасида қайси разрядга ўтказилганлигига қараб турли хил ишларнинг баҳосидаги нисбат белгиланади. Сеткада у ёки бу разряддаги иш биринчи, яъни бошланғич разряддан неча баравар юқори баҳоланишини кўрсатувчи тариф коэффициентлари бўлади.

Тариф ставкаси меҳнатга ишбай ва вақтбай усулда ҳақ тўлаганда баҳоланган иш нормасининг пул қийматини ифодалайди.

I разряд тариф сеткаси аниқланса кейинги разрядларнинг ставкаларини белгилаш қийин эмас. Бунинг учун биринчи разряд ставкаси тегишли разряд тариф коэффициентига кўпайтирилади.

МС Юқоридаги таърифларда қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни нормалашнинг қайси жиҳати яққол кўзга ташланади?

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни нормалаш меҳнатга тўғри эквивалент тарзида ҳақ тўлашни: тенг меҳнатга - тенг ҳақ тўлашни белгилаш учун асос бўлиб ҳисобланади. Илмий асослаб берилган норматив ва нормалар меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат харажатлари нормалари ишлаб чиқариш нормаси, вақт нормаси, қорамолларни боқиш нормаси каби кўрсаткичлар билан характерланади.

Ишлаб чиқариш нормаси - бу биргина ходим ёки бир группа ходимлар томонидан вақт бирлигида, яъни бир соатда, бир сменада бажарилган иш ҳажми ёки муайян сифатли маҳсулот миқдоридир.

Ишлаб чиқариш нормасини қуйидаги формула билан аниқланади:

Н к Т : С.

Бундан: Н - сменадаги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш нормаси - гектар, дона, бош ва ҳоказо;

Т - қабул қилинган смена вақти - соат ёки минут;

С - иш бирлигига

белгиланган вақт нормаси - соат ёки минут.

Вақт нормаси - иш бирлигини бажариш ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақтидир. Минут - секундларда ўлчанади.

Чорва молларини боқиш нормаси - иш сменаси давомида ходим хизмат кўрсатиши керак бўлган қорамол ва парранда сони ёки иш жойидаги объектлардир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат жараёнини ўрганиш, яъни иш вақтини ўрганиш усулларида асосийлари қуйидагилар: иш куни фотография қилиш, яъни хронография, хронометраж, фотохронометраж ва киносёмка.

Иш кунини фотография қилиш, яъни хронография бу ижрочининг ишлашини, иш жараёнини кузатиш ва бир иш куни давомида ижрочининг меҳнатига таъсир қилувчи сабаблар ҳамда ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда иш куни давомида ҳамма вақт сарфларини изчил хронологик ёзиб боришдан иборат. Сарфлар айрим операциялар бўйича ўлчанади. Яъни кузатишнинг бошланиши - соат 8-у 01 минут, тракторни кўздан кечириш 2 минут, ёқилғи ва мойлаш материаллари билан заправка қилиш 14 минут, плугни ростлаш 6 минут, ишлатиш 9 минут, буриш 1 минут, ишлатиш 8,5 минут ва ҳоказо.

Фотография индивидуал, группавий бўлиши мумкин. Ўз - ўзини фотография қилиш ҳам бўлади. Бунда ижрочининг ўзи иш вақти сарфини ёзиб боради.

Хронометраж айрим операцияга, услуга кетган вақтни минут ва секундлар ҳисобида батафсил ўрганишдир. Бунда қуйидаги элементлар ўрганилади, машиналарга бир смена давомида техник хизмат кўрсатиш, тайёргарлик - якуний вақт, машиналарни ортиш ва тушириш, ремонт техник операциялар. Бунда айрим операцияларга сарф бўладиган иш вақтини қисқартириш имконияти изланади. Кузатишлар натижасида олинган маълумотлар хронометраж карточкасига ёзилади.

Фотохронометраж - иш кунини фотография қилиш ва хронометражни биргаликда қўшиб олиб бориладиган кузатиш туридир. Ундан купинча чорвачиликда фойдаланилади. Фотохронометраж иш вақтини фотография қилиш усулига қўшимча бўлиб хизмат қилади. Фотография қилишда вақт ҳисоби минутгача аниқликда, фотохронометражда 1 - 5 секундгача аниқликда, хронометражда эса 1 секундгача аниқликда олиб борилади.

Иш процессини чуқур анализ қилиш учун иш вақти кино сёмка қилинади.

МВ

Сиз бу фикрга қўшиласизми? Ўз фикрингизни асосланг.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосан иш вақтини фотография қилиш усулидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни нормалаш учун қуйидаги тартибда кузатув олиб борилади. Дастлаб объект танланади, шароит ўрганилади, текшириш методи белгиланади. Нормаловчи ёки хронометраж қилувчи, виждонан меҳнат қилувчи, алоҳида жисмоний кучи билан ажралиб турмайдиган ижрочини танлайди. Бунда ижрочилар одатдаги суръатда, ритмда ишлашлари, шошилмасликлари ва секин ишламасликлари керак. Нормаловчи ижрочиларнинг вазифаларини ва уларнинг жой - жойларида бўлишларини, иш жойидаги машиналарнинг ҳолатини, ишлашнинг санитария - гигиеник ва психофизиологик шароитларини ўрганади, агрегат иш кенглигини ўлчайди, агрегат ҳаракатининг тезлигини, иш суръатини, меҳнат шароитини, яъни метеорологик, тупроқ ва бошқаларнинг ўзгаришини кузатади ва қайд қилади. Нормаловчида секундомерли соат, ўлчов рулеткаси, икки метрли ўлчагичи, кузатув воронкаси ва хронометраж карточкаси, қалам, ручка ва бошқа асбоб ҳамда материаллар, шунингдек, ёзиш қулай бўлиш учун планшет бўлиши керак. У смена бошлангунга қадар иш жойида ҳозир бўлиши керак. Кузатиш учун қулай вазият эғаллаш лозим. Нормалашни ишлаш учун энг характерли бўлган шароитларда олиб бориш зарур. Ўлчанган кузатиш вақти кузатув варақасига ёки хронометраж карточкаларига ёзилади.

Кузатув варақасининг устида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: иш тури, вилоят, туман, хўжаликнинг номи, кузатиш санаси, ижрочининг фамилияси, иш стажи, иш шароитининг характеристикаси, кун тартиби, операцияларни механизациялаш усули.

Кузатув варақасининг ички қисмида иш бошланган вақт ва иш кунининг элементлари тартиб билан ёзилади, ўтаётган вақт, ҳар бир операциянинг соат, минут ҳисобида давом этиши, шифр ва изоҳ ёзилади. Кузатиш материали шифровка қилинганидан сўнг кузатув варақасининг орқа томони “Иш вақтидан фойдаланишга доир йиғма маълумотлар” тўлдирилади. Орқа томоннинг жамида бир соатлик меҳнат унумдорлиги, бир сменадаги ишлаб чиқариш нормасининг ҳисоб - китоби ва ишни ташкил этишни яхшилашга доир таклифлар берилади.

Шундай қилиб, техник нормалаш методлари билан бажарилувчи нормалаш иши қуйидаги босқичларга бўлинади: 1) кузатиш объекти ва ўрнини танлаш; 2) кузатишга тайёргарлик кўриш; 3) иш процессини ўрганиш; 4) кузатиш материални қайта ишлаш ва анализ қилиш; 5) иш процессини ташкил этиш лойиҳасини тузиш; 6) техник жиҳатдан асосланган ишлаб чиқариш нормасини ҳисоблаш; 7) иш процессини ташкил жйтишнинг янги лойиҳасини ва янги ишлаб чиқариш нормасини амалда текшириш; 8) иш процессини ташкил этиш лойиҳасини ва янги ишлаб чиқариш нормасини амалда жорий қилиш; 9) уларнинг бажарилишини текшириш.

Чорвачиликда нормани ташкил этувчи омиллар қуйидагилардир: ижрочиларнинг малакаси ва тажрибаси, ишларни ташкил этиш ва бажариш технологияси, механизация даражаси, чорвачилик биноларининг тури, чорвани сақлаш усули ва даври, маҳсулдорлик, чорванинг жинсий ёш таркиби ва тури.

Чорва молларига хизмат қилиш нормаси ва маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган вақт миқдори ишлаб чиқариш шароитига боғлиқдир. Чорвачилик фермер хўжаликларида механизациялаш, автоматлаштириш

даражаси қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқариш технологияси шунча такомиллашган бўлади, концентрациялаш ва ихтисослаштириш қанчалик чуқур бўлса, кадрлар қанчалик юқори малакали ҳамда меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш системаси қанчалик яхши бўлса, чорва молларини озиклантириш рационали қанчалик мўл ва такомиллашган бўлса, чорва молларини боқиш нормаси шунчалик юқори, ҳар центнер гўшт, сут, тухум етиштиришга шунчалик кам меҳнат сарф қилинади.

Қишлоқ хўжалигида бошқарув ходимлари меҳнатини нормалашни тартибга солишда ва бошқариш аппаратини штат нормаларини ишлаб чиқишда лавозим инструкциялари ва бўлинмалар тўғрисидаги Низомлар муҳим рол уйнайди. Бошқарув меҳнати нормалаш қийин бўлган кўп миқдордаги хилма - хил ишлар ва операциялардан иборат бўлади. Бошқариш аппаратининг сони ва штат структурасига кўпгина омиллар: ишлаб чиқаришнинг характери ва унинг ҳажми, бошқарув меҳнатини тақсимлаш ва кооперациялаш формалари, бошқаришдаги меҳнатнинг механизациялашганлик даражаси ва шу кабилар катта таъсир ўтказишади. Ана шуларни ҳаммаси турли категориядаги бошқариш ходимлари меҳнатини нормалашнинг ўзига хос методларини жорий этишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик корхоналари бошқариш аппаратининг сон ва штатларини Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасдиқлаган намунавий штат нормативлари ва хизмат кўрсатиш нормативи асосида белгиланади. Қишлоқ хўжалигида бошқарув меҳнатини нормалаш бошқариш аппаратининг рационал структурасини яратиш, унинг иш методларини такомиллаштириш имконини беради.

5.2. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг шакллари

Қишлоқ хўжалигида иш ҳақи меҳнатнинг пул шаклидаги нархи бўлиб, уни ишга ёллаганлар меҳнат қилувчиларга маълум вақт мобайнида, маълум миқдордаги ва муайян сифатли ишни бажарганликлари учун тўлайдилар. Иш ҳақи меҳнатнинг натижасига қараб берилади ва уч қисмдан иборат бўлади: 1) асосий иш ҳақи; 2) мукофотлар; 3) иш вақтидан сўнг, яъни ишдан кейин, дам олиш ва байрам кунлари бажарилган иш учун бериладиган устама пул тўловлари. Шу уч қисм жами иш ҳақидир. Лекин у хали қўлга тегадиган пул эмас. Иш ҳақидан солиқлар, ижтимоий суғурта тўловлари, ҳар хил бадал пуллари чегириб олинади. Шундан сўнг қоладиган ва ишловчининг қўлига нақд тегадиган пул соф иш ҳақи дейилади.

Меҳнатнинг миқдори ва сифати турлича бўлганидан унинг натижаси ҳам бир хил бўлмайди. Шунга кўра иш ҳақи табакалашади. Юқори билим даражаси, касбий малака, маҳорат, катта иш тажрибаси ва масъулият талаб этадиган, бинобарин яхши натижа берадиган меҳнат учун катта ҳақ тўланади. Аксинча, малакаси паст, оддий меҳнат учун иш ҳақи оз тўланади.

Иш ҳақи даражаси ҳам бозорга боғлиқ. Агар қишлоқ хўжалик корхонаси яратган товарлар бозори чаққон бўлиб, улар яхши сотилса, иш ҳақи ошади ёки аксинча. Бунда иш ҳақи меҳнат келтирган нафга боғлиқ бўлади. Меҳнат яратган товар яхши сотилса, унинг ўзига бўлган талаб ҳам ошади. Аммо меҳнатга талаб бундан ташқари иш ҳақига ҳам боғлиқ. Иш ҳақи эса ўз навбатида меҳнатнинг меъёрий унумдорлиги билан белгиланади. Меъёрий унумдорлик қўшимча жалб

этилган меҳнат келтирган унумдорликдир. Уни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$У : К : Н$$

бунда:

У - меъёрий унумдорлик, (сўм)

К - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши, (сўм)

Н - меҳнат миқдорининг ўсиши, (киши).

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида иш ҳақини пул билан тўлаш ривожланган ишлаб чиқариш усули учун характерлидир. Номинал иш ҳақи билан реал иш ҳақини бир - биридан фарқ қилмоқ керак.

МТ

Нима учун номинал иш ҳақи ва реал иш ҳақини бир-биридан фарқ қилмоқ керак деб ҳисобланган?

Номинал иш ҳақи пулда ифодаланган иш ҳақидир, бу иш ҳақи ишчининг уни ёллаганга сотган иш кучи учун оладиган пул суммасидир. Номинал иш ҳақининг ўзи ишчига тўланадиган иш ҳақининг ҳақиқий даражаси тўғрисида тасаввур бера олмайди. Масалан, номинал иш ҳақи ўзгармай қолиши мумкин. Лекин агар айни вақтда истеъмол буюмларининг баҳоси ва солиқлар ошса, ишчи оладиган ҳақиқий иш ҳақи камаяди. Номинал иш ҳақи хатто ортиши ҳам мумкин, лекин тирикчилик учун керакли буюмларнинг баҳоси ўша даврда номинал иш ҳақининг ўсиш даражасидан кўпроқ ошса, ҳақиқий иш ҳақи камаяди.

Реал иш ҳақи ишчининг тирикчилик воситаларида ифодаланган иш ҳақидир, реал иш ҳақи ишчининг пул билан олган иш ҳақиға қанча ва қандай истеъмол буюмлари сотиб ола олишини ва бошқа эҳтиёжларини қанчалик қондира олишини кўрсатади. Ишчи оладиган реал иш ҳақини аниқлаш учун номинал иш ҳақининг миқдорини, истеъмол буюмларининг баҳолари даражасини, ишчилар тўлайдиган солиқларнинг миқдорини, иш кунининг узунлигини, меҳнат интенсивлиги даражасини, қисқартирилган иш хафтаси вақтида неча кунга ҳақ тўланмаслигини, ишчилар ҳисобига боқиладиган ишсиз ва ярим ишсизларнинг қанча эканлигини ҳисобга олиш керак.

Тирикчиликнинг қимматлашиб кетишига ва шу муносабат билан реал иш ҳақи даражасининг пасайиб кетишига аввало оммавий истеъмол буюмлари баҳоларининг системали суръатда оша бориши сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлаш учун Тариф системасидан фойдаланилади. У қуйидагиларни ўз ичига олади: тариф - малака кўлланмалари, тариф сеткалари, туман шароитига биноан иш ҳақиға қўшиб ҳисобланадиган коэффициентлар.

Тариф системасида иш ҳақи тўлашнинг икки формаси мавжуд: 1) ишбай, 2) вақтбай.

Ишбай ҳақ тўлаш - бу маълум сифат билан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдориға ҳақ тўлашдир.

Вақтбай ҳақ тўлаш - бу ходимнинг ҳақиқий ишлаган вақти ва малакасиға биноан тўланадиган иш ҳақи тўлаш формасидир.

Ишбай ҳақ тўлаш меҳнатни унумдорлик даражаси ишчининг индивидуал ҳаракатларига, энг аввало унинг моҳирлиги ва меҳнат интенсивлигиға маълум

даражада боғлиқ бўлган жойларда қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Ишбай ҳақ тўлаш қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

агар ишлаб чиқаришнинг миқдор кўрсаткичлари ишчининг меҳнат сарфини тўғри акс эттирадиган бўлса;

агар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун зарурат туғилса;

агар ишбай ҳақ тўлашнинг қўлланилиши маҳсулот сифатига зарар етказмаса.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида тариф системаси меҳнат нормасини иш ҳақи системаси билан боғлайди. Тариф системаси ишловчиларнинг малакасига қараб иш билан таъмин этиш ва сарфланган меҳнатни унинг миқдор ва сифатига қараб баҳолаш демакдир.

Мамлакатимизда қарийиб ҳамма қишлоқ хўжалик корхоналари 22 разрядли Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига эга. Қишлоқ хўжалик корхоналарида иш ҳақи тўлаш: 1) деҳқончилик ва чорвачиликда қўл ва от кучи билан бажариладиган ишларга, таъмирлаш устахоналарида ишловчи ходимларга, тракторчи - машинистларга иш ҳақи 6 разрядли тариф сеткасига биноан тўланади; 2) раҳбар ходимлар ва мутахассисларга иш ҳақи Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига асосан оклад системасига биноан тўланади.

Оила ва жамоа пудрати ҳамда фермер хўжалиги аъзоларига етиштирилган маҳсулотнинг миқдорига қараб ҳақ тўлашда экинлар турлари бўйича 1 центнернинг баҳоси белгиланади ёки оила ва жамоа пудрати ҳамда фермер хўжалиги бўйича маҳсулот қийматининг 100 сўми асос қилиб олинади.

100 сўмлик маҳсулот қийматини баҳосини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$C \text{ қ } И \times 1,25 \times 100 : M$$

бунда:

C - 100 сўмлик маҳсулот қийматининг баҳоси, сўм;

И - оила ёки жамоа пудратининг иш ҳақи фонди, сўм;

M - режа бўйича оила ёки жамоа пудратининг сотадиган маҳсулоти қиймати, сўм.

Оила ёки жамоа, фермер хўжалиги аъзолари билан етиштирилган маҳсулот миқдори ва қўшимча ҳисобланадиган ҳақ бўйича ҳисоб - китобни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$П \text{ қ } C \times Б - (И - Т \times 1,25) - О \times 1,25 : 100 \times И$$

бунда:

П - ишчилар иш ҳақининг бир сўмига қўшимча тақсимланадиган ҳақ, сўм - тийин;

C - олинган 100 сўмлик маҳсулот қийматининг баҳоси, сўм;

Б - оила ёки жамоа пудратининг маҳсулотини сотиш баҳоси билан қиймати, сўм;

И - оила ёки жамоа пудрати аъзоларига йил давомида тўлаб келинган иш ҳақи фонди, сўм;

Т - режа бажарилмай қолганлиги туфайли иш ҳақидан тежалган пул, сўм;

О - иш ҳақи бўйича ортиқча сарфланган пуллар, сўм.

Кунлик норма белгилаш қийин бўлган ишлар учун кунбай тартибида ҳақ тўланади. Кунбай ишлар яхши сифатли қилиб, белгиланган муддатларда

бажарилиши таъминланса, хўжалик раҳбарлари ишловчиларни 20 - 50 фоизгача иш ҳақлари билан мукофотлаши мумкин.

Етиштирилган маҳсулот миқдориغا қараб йил охирида тўланадиган ҳақ ҳисоб - китоб қилинишига қараб ишчиларга йил давомида механизация ёрдамида бажариладиган ишлар бўйича тариф ставкаси кунбай тартибининг 4 - 5 разрядларига, қўл ва от кучи билан бажариладиган ишлар бўйича 3 - 4 разрядларга мувофиқ ҳақ тўлаб борилади.

Оила, жамоа, фермер хўжалигига берилган ишлаб чиқариш топширигида ва технологик картада экинларнинг ҳосилдорлиги ялпи ҳосил ва иш ҳақи фонди тўғри аниқланиши зарур. Қишлоқ хўжалиги корхоналари аъзоларини маҳсулот етиштиришни йилдан - йилга кўпайтиришга ва шу асосда хўжаликнинг рентабеллиги тинмай ошириб боришга қизиқтириш мақсадида уларга хўжалик йили давомида ва унинг охирида қўшимча ҳақ беришни кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

- 1.Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
- 2.Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.
- 3.Заработная плата в современных условиях. 4-издание, Изд. “Герда”, 2000.

6-мавзу. Қишлоқ хўжалиги менежментида ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқариш рентабеллиги

Ўқув модули бирликлари

- 6.1.Қишлоқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх тушунчаси.
- 6.2.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таннархини пасайтириш йўллари
- 6.3.Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рентабеллиги тушунчаси ва уни аниқлаш.
- 6.4. Корхонанинг рентабеллигини ошириш йўллари

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- таннарх ва уни аниқлашни;
- таннархни пасайтириш йўлларини;
- рентабеллик ва аниқлашни;
- корхона рентабеллигини оширишни.

Таянч сўз ва иборалар

Ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи, ишлаб чиқариш рентабеллиги, фондларга нисбатан рентабеллик, рентабелликни ошириш йўллари.

6.1. Қишлоқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва таннарх тушунчаси

Қиймат, таннарх, баҳо, фойда каби иқтисодий категорияларни ҳаракат этиш қонунларини билмасдан туриб, ялпи ва соф даромад, ретабеллик, капитал маблағларнинг тушуниб бўлмайди. Бусиз қишлоқ хўжалигида қиймат қонуни ҳаракатидан онгли равишда фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин эмас.

Жонли ва буюмлашган меҳнат сарфидан ташкил топган ижтимоий ишлаб чиқариш ҳаражатлари бутун ишлаб чиқариш усулига тегишли бўлиб, жамият учун зарур маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган ҳақиқий меҳнат миқдорини акс эттиради. Бу ҳаражатлар иш вақти билан ўлчанади.

Жамиятнинг маҳсулот ишлаб чиқаришга қилган жами ҳаражатлари маҳсулотларни бутун қиймати билан белгиланади. Жамиятда бу ҳаражат уч қисмдан:

1. ишлаб чиқариш воситаларининг маҳсулот қийматига ўтган қисми (С);
2. зарурий меҳнат билан яратилган маҳсулот қиймати (У);
3. жамият учун яратилган қўшимча меҳнат маҳсулоти қиймати (М) дан иборатдир.

Ижтимоий қийматнинг ишлаб чиқариш воситаларининг маҳсулот қийматига ўтган қисми ва зарурий меҳнат билан яратилган маҳсулот қиймати йиғиндиси қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотининг таннархини ташкил этади (С Қ У).

МС Қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотининг таннархи таркиби қайси қийматлардан ташкил топади?

Маҳсулот таннархи шу маҳсулот қийматининг пул билан ифодаланган бир қисми бўлиб, бу қисм истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати ва меҳнатга тўланган ишҳақи қийматини ўз ичига олади.

Ҳар бир корхона томонидан ҳаражатлар, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш учун сарф қилинган маблағлар қиймат формасида доим қоплаб турилишининг, бинобарин ҳисобга олиб борилишининг объектив зарурлиги таннархнинг алоҳида иқтисодий категория бўлишини тақозо қилади. Шу сабабли қийматнинг таннархда гавдаланган қисми ҳар бир корхона учун катта аҳамиятга эгадир. Корхона ўз маҳсулотни сотиб шундан келган даромад ҳисобига ўз ҳаражатларини маҳсулот таннархини қоплайди.

1. Индивидуал таннарх айрим корхонага маҳсулот қанчага тушганлигини кўрсатади;

2. Соҳа таннархи маҳсулот ва корхоналар бевосита қарам бўлган соҳага ўртача қанчага тушганлигини кўрсатади;

3. Ишлаб чиқариш таннархи маҳсулотларни етиштириш ва сақлаш билан боғлиқ ҳаражатлардан ташкил топади.

4. Тўла таннарх маҳсулотни етиштириш, сақлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ жараёнларни ифода этади.

5. Режали таннарх ишлаб чиқариш режасида маҳсулот бирлигини етиштириш учун режалаштирилган ҳаражатлар йиғиндисидир. У меъёрлар асосида 1 ц маҳсулот ёки 1 гектар экин майдонига сарфланган меҳнат, пул ва моддий ҳаражатларга кўра ҳисобланади.

6. Ҳақиқий таннарх маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ҳақиқий ҳаражатлар йиғиндисидир.

Устама ҳаражатлар асосан ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат қилиш билан боғлиқ ҳаражатлардир. Бу ҳаражатлар икки гурӯҳга: умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик ҳаражатлари гурӯҳларига бўлинади. Умумишлаб чиқариш ҳаражатларига тармоқни ташкил этиш ва унга хизмат қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар киради. Умумхўжалик ҳаражати корхонанинг ишлаб чиқаришини бошқариш ва унга хизмат қилиш билан боғлиқ ҳаражатлардан ташкил топади.

6.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таннархини пасайтириш йўллари

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда кўп омиллар, шу жумладан, меҳнат, уруғлик, ем-ҳашак, ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғит, амортизация, жорий ремонт, устама ҳаражатлар ва ҳоказо бевосита ва билвосита ҳаражатлар қатнашади.

Маҳсулот таннархида энг кўп ҳаражат маҳсулот етиштириш учун қилинадиган меҳнат сарфидир. Ўзбекистон хўжаликларида 1 ц пахта етиштириш учун қилинадиган ҳаражатнинг 60,3 % и меҳнат сарфига тўғри келади.

МВ

Сиз бу фикрга қўшиласизми? Ўз фикрингизни асосланг.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга эришмоқ учун тупроқ унумдорлигини мунтазам равишда ошириш лозим. Маҳсулот таннархини пасайтиришда моддий, пул ва меҳнат сарфларини тежаб-тергаб сарфлаш катта аҳамиятга эга.

Маҳсулот таннархини мунтазам равишда пасайтиришга эришиш омилларидан бири таннархни илмий асосда режалаштиришдир. Хўжаликларда маҳсулот таннархи илмий асосда тузилган технологик карта асосида ҳисобланмоғи лозим. Моддий, пул ва меҳнат ҳаражатлари қўлланилаётган меъёрларга тўла риоя қилинган ҳолда аниқланмоғи шарт. Акс ҳолда режа асосида белгиланган таннарх ҳақиқий ҳаражатни акс эттира олмай, маҳсулот таннархини сунъий равишда ортиб кетишига олиб келади.

6.3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рентабеллиги тушунчаси ва уни аниқлаш

Рентабеллик хўжалик ривожланаётганлиги, унинг фаолияти самарадорлигини аниқлаб берувчи иқтисодий кўрсаткичдир. Қишлоқ хўжалик корхонаси рентабеллиги шуни билдирадики, уларнинг маҳсулотни сотишдан оладиган даромади фақат маҳсулот таннархини қоплабгина қолмай, балки корхона маҳсулот етиштириш учун қилинган ҳаражат миқдоридан ортиқроқ маблағ, яъни соф даромад вужудга келтирмоғи лозим. Корхонанинг рентабеллиги фақат жонли ва буюмлашган меҳнатлардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатибгина қолмай, балки реализация қилинган маҳсулот

миқдори, сифати, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқариш услубининг такомиллашиши даражасини ҳам акс эттиради.

МТ

Нима учун таннархга ва фондларга нисбатан рентабеллик даражаси алоҳида-алоҳида кўринишда ҳисобланиши мақсадга мувофиқ эканлигини асосланг.

Рентабеллик хўжаликни оқилона юритиш, маблағларни тежаб-тергаб харажат қилиш учун, жамиятга керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш учун муайян замин яратади. Натижада корхоналар қилган харажатлари эвазига ҳар хил фойда оладилар. Шунинг учун рентабелликни аниқлаш зарурияти келиб чиқади. Корхонанинг рентабеллигини аниқлашда рентабеллик даражаси деб аталувчи кўрсаткичдан фойдаланилади. Рентабеллик даражаси дейилганда соф даромаднинг маҳсулот етиштириш ва уни реализация қилиш билан боғлиқ моддий, пул ва меҳнат сарфлари йиғиндисига бўлган ва фоиз билан ифодаланган нисбати тушунилади. Рентабеллик даражаси ички кўрсаткич ёрдамида аниқланади. Биринчи кўрсаткич, маҳсулот етиштиришда бевосита қатнашган ва маҳсулот таннархини ташкил этган харажатни ифодалайди:

$$Р_{ткМф} / Т_{м} * 100 \%$$

бунда:

Р_т – таннархга нисбатан рентабеллик даражаси, %;

М_ф – маҳсулотни сотишдан келган фойда, сўм;

Т_м – сотилган маҳсулот таннархи, сўм.

Бу кўрсаткич жорий харажатларни, маҳсулотни ифодлаб ишлаб чиқариш самарадорлигин акс эттирмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги техника билан қуролланиш ва таъминланиш даражаси орта бориши туфайли рентабеллик жорий харажатлар қопланишини акс эттирибгина қолмай, балки мавжуд ишлаб чиқариш фондлари амортизацияси қопланиши даражасини ҳам тўла акс эттириш керак. Бунда рентабеллик даражаси фойдани ўртача йиллик ишлаб чиқариш фондлари ва оборот маблағи йиғиндисига бўлиш билан аниқланиб фоиз билан ифодаланади.

$$Р_{фкМж} / \Phi_{и} \text{ К } \Phi_{а} * 100 \%$$

бунда:

Р_ф – фондларга нисбатан рентабеллик даражаси, %;

М_ж – фойда, сўм;

Φ_и – ўртача йиллик асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, сўм;

Φ_а – оборот маблағи, сўм.

Иккинчи кўрсаткич қўлланилаётган ҳамма ишлаб чиқариш фондларини қоплашни акс эттиради. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик асосий фондлар қиймати ва айланма маблағлар ҳисобига олинган фойда миқдорини ифодалайди. Ҳар иккала кўрсаткич бир-бири билан узвий боғланишда бўлиб, маҳсулот етиштиришда фойдаланилаётган харажатлар самарадорлигини акс эттиради. Лекин, рентабелликнинг иккинчи кўрсаткичи биринчи кўрсаткичга нисбатан рентабеллик даражасини анча паст кўрсатади. Чунки, иккинчи кўрсаткичда фақат ишлаб чиқаришга бевосита қатнашган ишлаб чиқариш воситалари ва айланма маблағ қиймати олинмай, балки хўжаликдаги ўртача йиллик асосий

ишлаб чиқариш фондлари қиймати ва айланма маблағлар олинади. Иккинчи кўрсаткич ишлаб чиқариш рентабеллигини тўлароқ ифода этади.

6.4. Корхонанинг рентабеллигини ошириш йўллари

Корхонанинг рентабеллигини ошириш жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, уларни қуйидаги группаларга киритиш мумкин:

1. маҳсулот таннархини мунтазам пасайтиришга таъсир этувчи омиллар;
2. қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчиллик билан интенсив ривожлантириш асосида ҳар гектар экинзордан олинадиган ҳосилни ошириш ва ҳар бир чорва молларидан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришга таъсир қиладиган омиллар;
3. маҳсулот сифатини яхшилашга таъсир этадиган омиллар;
4. маҳсулотларни реализация қилишда баҳоларни такомиллаштириш билан боғлиқ омиллар.

Адабиётлар:

1. Парпиев У., Саломов И. Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Т.: “Шарқ”, 1996.

2. Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.

3. Қодирхонов С. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т.: “Ўзбекистон”, 1993.

7-мавзу. Қишлоқ хўжалигида баҳо, унинг турлари ва ташкил бўлиш тамойиллари

Ўқув модули бирликлари

7.1. Қишлоқ хўжалигида баҳонинг мазмуни ва роли.

7.2. Қишлоқ хўжалигида баҳо системаси ва унинг турлари.

7.3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳосининг ташкил этиш тамойиллари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалигида баҳонинг ролини;
- қишлоқ хўжалигида баҳонинг ташкил бўлишини;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини баҳолашни;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланадиган баҳони ташкил этиш тамойилларини.

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалигида баҳо, баҳо системаси, баҳо турлари, баҳо тамойиллари, баҳонинг дифференциаллашуви.

7.1. Қишлоқ хўжалигида баҳонинг мазмуни ва роли

Қишлоқ хўжалигида баҳо ижтимоий меҳнатни ўлчаб берувчи қурол ҳисобланиб, баҳо ёрдамида у ёки бу хилдаги товарни ишлаб чиқариш корхонага қанчага тушганлигини аниқлаш мумкин. Баҳо ёрдамида у ёки бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган ижтимоий – зарурий меҳнат миқдориغا қараб бир-бири билан таққослаш мумкин.

Баҳо ёрдамида жамиятнинг ялпи ижтимоий маҳсулотини қиймат формасида ифодаланади ва ўсиш динамикаси аниқланади.

Баҳо ишлаб чиқаришни ривожлантиришни моддий жиҳатдан муттасил рағбатлантириши лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш баҳоси товар қийматидан пастроқ белгилансада, лекин маҳсулот таннарихидан юқорироқ бўлмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотини сотишдан келган маблағ ҳисобидан ишлаб чиқариш харажатларини қоплабгина қолмай, балки маълум миқдорда фойда олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим. Бу фойда ҳисобига хўжаликлар ишлаб чиқаришни кенгайтирилган ҳолда ривожлантиришгагина эмас, шунингдек давлат бюджетига маълум миқдорда даромад солиғи ҳам тўлаш имкониятига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси улар қиймати билан бевосита боғлиқ бўлиб, маълум давр ичида маҳсулот қиймати ўзгарганда баҳо ҳам ўзгармоғи лозим. Маълумки, ишлаб чиқариш интенсив ривожланиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажат миқдори камайиб боради. Бу эса баҳони пасайтириш учун реал шароит яратади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш баҳоси аҳолининг реал иш ҳақи миқдорининг ортиши ёки пасайишига таъсир этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳосини илмий асосда белгилаш бир қатор масалаларни ҳал қилиш имконини беради. Баҳони илмий асосда белгилаш ердан ва ишлаб чиқариш воситаларидан, иш кучидан унумли фойдаланиш, етиштиралдиган маҳсулот сифатини яхшилаш, соҳалар ва тармоқлар орасидаги иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва фан-техника янгиликларини, илғор тажриба ютуқларини кенг қўламда жорий этиш имкониятини яратади.

Баҳо ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтирилган ҳолда ривожлантириш у ёки бу туридаги экин майдонлари қўламини ошириш ва чорва моллари туёғини кўпайтириш, уларнинг ҳосилдорлигини ва маҳсулдорлигини ўстириш учун реал шароит яратади. Баҳо ёрдамида ҳар хил иқтисодий табиий шароитда иш олиб бораётган хўжаликларда дифференциал рента 1 ни тармоқлар, соҳалар ва зоналар бўйича қайта тақсимлаш имконияти вужудга келади.

Баҳо бевосита ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасига таъсир этиб, унинг рентабеллик даражаси ортишига ёки камайишига олиб келади.

МС

Юқоридаги таърифларда қишлоқ хўжалигида баҳо ёрдамида қандай масалаларни ҳад қилиш мумкинлиги яққол кўзга ташланиди?

Қишлоқ хўжалигида баҳо ёрдамида маҳсулот етиштириш, тақсимлаш, айрибошлаш, истеъмол этиш билаг боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик масалаларини ҳал қилиш мумкин.

Бу масалаларни ҳал қилишда баҳо режали ҳисобот, рағбатлантириш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш функцияларини бажаради.

Баҳони режали ҳисобот функциясида баҳо товар қийматининг пулда ифодаланиши бўлиб у ёки бу турдаги маҳсулот қанчага тушганлигини ифода этади. Баҳо ёрдамида ялпи ва товар маҳсулоти, маҳсулот таннархи, рентабеллик даражси, капитал маблағлар, ялпи даромад, соф даромад ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларни белгилаш мумкин.

Баҳонинг рағбатлантириш функцияси, фойда миқдорининг ўсиш динамикасини ифодалайди. Олинадиган фойда миқдори –анча юқори бўлса, корхонанинг моддий манфаатдорлиги шунча юқори бўлиб, бу ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланиши учун реал шароит яратади. Баҳонинг рағбатлантириш функцияси ёрдамида давлат у ёки бу турдаги маҳсулотлар баҳосини ошириш ҳисобига шу маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини кескин кўпайтириш имконига эга бўлади.

Баҳонинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси ялпи даромадни соҳалар ва тармоқлар ўртсида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, истеъмол ва жамғарма фондларига тақсимлаш механизмини такомиллаштириш имкониятини яратади. Баҳонинг бу функцияси ёрдамида ҳар хил табиий-иқтисодий шароитларда иш юритаётган хўжаликларда яратиладиган дифференциал рента тақсимланади ва қайта тақсимланади.

7.2. Қишлоқ хўжалигида баҳо системаси ва унинг турлари

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчилар, савдо ташкилотлари ва истеъмол қилувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни қишлоқ хўжалигида баҳо системаси ва турлари ифода этиб, қуйидаги турларда намоён бўлади:

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш баҳоси. Бу баҳо билан хўжаликлар ўз маҳсулотларини давлат ва кооперация ташкилотларига улгуржи тарзда сотадилар. Қишлоқ хўжалик корхоналари халқ хўжалиги режаси бўйича топшириладиган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш баҳоси билан сотадилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан ҳарид қилиш баҳосида сотиб олиш аҳолининг озиқ-овқатга, саноатнинг ҳам ашёга бўлган талабини тўлароқ қондириш имконини беради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан ҳарид баҳосида сотиб олиш хўжаликлар етиштирган маҳсулотларни ташкилий равишда сотиб олишни ташкил этиш, уларни рентабел корхоналарга айлантириш, янгидан ҳосил қилинган янги қийматни қишлоқ хўжалиги билан халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш имконини беради. Ҳарид қилиш баҳоси маҳсулот таннархи ҳамда хўжалик ҳисобида иш юритувчи корхоналарни ривожлантириш учун зарур бўлган фойдадан ташкил топади.

2. Улгуржи баҳо. Бу баҳода саноат корхоналари ўз маҳсулотларини сотадилар. Улгуржи баҳо икки кўринишда амалга оширилади: а) саноат ёки айрим корхоналарнинг улгуржи баҳоси. Бунда товар ишлаб чиқарувчи корхона ўз товарининг савдо ташкилотга ёки уни истеъмол этувчи корхонага улгуржи баҳода сотади. Бу ҳолда корхонанинг улгуржи баҳоси маҳсулот таннархи, плус корхона оладиган фойда, плус айланиш солиғи, плус транспорт харажатлари йиғиндисидан иборат бўлади. б) Мол сотадиган ташкилотларнинг улгуржи баҳоси. Бу баҳо саноат корхоналарининг улгуржи баҳоси, плус мол сотадиган

корхоналарнинг сотиш ҳаражатлари, плус олинадиган фойдадан иборат бўлади. бу баҳо билан хўжаликлар саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган ишлаб чиқариш воситаларини сотиб оладилар.

3. Комиссион баҳо. Бу баҳода матлубот кооперацияси ўз тармоқлари ёрдамида хўжаликларнинг режадан ортиқча маҳсулотини комиссия асосида сотиб олиб, қайтадан сотади. Бу баҳо хўжаликлар билан матлубот кооперацияси ўртасида бозор баҳосига асосланган ҳолда белгиланади. Бу баҳо маҳсулотни сотиб олиш баҳоси ва қайта сотиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар, плус матлубот кооперациясига фойдасига тенг бўлади.

4. Чакана баҳо. Бу баҳо билан аҳоли саноат ва кооперация корхоналари ишлаб чиқарган кенг истеъмол буюмларини сотиб олади. Аҳоли томонидан кенг истеъмол буюмларини сотиб олиш ижтимоий маҳсулот доиравий айланишининг охири босқичи бўлиб, бу жараёнда маҳсулот истеъмол соҳасига ўтади. Чакана баҳо ёрдамида давлат қишлоқ хўжалик хом ашёсидан саноат корхоналарида истеъмол буюмлар ишлаб чиқариш учун қилинган барча ҳаражатларни тўла қоплайди. Чакана баҳо моддий ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган қўшимча маҳсулот миқдорини акс эттиради. Бу баҳо ёрдамида давлат билан қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги билан халқ хўжалигининг бошқа соҳалари, айрим корхоналар билан ходимлар ўртасидаги боғланиш аниқланади.

5. Хўжалик бозор баҳоси. Бу баҳода хўжалик ишчилари, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисмини, яъни хўжалик бизнес режасидан, шартномадан ҳамда истеъмолдан ортиқчаларини сотади. Хўжалик бозори баҳоси товар зонаси ва аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаби, маҳсулот сотувчи билан маҳсулот сотиб олувчи ўртасидаги талаб ва таклифлар асосида белгиланади. Шунинг учун хўжалик бозори баҳоси тез ўзгарувчи баҳодир.

6. Ташкилотлар ўртасидаги ўз ишлаб чиқариши маҳсулотларини сотиш ёки сотиб олиш баҳоси. Бу баҳо қўшни республика, Вазирлар Маҳкамаси, автоном Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, хўжаликларнинг бир-бири билан маҳсулот олди-сотди муомаласини амалга оширади.

7. Қурилиш системаси бўйича баҳо. Бу баҳодан хўжаликлар ишини бажарувчи корхоналар томонидан бажариладиган ишлар, асосий фондларни қайта баҳолаш, амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ва капитал маблағ ҳажмини аниқлашда фойдаланилади.

8. Таъриф баҳоси. Бу баҳодан унумли ва унумсиз хизматларни бажаришга ҳақ тўлашда фойдаланилади. Масалан, бу баҳо ёрдамида темир йўл, сув, ҳаво ва автомобиль йўлларида ташилган юкларга ҳақ тўланади.

МВ Сиз бу фикрга қўшиласизми? Ўз фикрингизни асосланг.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг юқорида келтирилган баҳо турлари бир-биридан ажралган ҳолда амал қилмай, балки ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Баҳо бир турининг ўзгариши унинг бошқа турларини ўзгаришига ҳам олиб келади.

7.3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳосининг ташкил этиш тамойиллари

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоси давлат билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги хўжаликлар билан улар ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи саноат корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни акс эттириши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга ижобий таъсир этувчи восита бўлмоғи лозим.

МТ Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоларини ташкил бўлиш тамойилларини аниқланг.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш баҳоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва ўзгартирилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳолари ташкил бўлишида қуйидаги тамойилларга риоя қилинади: баҳо нормал шароитда иш юритаётган хўжаликлар томонидан етиштирилган маҳсулот таннархини тўла қоплаш, корхонанинг нормал муҳити учун зарур миқдорда фойда олиш, давлат бюджетига даромад солиғи тўлай олишини таъминламоғи лозим: Б қ Сф Қ Уф Қ Тф

бунда:

Б – иқтисодий жihatдан асосланган харид қилиш баҳоси, сўм;

Сф – маҳсулот таннархи, сўм;

Уф – хўжалик ихтиёрида қоладиган соф даромад, сўм;

Тф – давлат бюджетига тушадиган даромад солиғи.

Маълумки, харид қилиш баҳосини белгилашда индивидуал маҳсулот таннархи эмас, балки ўртача соҳа ва зона маҳсулоти таннархи олинади. Шунинг учун харид қилиш баҳоси айрим соҳалар ва зоналар учун ўзгармас миқдор бўлиб, уларга кирувчи хўжаликларнинг соф даромади ҳар хил бўлади. қайси хўжалик маҳсулотининг таннархи архзон бўлса, ўша хўжалик шунча кўп соф даромад олади ва аксинча, қанча қиммат бўлса, шунча оз соф даромад олади.

Ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳосини ўртасидаги илмий жihatдан асосланган нисбатларни ўрнатиш баҳо ташкил бўлишининг асосий тамойилларидан биридир. Бу тамойилга асосан ҳар хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид қилиш баҳоси шундай белгиланиши керакки, токи у ҳар хил маҳсулот етиштириш учун сарфланган ижтимоий-зарурий ҳаражат миқдорини тўла акс эттира олсин.

Адабиётлар:

1.Цамутали А. О паритете цен. Журнал сельского хозяйства Узбекистана. №6, 1993.

2.Тўрахўжаев Т. Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: ТошДИУ, 2000.

8-мавзу. Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва марказлаштириш асосида ривожлантириш

Ўқув модули бирликлари

8.1.Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва марказлаштириш тушунчаси.

8.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш шакллари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва марказлаштириш ҳақидаги тушунчани;
- қишлоқ хўжалигини жойлаштиришни;
- қишлоқ хўжалигини марказлаштириш қандай амалга оширилишини;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш шакллари.

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш шакллари, зоналар бўйича ихтисослаштириш, хўжалик ичида ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, қишлоқ хўжалигини марказлаштириш.

8.1. Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва марказлаштириш тушунчаси

Жойлаштириш, ихтисослаштириш ва марказлаштириш қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий меҳнат тақсимотининг турли томонларини акс эттирувчи ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш формуласидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш ижтимоий меҳнат тақсимотининг миқдор томонини акс эттириб мамлакат ҳудудида жойлашган ҳар бир хўжалик, район, вилоят, республика қайси турдаги қишлоқ хўжалик экинлари ва улардан қанча маҳсулот олиш мумкинлиги кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш қишлоқ хўжалик экинларини, чорва молларини ҳудудий ва географик жихатдан тақсимлашдир. Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш у ёки бу районда қандай турдаги қишлоқ хўжалиги тармоқлари жойлашганлигини кўрсатади.

Ихтисослаштириш эса ижтимоий меҳнат тақсимотининг сифат томонини акс эттириб у ёки бу хўжаликда, районда, вилоятда, республикада қайси турдаги маҳсулот ёки тармоқ етакчи эканлигини кўрсатади. Ихтисослаштириш мамлакат ҳудудида қайси маҳсулотни етиштириш иқтисодий, табиий иқлим жихатдан қулай эканлигини кўрсатиб беради. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини жойлаштириш билан ихтисослаштириш бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни, ихтисослаштириш эса ўз навбатида, ишлаб чиқаришни жойлаштиришни тақозо этади. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ихтисослаштиришга нисбатан бош ролни ўйнаб, даставвал мамлакат ҳудудида иқтисодий ва табиий жихатдан қайси экин турини экиш ёки қайси хайвон зотини ривожлантириш масаласини ҳал қилади ва режалаштиради. Сўнгра шу асосда ишлаб чиқаришни ўз турига қараб ихтисослаштиради. Айрим хўжаликлардаги ёки райондаги, вилоятдаги, мамлакатдаги хўжаликларни ихтисослаштириш бир қатор кўрсаткичда:

1. Товар маҳсулоти структураси;
2. Товар маҳсулотида айрим экин турлари ёки тармоқларнинг тутган ўрни;
3. Етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми ва сифати каби кўрсаткичлар ёрдамида белгиланади.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида у ёки бу ихтисослашган район мамлакатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан қай даражада таъминланиши даражасини аниқлаш мумкин. Ҳар бир ихтисослаштирилган районнинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни жамият учун берадиган товар маҳсулоти ҳажми билан белгиланади. Ихтисослаштириш даражасини ялпи маҳсулот миқдори билан аниқ белгилаб бўлмайди, чунки унинг бир қисми ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш учун сарфланиб жамият талабини бевосита қондиришда қатнашмайди. Лекин ялпи маҳсулот структураси ялпи маҳсулот етиштириш ҳаражат ва бошқа баъзи кўрсаткичлардан, шу жумладан, экни майдонлари структураси, ер майдони, ишлаб чиқариш фондларидан ихтисослаштириш даражасини аниқлашда ёрдамчи кўрсаткич сифатида фойдаланиш мумкин.

Ихтисослаштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини марказлаштириш билан бевосита боғлиқ. Марказлаштириш бу маҳсулот ишлаб чиқаришни йирик корхоналар асосида тўплаш жараёнидир. Бу нарсa корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жихатидан йириклашиб боришини кўрсатади. Марказлаштириш бевосита ихтисослаштириш даражасига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш қанча юқори даражада ихтисослашса, марказлаштириш даражаси ҳам шунча юқори ва аксинча бўлади. марказлаштириш даражасини ўсиши ўз навбатида ихтисослаштириш даражасининг ошишига олиб келади. Фақат йирик хўжаликлар асосидагина ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни илмий тарзда ихтисослаштириш мумкин. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ихтисослаштириш ва марказлаштириш ўзаро узвий боғланган бўлиб, уларнинг ривожланиши ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формациянинг ўзига хос иқтисодий қонунлари фойда олиш учун рақобат асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштириш ижтимоий ишлаб чиқаришни тез ривожлантиришга ва унинг самарадорлигини оширишга бевосита таъсир этади.

Бу жараён ҳар хил йўллар билан рўёбга чиқади. Биринчидан, ихтисослаштириш ишлаб чиқариш – марказлаштириш даражасининг ўсишига таъсир этади, ишлаб чиқариш қанча марказлашса маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча юқори бўлади. бунда йирик ишлаб чиқаришнинг устунлиги келиб чиқади. Майда корхоналарга нисбатан йирик корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинадиган ҳаражатлар кам, маҳсулот сифати юқори, таннархи паст, маҳсулот бирлиги ҳисобига кўп фойда яратилади. Иккинчидан, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш даражаси юксалиб борса, бу жараён ўз навбатида ходимлар малакаси орта боришига олиб келади. Учинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қанча илмий асосда жойлаштирилса, ихтисослаштирилса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва маҳсулотларни арзонлаштириш учун шунча кўп реал шароит яратилади.

Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш кўп шароитларга ва омилларга боғлиқ. Буларни табиий, иқтисодий омилларга бўлиш мумкин. Бу икки омил ўз ичига кўплаб шартлар ва амалларни олади.

Табиий омилларга тупроқ сифати, қишлоқ хўжалик экинлари, йил давомида ривожланадиган кунлар сони, йиллик ва ойлик ўртача ҳарорат, йил мобайнидаги ёғинли кунлар, ёғиннинг ялпи миқдори ва уларнинг ойлар бўйича

тақсимлаш, жойнинг рельефи, дала ҳажми, табиий ўтлоқлар ва хоказоларнинг киритиш мумкин. Табиий омил ишлаб чиқаришнинг мамлакат ҳудуди бўйлаб илмий асосда жойлаштириш, ихтисослаштиришда катта рол ўйнайди. Чунки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига бевосита табиий омиллар таъсир этади. Улар таъсирини ҳисобга олмасдан туриб, ишлаб чиқаришни илмий асосда жойлаштириб ва ихтисослаштириб бўлмайди.

Иқтисодий омилларни қуйидаги группаларга бўлиш мумкин: биринчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштиришда йирик саноат марказлари ва шаҳарлар ҳисобга олиниши керак. Шунинг учун йирик саноат марказлари атрофида аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, айниқса тез бузиладиган маҳсулотларга бўлган талабини қондириш мақсадида шаҳар атрофи хўжаликларини ташкил этиш лозим.

Шаҳар атрофидаги хўжаликлар ҳар бир йирик шаҳарнинг талабини ҳисобга олинган ҳолда жойлашади ва ихтисослашади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигини жойлаштиришда маҳсулот характери, яъни тез бузилиши қийинлиги, транспорт ҳаракати ва хоказолар ҳисобга олинмоғи лозим.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигини жойлаштириш маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган маҳсулот характери ҳисобига олинади. Масалан, гўшт, тери, жун маҳсулотлари етиштириш учун хайвонларни ем-ҳашак базасига яқинлаштириш, сут, қатиқ, пишлоқ, ёғ ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун ем-ҳашакларни хайвонларга яқинлаштириш керак.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштиришда транспорт воситалари ҳамда йўл ҳолати ҳисобга олиниш шарт. Автомобиль, теми рйўл транспорти ҳаракати учун етарли шароит яратилмаган, районларда кўп транспорт талаб этилмайдиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш мақсадга мувофиқдир. Лекин қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш муаммосини ҳар қилишдан олдин транспорт масаласини ҳал қилмоқ лозим.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштириш муаммоси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарини жойлаштириш ва ривожланиши даражасига бевосита боғлиқдир.

Қанд ва крахмал маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам ашё яқинида қурилмоғи шарт. Чунки бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда чиқиндилар кўп бўлади. дон тегирмони, пиво заводи ва бошқа корхоналарни етиштирилган маҳсулотларни истеъмол қилувчига яқин жойда барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштиришда шу райондаги аҳоли, унинг меҳнатга яроқли қисми, меҳнат малакаси, касби ҳисобга олинмоғи керак.

Еттинчидан, қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштириш давлат томонидан маълум миқдорда молия ва моддий техника ресурслари сарфланишини талаб этади. қўшимча моддий, меҳнат ва молия ресурсларига эга бўлмай туриб у ёки бу районда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўлмайди.

Саккизинчидан, қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштириш ерларни мелиорациялаш, суғориш, минерал ўғитлар билан таъминлаш ва бошқа

агротехника тадбирларини амалга ошириш даражасига ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига қўшиш ва шу асосда янги қишлоқ хўжалиги районлари ташкил этиш, бир қатор агротехник, биологик ва химик тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Тўққизинчидан, қишлоқ хўжалиги жойлаштириш ва ихтисослаштиришни амалга ошириш иқтисодий рағбатлантиришга боғлиқ. Хўжаликлар ишлаб чиқаришни илмий асосда жойлаштириш ва ихтисослаштириш асосида маҳсулот етиштиришни интенсив ривожлантиришдан иқтисодий манфаатдорликни вужудга келтириши лозим.

Ўнинчидан, қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш юқори малакали кадрларга эга бўлишга иқтисодий сиёсатнинг тўғри амалга оширишга боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш характериға кўра асосий, қўшимча ва ёрдамчи соҳаларға бўлинади. Ишлаб чиқаришнинг бу хилда ихтисослашиши ер, меҳнат ва моддий ресурслардан унумли фойдаланиш ва шу асосда кўпроқ хилма-хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконини беради.

Асосий соҳа дейилганда ялпи ва товар маҳсулоти улуши жихатидан асосий ўринни эгаллаб, корхна иқтисодиётининг ривожланишиға салмоқли ҳисса қўшадиган соҳа тушунилади. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигидаги асосий соҳа пахта етиштиришдир. Асосий соҳа ҳар бир зонанинг табиий ва иқтисодий шароитларини у ёки бу туридаги маҳсулотларға талабини ҳисобға олган ҳолда ташкил этилади ва бу тармоқ ижтимои меҳнат тақсимотида қатнашади.

Қўшимча соҳа ҳам асосий соҳа сингари товар маҳсулот етиштирсада, лекин у корхона иқтисодиётини ривожлантириш ва давлат эҳтиёжларини қондиришда асосий рол ўйнай олмайди, фақат асосий соҳани ривожлантириш учун шароит яратиб беради. Бу соҳаға пахтачилик хўжаликларида пахта, беда алмашлаб экиш схемасига кирувчи экинларини киритиш мумкин.

Ёрдамчи соҳа ишлаб чиқариш жараёнида ва қўшимча соҳаларға хизмат қиладиган соҳадир. Ёрдамчи соҳаға ремонт, дурадгорчилик ва бошқа турдаги устахоналарни, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини киритиш мумкин. Лекин ёрдамчи соҳа товар маҳсулоти ишлаб чиқарадиган соҳа ҳисобланмайди.

Соҳаларнинг ишлаб чиқариш жараёнида тутган ўрни ялпи даромад ҳосил қилишдаги улуши билан аниқланади.

8.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш шакллари

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларни тез суръатлар билан ривожлантириш мамлакатлар, зоналар, районлар, хўжаликлар ва уларнинг таркибидаги оилавий пудрат, фермер хўжаликлари доирасида ишлаб чиқаришни илмий асосда ихтисослаштириш қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- Зоналар бўйича ихтисослаштириш;
- Хўжаликлар бўйича ихтисослаштириш;
- Соҳа ичида ихтисослаштириш;
- Хўжалик ичида ихтисослаштириш.

Зоналар бўйича ихтисослаштириш дейилганда иқтисодий районлар, вилоятлар ва йирик ҳудудий зоналар қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш тушунилади. Ихтисослаштиришнинг бу шакли у ёки бу зона қайси туридаги маҳсулотлар етиштиришга мослашганлигини кўрсатади. Зоналар бўйича ихтисослаштириш иқтисодий районлар ва зоналарни бир-бири билан таққослашда катта рол ўйнайди. Чунки мамлакатдаги ҳар бир зона ихтисослаштириш даражаси ва етиштирадиган маҳсулот тури жихатидан бир-биридан фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мамлакатда дон, картошка, пахта ва чорва маҳсулотлари етиштирадиган йирик қишлоқ хўжалик зоналари мавжуд. Ҳар бир зона зоначаларга, зоначалар эса ярим зоначаларга бўлиниб, уларнинг табиий ва иқтисодий шароити ҳисобга олиниб ихтисослаштирилади. Бу тартиб қишлоқ хўжалигининг зоналар ёки иқтисодий районлар бўйича ихтисослаштириш деган тушунчани билдиради.

Хўжаликлар бўйича ихтисослаштириш деганда зонага кирувчи алоҳида олинган корхонларнинг ишлаб чиқариш йўналиши жихатидан ихтисослаштириш тушунилади.

Корхонани ихтисослаштириш зонларни ихтисослаштиришни акс эттиради, чунки ҳар бир зона ва зона ичидаги зоначалар табиий-иқтисодий жихатдан ҳар хил шароитга эга. Бундан ҳар бир зонада бир ёки бир неча қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириладиг деган хулоса келиб чиқмайди. Зона учун асосий товар маҳсулот пахта, дон картошка ҳисоблансада, лекин унга кирувчи айрим хўжаликлар учун бошқа турдаги маҳсулотлар етиштириш иқтисодий жихатдан фойдалидир. Бундай ҳолда хўжаликлар иқтисодий жихатдан фойдали маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисосланадилар. Масалан, хўжаликларда етиштирилган новвосларни бўрдоқчилик хўжаликларига топшириб гўшт етиштирмоқдалар. Бундай ихтисослашган хўжаликларга қўй-эчкичилик, паррандачилик ва бошқа хўжаликларни киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини оқилона ихтисослаштириш масаласи хўжалик ичида ихтисослаштириш масалсининг илмий асосда ҳал қилинишига боғлиқ. Хўжалик ичида ихтисослаштириш хўжаликларнинг ҳар бир бўлими, хўжаликдаги оилавий пудрат ва фермер хўжалигида иқтисодий, табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда энг кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулоти берадиган экин ва чорва моллари турларини ихтисослаштиришдир. Бундай ихтисослаштириш ишлаб чиқариш қай даражада марказлаштирилганини кўрсатади, хўжаликларнинг интенсив ривожланишига бевосита таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришни шакллари бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, улардан яхлит ҳолда фойдаланилгандагина қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш мумкин.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И. Прогресс дехканского хозяйство – путь изобилию. Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
- 2.Тўрахўжаев Т. Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: ТашДИУ, 2000.
- 3.Охапкин А. Предприятия АПК в условиях самостоятельности. М.: “Агропромиздат”, 1991.

9-мавзу. Қишлоқ хўжалигида ер, ер фонди ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш

Ўқув модули бирликлари

- 9.1. Қишлоқ хўжалигида ер ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси.
- 9.2. Ер фонди ва ундан оқилона фойдаланиш.
- 9.3. Ер кадастри ва ернинг сифатини иқтисодий баҳолаш.
- 9.4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- *ердан рационал фойдаланиш ва ер фондини;*
- *ер кадастрини;*
- *ерни иқтисодий баҳолашни;*
- *меҳнат ресурсларини.*

Таянч сўз ва иборалар

Ер ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси, ер фонди, ер фондидан оқилона фойдаланиш, ер кадастри, ер сифатини иқтисодий баҳолаш, меҳнат ресурслари.

9.1. Қишлоқ хўжалигида ер ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси

Қишлоқда аграр сиёсатнинг бош масаласи, негизи — ерга эгалик — мулкчилик масаласидир. Шу боисдан ҳам қишлоққа доир қабул қилинган фармонлар, “Ер тўғрисида”ги қонунда бу масалалар ҳисобга олиниб, қишлоқ хўжалигидаги муносабатлар, ерга эгалик муносабатлари аниқ белгилаб берилди. Бу масала Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам қатъий қилиб ёзиб қўйилди. Жумладан, Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги қайд этилган.

Қишлоқ хўжалигида ер ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Ер бўлмаса деҳқончилик маҳсулотларини ҳам, чорвачилик маҳсулотларини ҳам етиштириб бўлмайди. Одам ишлаб чиқариш жараёнида тупроққа, ерга, ўтлоққа, яйловга ва ҳоказоларга таъсир қилар экан, тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун зарур шарт — шароитлар яратади, ер меҳнат предмети сифатида майдонга чиқади. Шу билан бирга ернинг табиий хоссалари — физик, механик, кимёвий ва биологик хоссаларидан фойдаланилади. Шунинг учун ер меҳнат қуроли сифатида ҳам, меҳнат воситаси сифатида ҳам майдонга чиқади. У ҳолда ҳам, бу ҳарда ҳам у қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришнинг асосий ва ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган воситаси, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ривожлантириш негизи ҳисобланади. Ишлаб чиқариш воситасидан тўғри фойдаланиш туфайли ернинг ҳосилдорлиги ортади, бу эса қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришни таъминлайди.

Ишлаб чиқарувчи куч тез ривожланиб борганда барча эски машиналар янада фойдалироқ машиналар билан алмаштирилиши, яъни эски машиналар ишлаб чиқаришдан бутунлай чиқариб ташланиши керак. Ер эса, аксинча, агар унга тўғри муносабатда бўлинса, хамиша яхшиланиб боради. Ернинг

унумдорлиги капитал, меҳнат ва фанни қўлланиши билан чексиз даражада ортади.

9.2. Ер фонди ва ундан оқилона фойдаланиш

Ердан рационал фойдаланиш бутун халқнинг ва аввало қишлоқ хўжалигидаги барча ходимларнинг энг муҳим вазифасидир. Бу вазифа энг кам меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларини сарфлаган ҳолда ҳар гектар ердан кўпроқ юқори сифатли маҳсулот олишдан иборат. Мамлакатимизда ер моддий фаровонликни оширишнинг энг муҳим манбаи, шунинг учун ҳам ҳукуматимиз табиатни асрашни кучайтириш ҳамда ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш тадбирларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйган. Республика 44797,7 минг гектар ер фондига эга, шундан барча қишлоқ хўжалик ерлари 27987 минг гектар, шу жумладан, суғоришга яроқли ерлар 5 млн. гектар, суғориладиган ерлар майдони 4238,6 минг гектар, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг умумий майдони салкам 32 млн. гектар, экиладиган ерлар 4090,2 минг гектар, ҳайдаладиган ерлар 4474,5 минг гектар.

Республика ер фондининг асосий қисми 62 фоизга яқини қишлоқ хўжалик ер турлари тоифаларига мансуб, қолган қисми фуқаролар ерлари – томорқа 1 фоиз, ўрмон ва тукайзорлар 3.2 фоиз ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 34.2 фоиз. Суғориладиган ерлар жами ер ресурсларининг 9.2 фоизини ташкил этишига қарамай Республика қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ялпи маҳсулотнинг 98.5 фоизи шу ерларда етиштирилади. Қишлоқ хўжалик ерлари структурасида экин экиладиган ерлар салмоғининг ортиши, боғ ва узумзорларнинг кенгайиши, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик ерларининг майдони бирлигига ҳисоблаганда ялпи маҳсулот ва озуқа ишлаб чиқаришни кўпайиши ердан интенсив фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичларидир. Қишлоқ хўжалик ерларига экинзорлар, кўрик ер участкалари, пичанзорлар, яйловлар, боғ ва узумзорлар, ихота дарахтзорлари, балиқ урчитиладиган ховузлар киради. Қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун ишлатиладиган участкалар ҳайдов ерлари ҳисобланади. Табиий пичанзорлар сув бостириладиган майсазорга, сувсиз водий ва ботқоқ ерларга; яйловлар, сувсиз водий, сув чиқариладиган дашт, тоғлик, ўрмонзор ерларига, шунингдек, сунъий кўп йиллик маданий яйловларга бўлинади.

Ер давлат мулкидир. Давлат ер фондини тўғри тақсимлаш ва ундан режа асосида фойдаланишни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасида ягона давлат ер фонди составига қуйидагилар киради:

- 1) қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар;
- 2) саноат, транспорт, кон саноати ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига мансуб бўлмаган муассаса ва ташкилотлар фойдаланаётган ерлар;
- 3) шаҳар ва шаҳар типигаги посёлкалар жойлашган ерлар;
- 4) давлатнинг запас ерлари.

Ер фондининг анча қисми фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик корхонаси ва турли жамоат муассасаларига берилган. Қолган қисмида ўрмон хўжалиги ва бошқа давлат хўжаликлари иш юритадилар. Булардан бевосита давлатнинг ўзи фойдаланади.

Ўзбекистон Республикасида ер фондининг 62 фоизи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши корхоналарига фойдаланиш учун ажратилган. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тупроқнинг табиий шароитига қараб бўлинган зоналарда ҳар гектар ерга кам меҳнат ва маблағ сарфлаб кўп маҳсулот етиштириш билан белгиланади. Унинг умумлаштирувчи кўрсаткичи 100 гектар ер майдонида етиштирилган маҳсулот бирлигидир. Айни вақтда, айрим ер майдонларидан етиштирилган маҳсулот турларига қараб 100 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ер ёки 100 гектар ҳайдаладиган ерга қараб ҳисобланади. Масалан, ўсимликчилик маҳсулотлари ҳайдаладиган ерларда етиштирилади. Шунинг учун ҳам ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ерга ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ем – хашак базасидан мол турларига қараб фойдаланишга боғлиқ. Қорамол, қўйчилик ва эчкичилик маҳсулотлари 100 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ер майдонига; чўчкачилик маҳсулотлари 100 гектар ҳайдаладиган ерга; паррандачилик маҳсулотларини етиштириш 100 гектар дон экинлари экиладиган майдон бирлигига ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ердан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчиллик билан интенсивлаштириш, қишлоқ хўжалиги оборотидаги ерларни яхшилашдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш даражасини янада кўтаришда ирригация ғоят катта рол ўйнайди. Ер майдонларини доимо яхши ҳолатда сақлаш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда шамол ва сув эрозиясига қарши кураш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Тупроқ эрозиясига қарши курашда ягона ва илмий жиҳатдан асосланган тадбирийд чоралардан фойдаланиш маъқул. Бу тадбирийд чоралар системасига алмашлаб экишни жорий қилиш, ихота дарахтзорларини барпо этиш каби асосий омиллар киради. Энг оддий ва самарали агротехника тадбирларидан ер ҳайдаш, экин ва қишлоқ хўжалик экинларини қиялик жойларда кўндалангига экиш сув эрозияси келтираётган зарарни бир неча бор камайтиради. Республика қишлоқ хўжалиги корхоналари қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ер майдонлари умумий структура составида яйловлар 50 фоиздан зиёдроқ салмоқни эгаллайди. Яйловлар, деярли, чўл ва ярим саҳро зоналарида жойлашган бўлиб, улардан қўйчиликни, айниқса, қорақўлчиликни ҳамда эчкичиликни ривожлантириш учун фойдаланилади. Чўл яйловларининг талайгина қисми суғоришнинг асосий резервидир, шундан 6 млн. гектар майдонда суғориш имкониятлари мавжуд. Яйловларни яхши парвариш қилиш, уларни яйлов оборотига киритиш ва қўшимча равишда ўт уруғларини экиш ҳисобига юқори сифатли ва арзон ем – хашак олишга эришиш мумкин.

Илмий жиҳатдан асосланган деҳқончилик системасини юритиш ердан рационал фойдаланишнинг асосий негизидир. Тупроқ унумдорлигини оғишмай ошира бориш ва кам меҳнат, маблағ ҳаражат қилиб юқори ҳосил олиш деҳқончилик системасининг асосий шартидир.

9.3. Ер кадастри ва ернинг сифатини иқтисодий баҳолаш

Ернинг сифати билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги қиёсий баҳосини, табиий - иқтисодий шароитини, жойлашиш ўрнини ер кадастри орқали аниқлаш мумкин.

Ер кадастри ернинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий аҳволи ҳақидаги ҳақиқий маълумотлар йиғиндисидир.

Ер кадастри қуйидагиларни:

ердан фойдаланишни давлат рўйхатидан ўтказиш;

ерлар сифатининг тупроқнинг тури ва хили – рельефи, шамол ва сув эрозиясига учраши, озуқа моддалари билан таъминланганлиги, шўрҳоклиги ва ҳар бир ердан фойдаланиш ҳамда ерга мулкчилик белгиларига кўра ҳисобга олинишини;

тупроқ бонитровкаси, яъни ўсимликшунослик учун энг муҳим ҳисобланувчи тупроқни табиий ҳусусиятларига кўра классификация қилишни;

ер сифатини ишлаб чиқариш воситаси сифатида иқтисодий баҳолашни ўз ичига олади.

Ер сифатини иқтисодий баҳолаш деганда сифати турлича бўлган ерларнинг турли табиий – иқтисодий шароитлардаги нисбий фойдалилигини аниқлаш тушунилади.

Ерни иқтисодий баҳолаш, ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптимал жойлаштириш ва зона, вилоят айрим корхоналарни ихтисослаштириш, нархларни ва солиқ солишни дифференциация қилиш, корхоналар, хўжалик ҳисобидаги бўлимларнинг хўжалик фаолиятлари натижаларини баҳолаш ва жамоаларни рағбатлантириш учун зарурдир.

Ернинг сифатини иқтисодий баҳолаш ялпи маҳсулотнинг қиймати, соф фойда, асосий экинларнинг ҳосилдорлиги, озуқа бирликларининг чиқиши, ҳар бир гектар ернинг таннархи ва харажатлари бўйича ўтказилади.

Ернинг нисбий қийматини меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари тенг сарфланган асосий экинлар ҳосилдорлигига кўра аниқлаш энг асосланган ҳисобланади.

Энг яхши ерлар 100 балл баҳоланади. Хўжаликнинг гектаридан энг кўп миқдорда маҳсулот берган ерлари мазкур ҳудуд учун эталон сифатида қабул қилинади.

Ерни иқтисодий баҳолаш учун қуйидаги формула қўлланади:

$$Б \text{ қ } Я \times 100 : Э$$

бунда:

Б – баҳоланаётган ер бали;

Я – ялпи маҳсулотнинг бир гектар ер ҳисобидан олинган қиймати, сўм;

Э – ялпи маҳсулотнинг хўжаликдаги эталон гектар ҳисобидан олинган қиймати, сўм.

Ерни баҳолашда асосий ўлчов бирлиги қилиб экилаётган экинларнинг ҳосилдорлиги қиймат ифодасида қабул қилинди.

9.4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари

Қишлоқ хўжалигининг меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалик корхоналарининг мавжуд меҳнатга қобилиятли аҳолисидир.

Меҳнат ресурсларига 16 дан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 16 дан 55 ёшгача бўлган хотин - қизлар, шунингдек пенсия ёшидаги ходимлар ҳамда ўсмирлар киради.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўп сабабларга: ер билан таъминланганликка, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавсумийлигига, табиий шароитга, хўжаликнинг ихтисослашувига, тармоқларнинг структурасига, қишлоқ туманларида саноатнинг ривожланиш даражаси ва ҳоказоларга боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосан ишга қобилиятли 16 ёшдан 60 ёшгача кишилар меҳнат қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш режасини муваффақиятли бажарилиши иш кучларининг тармоқларга тўғри бириктирилишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги корхоналари тажрибаси иш кучлари етарли бўлишига қарамай, улар тармоқларга ўз вақтида тўғри бириктириб қўйилмаслиги натижасида баъзан иш кучлари етишмаслик ҳоллари содир бўлишини, четдан ишчи ёллашага ҳам тўғри келганлигини кўрсатди. Агар қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўз иш кучларидан тўғри фойдаланилса четдан иш кучи ёллаш у ёқда турсин, аксинча, иш кучлари ортиб, уларни бошқа, янги тармоқларни ривожлантиришга, қурилишларга сафарбар қилиш мумкин. Шунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналари йилнинг бошида ўз ишлаб чиқариш тармоқларини пухта ўрганиб, улар ишини тўғри режалаштириб, талаб қилинадиган иш кучларини аниқлашлари ва деҳқончилик, чорвачилик, ёрдамчи корхоналар, маъмурий ишлар учун иш кучларини тўғри бириктиришлари, яъни меҳнат баланси тузишлари керак.

Хўжалик тармоқларига ишчи кучларини бириктиришда қуйидагиларга амал қилинади:

Қишлоқ хўжалик корхоналарида маъмурий – хўжалик аппаратида ишловчи ходимлар сони хўжаликнинг катта кичиклигига қараб, хўжалик аъзоларининг умумий мажлисида тасдиқланган штат жадвалига асосан белгиланади;

Қишлоқ хўжалик корхоналарида чорвачилик учун зарур бўлган ишчилар сони молбоқарларга молларни биркитиш бўйича қабул қилинган ишлаб чиқариш нормативига асосан ишнинг ҳажмига қараб белгиланади. Чорвачилик фермер хўжаликларининг турлари бўйича тузилган технологик карталардан иш кучига бўлган талаб яққол кўрсатилади;

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг ёрдамчи корхоналарига иш кучлари шу корхоналарда бажариладиган ишларнинг муҳимлигига ва ҳажмига қараб тузилган технологик картага асосан ажратилади;

Механизаторларга бўлган талаб трактор маркаларига қараб аниқланади;

Деҳқончилик тармоғига зарур бўлган иш кучларини ажратишдан олдин хўжаликдаги экинларнинг хиллари, иш турлари, ишларнинг ҳажми, бажарилишига оид агротехника муддатлари ва иш нормалари пухта ўрганиб чиқилади. Шу билан бирга киши кунларига бўлган талаб аниқланади ва киши кунларини иш кунлари сонига тақсимлаш йўли билан талаб қилинадиган иш кучлари сони аниқланади, бу соҳада ҳам технологик карта маълумотлари асос бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон янги қонун тўпламлари. Т.: “Адолат”, 1991.
2. Экономика сельского хозяйства. С основами сельского предпринимательства. Учебник. Изд. Тандем, 1999.
3. Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.

10-мавзу. Қишлоқ хўжалигини моддий-техника базаси ва фан-техника тараққиёти

Ўқув модули бирликлари

- 10.1. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси тушунчаси.
- 10.2. Қишлоқ хўжалиги энергетика ресурслари ва уларнинг структураси.
- 10.3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш.
- 10.4. Электр энергиясидан унумли фойдаланиш.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида энергетика ресурсларини;
- қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини механизациялашни;
- қишлоқ хўжалигида электр энергиясидан фойдаланишни.

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигида энергетика ресурслари, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси, қишлоқ хўжалиги энергетик ресурсларининг структураси.

10.1. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси тушунчаси

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси дейилганда, моддий бойлик ишлаб чиқариш жараёнида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндисини тушунилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси фан-техника янгиликларидан кенг кўламда фойдаланиладиган электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришидир.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси таркибига: ер ресурслари, тракторлар, машиналар, меҳнат курулларива буюмлари; электр жихозлари; ёнилғи мойлаш материаллари; ремонт техникаси; ишлаб чиқариш бинолари; мелиорация ва йўл иншоотлари, алоқа воситалари, маҳсулдор ва ишчи хайвонлар, кўп йиллик дарахтлар; уруғлик; ем-ҳашак ва хоказолар киради.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси бошқа соҳаларнинг моддий-техника базасига нисбатан бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, хўжалик моддий-техника базасида асосий ролни ер ўйнайди. Ер қишлоқ

хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши бевосита ердан фойдаланишга боғлиқдир. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси доим табиий шароитлар таъсирига учраб туради. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши зона характериға эға бўлиб, ҳар бир зона тупроқ-иқлим шароити ҳар хил бўлиши туфайли ҳар хил системадаги машиналардан фойдаланишға тўғри келади. Учинчидан, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир-бириға мос келмаслиги туфайли ишлаб чиқариш мавсумий характерға эға бўлиб, бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишға салбий таъсир этади. Ишлаб чиқаришнинг мавсумий бўлиши захира уруғлик, ем-ҳашак, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа меҳнат буюмларига эға бўлиш заруриятини келтириб чиқаради. Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши биологик жараёнлар билан уйғунлашиб кетади. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли организмдан, яъни ишчи ва маҳсулдор хайвонлар, паррандалар, ёш хайвонлар, боқувға қўйилган хайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалардан иборат бўлиб, улардан самарали фойдаланишға эришмоқ учун тегишли ишлаб чиқариш воситаларига эға бўлмоқ керак.

Саноат қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда асосий рол ўйнайди.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги зонасига мос келадиган ва иқтисодий жихатдан қулай бўлган техника ишлаб чиқариш ва шу асосда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш;

2. Ишлаб чиқаришда бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимидан кенг фойдаланиш.

3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаш даражасини ошириш ва иқтисодий жихатдан қулай бўлган кимёвий-минерал ўғитларни ишлаб чиқаришға эришиш.

4. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуришни кенг кўламда авж олдириш ва қурилишни такомиллаштириш.

5. Ерларни мелиорация ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини сув билан тўла таъминлашға эришиш.

6. Чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларини маҳсулдор зотли хайвонлар билан таъминлаш ва улардаги оғир ишларни комплекс механизациялаш ва электрлаштириш даражасини ошириш.

7. Қишлоқ хўжалик касалликларига бардош бера оладиган юқори ҳосилли уруғ навларини яратиш ва ишлаб чиқаришға жорий этиш.

8. Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи корхоналарнинг, яъни илмий текшириш институтлари, қурилиш-ремонт ташкилотларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

10.2. Қишлоқ хўжалиги энергетика ресурслари ва уларнинг структураси

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги барча двигателлар, куч берувчи механизмлар ва ишчи хайвонлар қуввати йиғиндиси уларнинг энгергетика ресурсларини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурслари доимо ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Кам қувватли ва тезлиги кам тракторлар кучли, тез юрар ва иқтисодий жихатдан қулай тракторлар билан алмаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги марказлашган ҳолда электр энергияси билан таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энергетика қуввати билан таъминлаш даражаси умумий энергетика қувватини мавжуд қишлоқ хўжалиги ерига нисбати, яъни ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалиги ери ҳисобига нисбати билан аниқланади.

Меҳнатнинг энергетика қуввати билан қуролланиш даражаси, мавжуд энергетика қувватини ишлаб чиқаришда қатнашаётган ўртача йиллик ишчилар, яъни хўжаликларда меҳнатг яроқли кишилар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

10.3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни меҳнат, меҳнат воситалари ва меҳнат буюмларидан иборат уч элементдан ташкил топади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ўз даражасига кўра уч даврга бўлинади:

Биринчи давр, бу қисман механизациялаш даври деб аталиб, бунда маҳсулот етиштириш билан боғлиқ айрим иш турларини машиналар ёрдамида бажарилади. Бу даврда иш турлари ўртасида узилиш пайдо бўлади.

Иккинчи давр, бу ишлаб чиқариш жараёнини комплекс механизациялаш давридир. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча ишлар биринкетин машиналар билан бажарилади. Комплекс механизация ишчи кучига бўлган талабни камайтиради, иш шароитини яхшилайти, меҳнат унумдорлигини ортишига олиб келади.

Учинчи давр, бу ишлаб чиқаришни автоматлаштириш давридир. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш комплекс механизациялаштиришнинг юқори босқичидир. Дехқончиликда дон, кунгабоқар каби экинлар комплекс механизациялашган ҳолда пахта, сабзавот, полиз каби экинларда кўпчилик иш жараёнлари қўлда бажарилмоқда. Етиштирилган маҳсулотларни ўриш, териш, йиғиб-тегиб олиш ва қайта ишлаш ҳам кам даражада механизациялаштирилган.

Чорвачиликда кўп иш жараёнлари механизация ёрдамида бажарилишига қарамай, қорамолга ем-ҳашак тарқатиш 46 % ни ташкил этади. Паррандаларга озиқ тарқатиш 82 % ни ташкил этади. Қорамолчиликда комплекс механизациялаштириш даражаси 45 % ва паррандачиликда 75 % дан иборатдир.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш катта иқтисодий самара беради. Техникани иқтисодий жихатдан баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарининг йиллик бажарган иши;
2. техниканинг соатлик, кунлик ва сменалик бажарган иши;
3. йил давомида ишланган машина кунлари ва смена сони;

4. смена коэффициенти, бу кўрсаткич машина смена сонининг машина кун миқдорига нисбати билан аниқланади;

5. иш бирлиги таннархи, бу кўрсаткич бажарилган иш учун қилинган ҳаражатларни иш миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалик техникалари миқдор жихатдан ўсиши билан бир қаторда сифат жихатдан ҳам ўзгармоқда. Техникадан фойдаланиш хўжаликлараро машина-трактор парклари ташкил қилиш йўли билан амалга оширилади. Бу бир неча хўжаликда бир қанча иш турларини бажарадиган техникаларни шартномалар асосида бирлаштиради ва улардан режали равишда фойдаланишни таъминлайди.

10.4. Электр энергиясидан унумли фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигида 1 киловатт-соат электр энергияси ёрдамида 120 кг донни янчиш, 88 кг нонни ёпиш, 38 бош сигирни соғиш, 15 бош қўй жунини қирқиш, 2,3 тонна илдизмевани қирқиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тўла электрлаштириш меҳнат унумдорлигини оширади, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиради.

Дехқончиликда электр энергиясидан фойдаланиш экинларни суғориш ишларини механизациялаш имконияти яратиб, меҳнат ҳаражатларини 10-20 %, эксплуатация ҳаражатларини эса 10 % камайтиради. Ҳар бир сўмлик электр энергияси ҳисобига 100-150 сўмлик маҳсулот етиштирилади.

Чорвачиликда электр энергиясидан фойдаланиш меҳнат сарфини кескин камайтиришга олиб келади. Электр энергиясидан фойдаланиш чорвачилик фермер хўжалигидаги бир қатор ишларни, шу жумладан, сув билан таъминлаш, ем-ҳашакни хайвонларга бериш олдидан тайёрлаш, сигирларни соғиш, юкларни ташиш, қўй жунини олиш, сутга дастлабки ишлов бериш, инкубация ва ҳоказо ишларни механизмлар ёрдамида бажариш имконини беради. Қишлоқ хўжалигида 1 ходим ҳисобига тўғри келадиган электр энергиясидан фойдаланиш йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида электр энергиясидан самарали фойдаланиш қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади:

меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи; 1 киши-соатга тўғри келадиган соф даромад; 1 сўмлик ишлаб чиқариш сарфига олинган даромад; рентабеллик даражаси; қўшимча сарфланган капитал маблағнинг қайтиш муддати.

Адабиётлар:

1.Каримов И. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

2.Тўрахўжаев И. Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: ТашДИУ, 2000.

11-мавзу. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш имкониятлари

Ўқув модули бирликлари

11.1.Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва уни аниқлаш.

11.2. Меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш имкониятларини.

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги, меҳнат унумдорлигини аниқлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар.

11.1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва уни аниқлаш

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ўлчашнинг қиймат ўлчов усулидан корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларида фойдаланилади. Бу усул ёрдамида меҳнат унумдорлигини корхоналарнинг реализация қилинган ялпи маҳсулот ва товар ҳажмини ишловчилар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги мезони бўйича бошқаришда асосан қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш керак;

1) механизациялаштириш, автоматлаштириш, янги технология ва ноу – хауларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш;

2) эскирган техникани янгилаш, такомиллаштириш;

3) товарни бозор талабини ўрганган ҳолда ишлаб чиқариш;

4) ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш;

5) иш жойларини тўғри ташкил қилиш;

6) меҳнат илғор усуллариини ўрганиш ва жорий қилиш;

7) меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;

8) меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш;

9) бошқарув аппарати салмогини камайтириш.

Меҳнатга рағбатлантиришни мустаҳкамлаш учун: 1) хизмат мансаблари ва хизмат мавқеи обрўсини таъминлаш; 2) ўз корхонасига ихлосмандлигини тарбиялаш; 3) фойдаланиш ва ривожлантириш; 4) ходимлар малакасини мунтазам ошириш ва қайта тайёрлаш; 5) ходимларни мунтазам бандлигини таъминлаш; 6) турли ижтимоий – иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Ҳозирги шароитда ходимларга раҳбарликда рақобат маълум даражада ўзгарди: ижтимоий – иқтисодий ва ижтимоий – рухий бошқариш маъмурий услубларни сиқиб чиқарди. Раҳбарлик энди ходимлар ва маъмуриятни белгиланган мақсадларга эришиш учун ҳамкорлик қилишларини амалга оширишга қаратилган.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалик корхонаси фақат меҳнат унумдорлигини ошириш учун яшамайди, балки фойда меъёрини ошириш учун яшайди. Бошқарувчилар, яъни менежерлар фойдага боғланган ахборотлар асосида қарор қабул қилади. Аммо инфляция шароитида фойда узоқ истикбол учун ишнинг мустаҳкамлигига мўлжал бўла олмайди. Меҳнат унумдорлиги асосида

мезонлаш орқали бошқариш иш ҳолатини инфляцияга тўғрилаб таҳлил қилиш имконини беради.

Бозор конъюктураси муваффақияти орқали юқори молиявий натижаларга эришган корхона агар у ҳақиқатда меҳнат унумдорлигини ошира олмаса қувончли истикболга эга эмас. Чунки, фойда инфляция таъсирида камайиб кетиши мумкин.

Меҳнат унумдорлигини бошқариш жараёнининг моҳияти шундаки, у меҳнат унумдорлигини режалаштириш ва меҳнат унумдорлигини ўлчаш тизими ёрдамида тадбиркорликни амалга оширишга кўмаклашади.

Меҳнат унумдорлигини бошқариш сифати режалаштириш, меҳнат харажатларини ўлчаш ва лойиха ишлаш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат ва ходимлар хизмати билан узвий боғлиқдир.

11.2. Меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари

Қишлоқ хўжалиги корхоналари меҳнат унумдорлигини оширишда катта резервларга эгадир, бу маҳсулот бирлиги ҳисобига меҳнат сарфларини қисқартириш, иш вақтида фойдасиз сарфларни ва уларнинг исрофгарчилигини камайтириш, яъни ишлаб чиқариш процессида барча сарфлардан тўла фойдаланиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини белгиловчи барча омиллардан оқилона фойдаланиш билан меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш мумкин. Меҳнат кучи бир қанча омилларга, яъни ишчиларнинг ўртача маҳоратига, фаннинг ривожланиши ва ундан фойдаланиш технологиясига, жамоа томонидан ишлаб чиқариш жараёнларини қай хилда ишга солинишига, ишлаб чиқариш миқдори ҳамда самарадорлигига, шунингдек табиий шароитларига қараб аниқланади. Ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир қилади.

Демак, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишга фан – техниканинг ривожланиш савияси, меҳнатни механизациялаш, ишлаб чиқариш технологиясининг даражаси, хўжалик миқёси, аҳолининг маданий савияси, ходимлар малакаси, меҳнатни илмий асосда тўғри ташкил этиш, ходимларнинг моддий манфаатдорлиги, мусобақанинг кучайтирилиши, табиий шароитлар ва бошқа кўплаб омиллар таъсир қилади. Қишлоқ хўжалик корхоналари бу омилларнинг ҳаммасидан оқилона фойдаланишлари ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари билан белгилаб олишлари керак.

Қишлоқ хўжалигида техника прогресси, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва электрлаштириш – меҳнат унумдорлигини мунтазам равишда ошириб боришнинг асосидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг технологик жараёни ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали усуллари қўллаш, уни бошқариш методларини яхшилаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги янги тракторлар, автомашиналар, комбайнлар, пахта териш машиналари ва бошқа техникалар билан қуролланмоқда. Бу ҳозирнинг ўзида деҳқончиликдаги асосий ишларни машиналар ёрдамида бажариш имконини беради. Қишлоқ хўжалигида айрим ишларни механизациялашдан аста секин комплекс механизациялашга, яъни қишлоқ хўжалик ишларини бир –

бирига боғлиқ бўлган барча турларини машиналар ёрдамида бажаришга ўтилмоқда.

Комплекс механизациянинг жорий этилиши қишлоқ хўжалик ишларида меҳнат сарфларини қисқартириш учун улкан имконият яратади, бу эса ҳосилдорликни оширишда муҳим омил ҳисобланади. Машиналарда бажариладиган ишларнинг сифатли бўлиши, ўз вақтида ўтказилиши ва ҳосил нобудгарчилигини камайтириш билан экин ҳосилдорлигини оширишга эришилади.

Қишлоқ хўжалик техникасидан тўла фойдаланиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резерви ҳисобланади. Бунга тўғри агрегатлаш, машина – трактор паркининг бекор туришига чек қўйиш, ремонт сифатини яхшилаш, техник қаровини мунтазам ўтказиб туриш, ёнилғи, сув, уруғнинг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, машина – трактор ишлари, диспетчерликни тўғри режалаштириш ва нормалаш йўли билан эришилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, айниқса, чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялашда электрлаштириш асосий рол ўйнайди. Меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун қишлоқ хўжалигида, хусусан ишлаб чиқариш эҳтиёжларида, электр қувватидан кўпроқ фойдаланиш зарур.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришни яхшилаш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот бирлиги ҳисобига бўладиган сарфларни камайтириш учун катта имкониятларга эга.

Меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусларини рационализатор ва ихтирочиларнинг ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат шароитини енгилаштиришга бўлган ҳаракатларини кучайтириш техника прогресси суръати ва меҳнат унумдорлигини оширишни тезлаштиришда муҳим шартлардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги кўп жиҳатдан табиий шароитлар, яъни тупроқ унумдорлиги ва об – ҳаво шароитига боғлиқ, шунга кўра меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган агротехника, зоотехника ва ташкилий – иқтисодий тадбирларни ўтказишда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда муҳим рол ўйновчи табиий омилларни ҳисобга олиш ва улардан оқилона фойдаланиш зарур. Шу сабабли, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, иқтисодий томондан фойдали тармоқларни бир – бирга боғлаб олиб бориш, илғор агротехникани қўлланиш, ўғитларни тўғри солиш, алмашлаб экишни жорий этиш, яхши навли уруғларни экиш катта аҳамиятга эга.

Чорвачиликда меҳнат унумдорлигини оширишга молларни асраш ва боқишнинг прогрессив усуллари жорий этиш, маҳсулдор зотларини танлаш катта таъсир қиладди.

Меҳнатни тўғри ташкил этиш ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг асосий шакллари, оила ва жамоа пудрати, фермер хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишловчи цех ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш учун иш жараёнларини илмий асосда ташкил этиш, иш куни тартибини тўғри белгилаш лозим. Бу иш вақтининг бошланиши ва тамомланиши, технологик сабаблар,

ходимларнинг дам олиши учун танаффус вақтларини бир тартибда олиб боришни тақозо этади. Иш куни тартиби, айниқса чорвачиликда катта рол ўйнайди. Унга қатъий риоя қилиш ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш шартларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш етакчи рол ўйнайди.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ошириш учун мавжуд барча имкониятлардан фойдаланиш энг кам меҳнат сарфлаган ҳолда энг кўп маҳсулот тайёрлашни амалга ошириш имконини беради.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
- 2./уломов С. Менежмент асослари. Т.: ТашДАУ, 1998.
- 3.Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.

12-мавзу. Қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари пул капиталини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш

Ўқув модули бирликлари

12.1.Қишлоқ хўжалиги корхоналарида пул капитали ва унинг моҳияти.

12.2.Қишлоқ хўжалиги корхоналарида пул капиталини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалик корхоналарида пул капитали тушунчасини;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида пул капиталини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш усуллари.

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалик корхоналарида пул капиталини ташкил этиш, пул капиталидан фойдаланиш, пул ссудаси, кредит, кредит линиясини очиш.

12.1.Қишлоқ хўжалиги корхоналарида пул капитали ва унинг моҳияти

Бозор иқтисодиёти шароитида товар капитали савдо капитали сифатида ажралиб чиққанидек, пул капитали ҳам ссуда капитали сифатида ажралиб чиқади.

Капитал обороти процессида маълум вақтларда қишлоқ хўжалиги капитали эгасининг қўлида унинг ўз корхонасида ишга солинмай қолган бўш пул капитали ҳосил

бўлади. Ссуда капитали пул капитали бўлиб, уни шу капиталнинг эгаси маълум ҳақ олиш шарти билан бошқа бир капитал эгасига вақтинча беради. Ссуда капиталининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, уни ишлаб чиқаришда ўз эгаси бўлган капитал эгаси ишлатмайди. Пул ссудаси қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер, деҳқон хўжаликларига ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ишчилар сонини кўпайтиришга ва демак, олаётган қўшимча қийматининг миқдорини оширишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари ўз ихтиёрига берилган пул капитали учун шу капиталнинг эгасига маълум суммада ҳақ тўлайди, бу тўланган ҳақ процент деб аталади.

Процент фойданинг бир қисми бўлиб, буни қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари ёки қишлоқ хўжалиги капитали эгаси олган ссудаси учун ссуда берган капитал эгасига тўлайди. Процентнинг манбаи фойдадир. Қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари пул капиталини ташкил этиш ва ундан фойдаланишда банклар ҳисоб - китоб маркази ролини ўйнайди.

Пул қўйган ёки ссуда олган ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг банкда жорий счёти бўлади. Банк чек деб аталадиган айрим талабномага мувофиқ жорий счётидан пул беради. Банк чекда кўрсатилган суммани бир корхонанинг жорий счётидан иккинчи бир корхонанинг жорий счётига ўтказиб, ҳисоб-китоб ишини олиб боради. Пул ҳаракати ва пул маблағлари билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиётидаги муҳим воқеликлардан бири кредитдир.

Кредитнинг ўзи такрор ишлаб чиқариш жараёнидан келиб чиқадики, айтилиши вақтда пулга муҳтожлар ҳам кўп бўлади ва шунингдек пули вақтинча бўш бўлган пул эгалари ҳам кўп бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш, товарлар сотилиши вақтида пуллар бўш бўлса, товарлар сотиб олиш, яъни хом ашё, материаллар, энергия сотиб олишда, иш ҳақи тўлаш вақтида пуллар кўп керак бўлади.

Иқтисодий айланма жараёнида бир вақтда бўш пулни ишлатишни истовчи ва пулга муҳтож ва уни ахтарувчилар мавжуддир. Бундай муаммолар кредит орқали ҳал қилинади. Айтайлик, амортизация ажратмалари, инвестицияга аталган пулларнинг хом ашё ва материаллар пулининг йиғилиб бориши, иш ҳақининг маълум вақтдагина тўланиши туфайли йиғилиб бориши кабилар бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқдир. Булардан ташқари аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратиладиган пуллар ҳам маълум вақт ичида жамғарилиб, сўнгра ишлатилади. Аҳоли истеъмолида ҳам шундай ҳолатлар бўлади ва маълум қисм даромад жамғарилиб боради. Давлат молиясида ҳам пул йиғилиши ва вақти - соати келганда сарф этилиши табиийдир. Булар қарз бериш учун, яъни кредит учун манбалар бўлиб ҳисобланадики, улар айтилиши вақтда қарз фондларини шакллантириб боради.

Демак, иқтисодий ҳаётнинг ўзи, пул ресурсларининг ҳаракати, пулларнинг ишлатилишидаги даврийлик кабилар кредитга асос солиб, уни бўш пуллар билан таъминлаб туради. Албатта бу кредитнинг бир томони, яъни кредит бозоридаги таклифни шаклланиши жараёнидир. Маълумки, шу билан бирга талаб зарур. Пул мавжуд экан, у доимо айланиб, ҳаракатда бўлар экан демак, унга доимо муҳтожлик мавжуд бўлади. У пулга бўлган талабни юзага келтиради.

12.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида пул капиталини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида пул капиталини ташкил этишда кредитнинг вазифалари, турлари мавжуд, чунки у хилма хил вазифаларни турли хил кўринишларда, турли шаклларда бажаради. Кредитнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, бўш пулларни капиталга айлантириш, қарз усули билан маблағларни тармоқлараро тақсимлаш, пул қарзи усули билан иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Тадбиркорларни қўллаб, уларнинг пулга бўлган эҳтиёжларини кондирилиши туфайли ҳаракатдаги капитал миқдори кўпайтирилади, иқтисодий тараққиёт таъминланади ва тезлаштирилади. Кредит орқали тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиши юз бериб, зарурий тараққиёт мувозанатини таъминланиши учун воситачилик қилинади. Қишлоқ хўжалиги кооперативини, яъни ширкат хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узоқ муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномалари асосида амалга оширилади.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредит олиш учун уларга хизмат кўрсатувчи банкка мурожаат этишлари лозим. Банк кредит қўмитаси кредитларнинг мақсадли йўналтирилиши шартлигига асосланиб хусусий тадбиркорларга микрокредитлар беришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Марказий банкнинг хўжалик субъектларини қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлашни ташкил этиш қоидаларини тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилиб тадбиркорнинг кредит олиш юзасида буюртмасини кўриб чиқади. Банк бўлими унга бош банк томонидан берилган ҳуқуқ доирасида бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линияси ҳисобидан кредитларни бериш бўйича узил-кесил қарор қабул қилади ва кичик ҳамда ўрта бизнес субъекти билан кредит шартномаси тузади. Юридик шахс, юридик шахс бўлмаган хусусий тадбиркорлар микрокредитларни олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: номини кўрсатган ҳолда бюджетдан ташқари кредит линияси ҳисобидан кредит олиш учун ариза; кредит буюртмаси; пул оқимининг кутилаётган тахмини мажбурий кутилаётган кредит режа; бошқа банклардаги депозитларда сақланаётган бўш маблағлар мавжудлиги тўғрисида маълумотнома. Бундан ташқари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжаликлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: 1) юридик шахс бўлган қарздорнинг таъсис ҳужжатлари; 2) махсус рухсатнома талаб қиладиган ишлаб чиқариш фаолияти учун рухсатнома; 3) хўжаликни бухгалтерия ҳисоби - охирги санага, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган охирги икки йил ва жорий йилнинг чорақлари бўйича тузилган бухгалтерия ҳисоботи; 4) лойиҳани амалга ошириш учун жиҳозларни етказиш тўғрисидаги контракт шартномаси; 5) техник паспорт ва жиҳоз тўғрисидаги ҳужжат, ушбу жиҳознинг ўхшаш жиҳоз билан солиштирмаси: баҳоси, ишлаб чиқариши ва бошқалар; 6) ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш тўғрисидаги шартномалар ва маркетинг кузатувлар; 7) қурилишга рухсат бериладиган махсус территория учун рухсат; 8) қурилишнинг тўлиқ ҳажми бўйича лойиҳа ҳужжатлари; 9) жорий йил бўйича Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлиги томонидан тасдиқланган

курилишларнинг манзилгоҳи; 10) бизнес-режа, пул оқимларини ҳисобга олган ҳолда; 11) давлат табиат қўмитасининг иқтисодий экспертиза хулосаси; 12) кутилаётган фойда; 13) молиявий таҳлил; 14) кредитни таъминланганлиги, яъни мол-мулк гарови, кафиллик, кредитни қайтармаслик хавфидан суғурта компаниясининг полиси; 15) ҳамда зарур қўшимча маълумотлар.

Тақдим этилган ҳужжатларни синчиклаб ўргангандан сўнг банк ходими кредит битимини тузиш имконияти бор-йўқлиги тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради, бунда қуйидагиларни кўрсатади: кредитга қобиллик; кредитнинг мақсади, муддати ва миқдори; кредитни қайтаришнинг таъминланиши; фоиз ставкаси.

Ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларига тижорат банклари томонидан кредитлар берилиши ва ажратилган кредитларни қайтариб бериш, тўлаш, таъминлаш, муддатли ва мақсадли фойдаланиш шартлари билан амалга оширилади. Кредитлар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжаликлар ва юридик шахс бўлмаган тадбиркор деҳқон хўжаликларига шартнома асосида миқдорни талаб қилиб оладиган депозит ҳисоб варағи бўлган жойда берилади.

Тижорат банки мол-мулкни гаровга қўйиб кредитни расмийлаштиришда гаров ҳақидаги ёзма шартнома тузилиб, бу шартнома нотариал жиҳатдан тасдиқланиши керак.

Маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, корхона биноси бўйича шартномалар Давлат кадастри туман ва шаҳар идораларида, турар жой бинолари техникавий инвентарлаш бюросида қайд этилиши лозим.

Берилаётган кредитнинг миқдори гаровга қўйилган мулк суғурта баҳосида қийматининг 80 % дан ошмаслиги керак.

Гаровга қўйилган қимматли қоғозлар шартнома билан расмийлаштирилади ва ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари томонидан банкка сақлаш учун топширилади. Қарз олувчидан гаровга қабул қилиб, олинган қимматли қоғозлар қарз олувчига кредит ва фоизлар бўйича қарзлар тўлиқ тўлангандан кейингина берилади.

Кўчмас мулк бўлмаган гаров тўғрисидаги шартномага мувофиқ мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи қарздорга ўтганидан сўнг гаров воситаси бўладиган мулкни сотиб олиш учун бериладиган кредитларга доир кредит йиғма жилдларида мазкур мулкни сотиш нархини ва бу мулк суғурта қилинган пул маблағлари миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши лозим.

Агар кредит кўчмас мулкни қуриш, таъмирлаш ва тиклашни молиялаш мақсадида берилган бўлса, банк кредит йиғмажилдига ишларнинг мўлжалланадиган нархига доир ҳужжатларини, шунингдек, банк томонидан тайёрланган текшириш тўғрисидаги ҳисоботни ёки кредит берилган ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани киритиши лозим.

Агар кредит бошқа шахс томонидан кафолатланса, кредит йиғмажилдига қуйидаги қўшимча ҳужжатлар киритилади: кафолатлар тўғрисидаги шартнома; аудиторлик ташкилоти ёки аудиторни қафилани қониқарли молиявий аҳволини тасдиқловчи хулосаси.

Бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олиш, қорамол, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ҳамда омухта ем, ветеринария препаратлари, ўсимликларни химоялашнинг кимёвий воситалари, минерал ўғитлар харид қилишга берилади.

Кредитни узиш банк томонидан кредит шартномасида кўзда тутилган муддатда амалга оширилади. Кредит шартномасида кредитни тўлашнинг қуйидаги тартиби белгиланган бўлиши мумкин: 1) мажбуриятларни тўлашнинг бошланган муддати бўйича қарз олувчининг талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб варағидан ссудалар бўйича қарзларни ундириши йўли билан; 2) муддатидан илгари, пул маблағларининг эркин қолдиғини қарз олувчининг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб варағидан ссуда ҳисоб варағига ўтказиш йўли билан; 3) вақтнинг кафиллик бўйича олинган мажбуриятларидан, суғурта полиси суғурта тўловларидан, шунингдек, гаров ҳуқуқини сотишдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш орқали.

“Кредит линиясини очиш” билан хўжалик субъектларига кредит бериш кредит шартномасида аввалдан қайд этилган кредит бериш сўммаси доирасида алоҳида ссуда ҳисоб варағидан амалга оширилади, қарз олувчининг товар - моддий бойликлар, асосий фаолиятига тааллуқли бўлган бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун пул ҳисоб - китоб ҳужжатлари тўлови алоҳида ссуда ҳисоб варағига ўтказилади.

“Кредит линиясини очиш” билан ссуда бериш банкнинг кафолат мажбурияти билан расмийлаштирилади, шу тариқа банк корреспондентлик ҳисоб варағидан қатъий назар тўсқинликсиз кредит беришга кафолатловчи мажбуриятни зиммасига олади.

Банкнинг кафолат мажбурияти икки нусхада тузилади, улардан бири кредит ходимининг фармойишига кўра кўзда тутилмаган ҳолатлар “Кафолатлар” ҳисоб варағи бўйича ҳисоб - китоб қилиш учун бухгалтерияга топширилади, бошқаси эса қарз олувчига берилади ва унинг кредитга доир ҳужжатлари билан бирга сақланади.

Кредит линиясини очиш билан кредит миқдори, ундан фойдаланиш муддатлари ва уни тўлаш даврийлиги қарз олувчининг маҳсулот етказиб берувчилар ва харидорлар билан тузилган контрактларини таҳлил этиш асосида белгиланади ва бу ҳол кредит шартномасида акс эттирилиши керак.

Мониторинг жараёнида миқдорнинг хўжалик - молия фаолияти, унинг томонидан тузилган шартномалар, ишлаб чиқариш ҳажми, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала харажатлари, фойда, хусусий айланма маблағлар мавжудлигининг динамикаси товар - моддий бойликлар захираларининг ахволи, айланма маблағларнинг айланиш тезлигига мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилиш таҳлили амалга оширилади. Банк қарз олувчининг махсус ҳужжатлар тўпламида таснифлаш орқали унинг кредитни қайтариш қобилиятини доимий мониторингдан ўтказилишини амалга оширади.

Банк берилган кредитлардан мақсадга номувофиқ фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда мақсадга йўналтирилмаган ҳолда фойдаланилган кредит қисmini белгиланган тартибда қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағидан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Кредитни кайтариш муддати бошланган ва қарздорнинг маблағи бўлмаган тақдирда кафиллик берувчи қарз олувчининг банкини ёзма хабардор қилиш асосида ўз кафолатномаси билан ўзининг талаб қилиб олинадиган ҳисоб варағидан тўланмаган кредит миқдорини ва у бўйича ҳисоблаб чиқилган, лекин тўланмаган фоизларни қарз олувчининг бевосита ссуда ҳисоб варағига ўтказди.

Кредитларни берилиши мижоз талаб қилиб олгунча депозит ҳисоб варағи жойлашган жойида амалга оширилади. Кредитлар нақд пулсиз шаклда, алоҳида ссуда ҳисоб варағи очиш ва ушбу ссуда ҳисоб варағидан товар - моддий бойликлар учун қарз олувчининг тўлов топшириқларини тўлаш йўли орқали берилади. Ишонч микрокредитларнинг берилишига йўл қўйилмайди.

Хусусий тадбиркорларга берилган микрокредитлар “Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли ссудалар” ва “Жисмоний шахсларга берилган ўрта муддатли ссудалар” баланс ҳисоб варағида ҳисобга олинади.

Алоҳида ссуда ҳисоб варақлари бўйича берилган ссудалар кредит ходимининг фармойиши билан муддатли мажбурият билан расмийлаштирилади, у кредитлаш муддатларига кўра тўлиқ қайтарилишига қадар кутилмаган ҳолатлар бўйича “қарз олувчиларнинг қисқа муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари”, “қарз олувчиларнинг ўрта муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари”, “қарз олувчиларнинг узоқ муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари” ҳисоб варақларида ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарида пул капиталини ташкил этиш ва улардан самарали мақсадга мувофиқ фойдаланиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳажмини ортишига, сифатини яхшиланишига аҳолини мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатни қишлоқ хўжалиги хом ашёсига бўлган талабларини юқори даражада таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Павлова Л. Финансовўй менеджмент. М.: Банки и биржи. “Юнити”, 1995.
2. Финансы и предприятий. Учебник. Изд. “Юнити”, 2000.
3. Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.

13-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромадлари ва уларнинг тақсимланиши

Ўқув модули бирликлари

- 13.1. Корхона даромади ва уни аниқлаш тушунчаси.
- 13.2. Корхонанинг даромади ва уни тақсимланиши.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- қишлоқ хўжалик корхонасининг ялпи маҳсулоти ҳажмини аниқлашни;
- қишлоқ хўжалиги корхонасининг ялпи даромадини ва уни аниқлашни;
- қишлоқ хўжалик корхоналари даромадларининг тақсимланишини.

Таянч сўз ва иборалар

Корхона даромади, корхона даромадини аниқлаш, ялпи маҳсулот, ялпи даромад, соф даромад, корхона даромадини тақсимлаш.

13.1. Корхона даромади ва уни аниқлаш тушунчаси

Бутун жамиятнинг маҳсулоти сингари қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилган барча янги маҳсулот, ўзининг белгиланишига караб, учта асосий қисмга: 1) сарфланган ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш фонди; 2) жамғариш фонди; 3) истеъмол фондига бўлинади.

Қишлоқ хўжалигида сарфланган ишлаб чиқариш воситалар ялпи маҳсулотидан қопланади, жамғариш ва истеъмол фондлари эса ялпи даромадлар ҳисобига қопланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ялпи маҳсулоти-бу, муайян даврда, яъни одатда бир йил мобайнида қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилган пул билан ифодаланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажмидир.

Ялпи даромад қанчалигини аниқламоқ учун ялпи маҳсулотдан уруғга, ўғитларга, ёнилғига, мойлаш материалларига, захарли химикатларга, машиналар амортизациясига, қурилишларга ва ҳоказоларга қилинган материаллар сарфи чегирилиши керак.

Ялпи даромад ўз навбатида иккита асосий қисмга: меҳнат ҳақи фонди ва соф даромадга бўлинади.

Соф даромад миқдорини аниқламоқ учун ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқаришга кетган барча харажатларни, яъни меҳнат ҳақини ҳам қўшиб чегириш лозим.

13.2. Корхонанинг даромади ва уни тақсимланиши

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ялпи маҳсулоти ва даромадларининг тақсимланиши қуйидагилардан иборат: олинган ялпи маҳсулот маҳсулот етиштиришга қилинган моддий харажатлар ва ялпи даромадга тақсимланади.

Ялпи даромад корхона аъзоларининг меҳнатга ҳақ тўлаш, аъзоларнинг марказлаштирилган ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта фондларига ажратмаларига тақсимланади.

Соф даромад даромад солиғи тўлаш, Устав фондини тўлдиришга, аъзоларга ижтимоий таъминот ва моддий ёрдам фонди, маданий – маиший тадбирларга, аъзоларни ва мутахассисларни моддий рағбатлантириш фонди, резерв ва бошқа фондларга ажратмалар, мулкый пайга соф фойдадан тўланадиган даромад, яъни дивиденд фондига тақсимланади. Қишлоқ хўжалиги ширкатларида аъзоларга мулкый пайга соф фойдадан тўланадиган даромад, яъни дивиденд миқдори ширкатнинг соф фойдасига боғлиқ. У қанча юқори бўлса, мулкый пайларга тўланадиган даромад ошади ёки аксинча, фойда камайса даромад ҳам камаяди.

Адабиётлар:

- 1.Емилянов А. Экономика сельского хозяйства. М.: Экономика, 1992.
- 2.Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.
- 3.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 1993-2001 йилги сонлари.

14-мавзу. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарадорлиги ва уни ошириш истикболлари

Ўқув модули бирликлари

- 14.1.Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самарадорлик кўрсаткичлари
- 14.2.Янги техника ва технологиялардан фойланишининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.
- 14.3.Қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усули.
- 14.4.Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигининг ошириш истикболлари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба бу мавзунини ўзлаштиргандан сўнг қуйидагиларни билади:

- *ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни аниқлаш усуллари;*
- *қишлоқ хўжалиги корхоналари самарадорлигини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини;*
- *янги техника ва технологиялардан фойдаланишни иқтисодий самарадорлиги ва уни аниқлаш усули;*
- *қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг иқтисодий самараси ва уни баҳолаш усули.*

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалигида самарадорлик кўрсаткичлари, иқтисодий самарадорлик, янги техника ва технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, менежмент тизимини иқтисодий баҳолаш усули, иқтисодий самарадорликни ошириш истикболлари.

14.1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самарадорлик кўрсаткичлари

Самарадорлик яратилган миллий даромаднинг ишлатилган ресурсларига нисбати билан аниқланади. Самардорлик синтетик ва умумлашган кўрсаткич бўлиб, интеграл характерга эга, яъни ўзида бир неча кўрсаткичлар натижасини жамлайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни самарадорлиги - бу қишлоқ хўжалигида даромадларни харажатлар билан таққослаш орқали аниқланган ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижасидир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш - бу ҳар бир меҳнат, моддий, молиявий харажатлар бирлигига маҳсулот ишлаб чиқариш ва миллий даромад салмоғини ошириш демакдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг миллий иқтисодиётдаги самарадорлиги унинг мамлакат барча аҳолисини озиқ - овқат маҳсулотлари билан, саноатни хом ашё билан таъминлашига, мамлакат муҳофаа қудратини мустаҳкамлашига қараб белгиланади.

Қишлоқ хўжалик корхонаси самарадорлигининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсимликчиликда унинг ривожланиши бўйича қуйидаги асосий кўрсаткичлардан иборат: экин майдони, ҳосилдорлик, йиғиштириб олинган ҳосилнинг ялпи миқдори, экин майдонининг структураси, шунингдек, экин майдони бирлигига қилинган харажатлардан иборат. Чорвачиликда эса: чорва молларининг сони, моллар ва паррандаларнинг йиллик ўртача миқдори, чорва молларининг маҳсулдорлиги, чорвачилик маҳсулотларининг ялпи ишлаб чиқарилишидан иборатдир.

Фан - техника тараққиётининг ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига баҳо беришда унинг ишлаб чиқариш самарадорлигининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигининг иқтисодий кўрсаткичларини асосийлари қуйидагилардир: фондлар самарадорлиги, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги, маҳсулот таннарни, меҳнат унумдорлиги даражаси ва соф даромаднинг миқдори.

14.2. Янги техника ва технологиялардан фойланишининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

Фан - техника тараққиёти мавжуд техникани такомиллаштиришнинг, янги, анча самарали техникани, технологияни, хом - ашёни, материалларни яратиш ва жорий қилишнинг, шунингдек, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилашни ўз ичига олади. Фан - техника тараққиёти ишлаб чиқаришнинг интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўналишларидан биридир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги техника тараққиётининг муҳим йўналиши техникани мунтазам равишда такомиллаштиришдан, эскирган техникани янги, бирмунча унумлироқ ва тежамлироқ техника билан алмаштиришдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигида техникани такомиллаштириш машиналар, агрегатлар ва механизмлар қувватини орттириш, уларни ишлаш тезлигини ошириш, бошқаришда, одатда, кўп жисмоний меҳнат сарфланишини талаб қилувчи оддий машиналардан ярим автомат ва автомат машиналар ва линияларга, комплекс механизациялашган ва автоматлашган цехлар ва корхоналарга ўтиш йўли билан бормоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсив технологияга ўтказилмоқда, буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ёрдам беради. Шунинг учун кичик бизнес ёки катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги корхонасини янги технологияни жорий қилса иқтисодий самарадорликка эга бўладими, йўқми шуни ҳисоб - китоб қилиш керак. Агар янги технологияни ўз ишлаб чиқаришига жорий қилса иқтисодий самарадорликка эришсагина бундай технологияни тезда жорий қилиш керак, акс ҳолда эса, янги технологияни жорий қилишдан ҳеч қандай наф бўлмайди. Янги техника ва технологиялардан

фойдаланишнинг ижтимоий - иқтисодий самарадорлигини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$П \text{ қ } (Y_T \times C_T) - (Y_1 \times C_1) \times A$$

бунда:

П - иқтисодий самарадорлик, (фойда) сўм;

Y_T , C_T - ялпи маҳсулотнинг янги техникани қўллашдаги “т” давридаги баҳоси ва таннари;

Y_1 , C_1 - янги техникани қўллашдан олдинги ялпи маҳсулотнинг баҳоси ва таннари;

A - “т” давридаги маҳсулот ҳажми.

Формуладан $(Y_T \times C_T) > (Y_1 \times C_1)$ бўлсагина янги технологияни қўллаш қишлоқ хўжалик корхонасига иқтисодий самара бериши тушунилади.

14.3. Қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усули

Қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг ишлаб чиқилиши, жорий қилиниши, ҳукм суриши, тараққиёти ва такомиллашуви маълум жонли, буюмлаштирилган меҳнат сарфлари билан боғлиқ, уларнинг солиштирма оғирлиги ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари таркибида салмоқли ўрин эгаллайди. Шунинг учун уларни пасайиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида менежмент тизими ишлаб чиқаришга боғлиқ харажатлар ўзгаришига икки томонлама таъсир кўрсатади. Бир томонда эса қўшимча харажат, яъни хизматчиларнинг маоши, зарурий асосий фондларини сақлаб турилиши ва ишлатиш сарфлари, бўлимларини қўшимча харажатлари ва бошқалар юзага келади. Қишлоқ хўжалигида менежмент тизими ўзи учун фақат қўшимча харажатларнинг талаб қилибгина қолмасдан, балки қишлоқ хўжалиги корхоналарини хўжалик фаолиятини ҳам яхшилашга кўмаклашади. Қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг самарадорлигини оширишда ўзига хос бир қатор муаммоларини ечиш учун жуда муҳим бўлган нарсалар шундан иборатки, сарф - харажатлар ва улар билан боғлиқ бўлган натижалар тизимли ҳисобга олиниб, тартибга солиниб борилиши шарт. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида менежмент тизимидаги амалга оширилган тадбирларнинг салмоқли қисми ишлаб чиқилган маҳсулот сифатини яхшилашга кўмаклашади. Бунда бир дона ишланадиган маҳсулотнинг таннари, уни кўтара нархи, хизмат мухлати ва истеъмолчиларнинг харажатлари ўзгаради. Ушбу ўзгаришлар таққосий иқтисодий самара миқдори кўрсаткичида ўз аксини топади.

Бу каби ўхшаш ҳолатларда иқтисодий самарани ҳисоблаш учун самарадорлик ўлчови сифатида соф фойдани ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг жорий қилиниши ва ҳукм суришидан келадиган иқтисодий самара қуйидаги қисмлардан иборат:

1) ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулотнинг улгуржи нархини ошириш, мазкур маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва уни сифатини юксалтириш натижасида йиллик фойданинг ўсган қисмидан;

2) ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳақиқий фойдасини камайтирувчи унумсиз ишларини камайтириш ва бутунлай бартараф этиш

натижасида тежалган йиллик пул маблағини бўлагидан корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари учун тўланадиган йиллик пул маблағини тежалган қисмидан ташкил топади.

Бу каби ёндашув иқтисодий самаранинг режалаштириш тамойиллари қишлоқ хўжалигида менежментни янги жорий қилинган тизимларига ҳам таркатилиш имконини беради. Ҳозирги вақтда кўрсатилган ушбу кўрсаткич асосан режалаштирилмайди. Бу тизим натижалари қишлоқ хўжалик корхонаси хўжалик фаолиятининг ҳулосалари билан таққослаш имконини беради.

Режа ва ҳақиқий самарани ҳисоблашда яна шуни эсда тутиш керакки, қишлоқ хўжалигида менежмент тизимини жорий қилиниши ва ҳукм суриши оқибатларини ҳисобга олмок керак. Масалан, табиий ресурслардан фойдаланилгани учун тўловлар киритилиши, атроф - муҳитни ифлослангани учун иқтисодий жарималар тўлашининг оқибатларини аниқроқ ҳисоблашга имкон яратади.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида менежмент тизимини жорий қилиниши ва ҳукм суришидан келадиган йиллик жамғарма иқтисодий самарани аниқлашни қуйидаги формула билан ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир:

$$\Sigma \Delta \Pi_{\kappa} (\Pi_2 \times A_2 - \Pi_1 \times A_1) \times (C_1 \times a_1 - C_2 \times a_2)_{\kappa} \\ \kappa (\Phi_1 - \Phi_2) \times E_{\Phi} - (P_2 - P_1) - (\Pi_2 - \Pi_1),$$

бунда:

$\Sigma \Delta \Pi$ - қишлоқ хўжалигида менежмент тизимини жорий қилиниши ва ҳукм суришидан келадиган йиллик жамғарма иқтисодий самара;

Π_1, Π_2 - бир дона маҳсулотнинг сотувидан келадиган даромад, яъни экспортдан, юқори сифат ҳисобидан ва ҳоказолар, сўм;

A_1, A_2 - маҳсулотни йиллик ҳажми натурал ҳажмда;

C_1, C_2 - бир дона маҳсулотга тўғри келадиган ишлаб чиқаришдан ташқари йўқолишлар, сўм;

a_1, a_2 - ҳар бир донаси учун ўрнатилган ишлаб чиқаришдан ташқари йўқолишлар;

Φ_1, Φ_2 - корхонанинг ишлаб чиқариш фондларини, яъни асосий ва айланувчи фондларни ўртача йиллик қиймати, сўм;

E_{Φ} - корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари учун тўланадиган тўловини меъёрий коэффиценти;

P_1, P_2 - бюджетга тўланадиган белгили тўловлар, сўм;

Π_1, Π_2 - атроф - муҳитни ифлослагани учун тўланадиган жарималар, сўм.

Эслатма: “1” ва “2” индекслари қишлоқ хўжалигида менежмент тизимини киритишдан олдинги ва киритилгандан кейингисини англатади.

Йиллик жамғарма - иқтисодий самаранинг юқоридаги формула билан ҳисобланганда деярли қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг жорий қилинишини ва ҳукм суришининг натижаларини тўла акс эттиради. У иқтисодиёт захираларини аниқлаш билан чекланмасдан, балки уларга ҳар томонлама баҳо ҳам беради, зарурий харажатларни натижалари билан таққослашга ҳам имкон беради.

Қишлоқ хўжалигида менежментни ҳукм суриши натижасида олинадиган фойданинг, ишлаб чиқиладиган маҳсулот ҳажмининг кўпайиши ва сифатининг ошиши қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг асосий мақсадидир.

Қишлоқ хўжалигида менежментнинг иқтисодий самарасини аниқлаш учун энг аввал объектив ва илмий - асосда баҳолаш ўлчовларини танлаш зарур бўлади.

Қишлоқ хўжалигида менежментнинг иқтисодий мазмуни асосан шундан иборатки, у вақтни тежашга, олинадиган фойдани кўпайтиришга, маҳсулот ҳажмини оширишга ва сифатини кўтаришга кўмаклашади.

Қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг жорий қилиниши ва такомиллашуви маълум моддий ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ бўлгани сабабли қўйилган мақсаднинг мақбул турларини танлашда ҳар бир ҳолатда уларни иқтисодий асосламоқ керак.

Қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг иқтисодий самарасини илмий - асосий ҳисоблари маълум услубий қоидаларга асосланмоғи керак; шу жумладан: бир дона маҳсулот учун энг кам харажат эвазига энг катта даромад олишга интилиш ва унинг вазифасига биноан маълум талабларни қондириши; қабул қилинадиган қарорларни мақбул турларини танлашда ўхшаш ёндашувлар бўлиши; харажатларни ва олинадиган самарани турли вақтларда бўлиш омилини ҳисобга олиш.

14.4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш истиқболлари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш, фан ва техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишни, юқори

самара берадиган янги машиналар ва асбоб - ускуналарни, агротехника ва зоотехника усулларини, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни янги методларини жорий этишни тақозо қилади.

Энг самарали усул ва методларни танлаш ва жорий этиш учун уларни олдиндан текшириб кўриш, уларга ташкилий - иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бундай баҳо бериш миллий иқтисодиётнинг самарадорлик мезони, яъни ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошириш асосида амалга оширилади, меҳнат унумдорлигининг ошиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини ва миллий даромадни ўстиришда ифодаланади. Бунга ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларини қисқартириш, соф даромадни орттириш асосида эришилади.

Бу қоидаларга асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришнинг янги усул ва методлари иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар қўлланилади: бир гектар ер ҳисобига ва бир бош мол ҳисобига олинадиган юқори сифатли маҳсулот миқдори; меҳнат унумдорлиги; маҳсулот таннархи; соф даромад ва рентабеллик; капитал маблағлар ва уларнинг ўз ўрнини коплаши.

Мазкур кўрсаткичлар бир - бири билан боғланган ва бир - бирини тақозо қилади. Маҳсулот миқдори қанча кўп бўлса, унинг сифати яхши бўлса, меҳнат унумдорлиги юқори, таннархи арзон бўлса, соф даромад кўп ва рентабеллик юқори бўлса, капитал маблағлар шунча кам талаб қилинади ва улар тезроқ ўз ўрнини қоплайди, янги усул ва методларнинг иқтисодий самарадорлиги шу қадар юқори бўлади.

Янги усул ва методлар, агар зарур бўлиб қолса оптималлаштирилади. Бу оптималлаштириш хўжалик вазифаларини хал қилиш учун мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда жуда кўп, хилма - хил вариантлардан энг самаралиларини танлаб олиш имконини беради.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари усул ва методларни конкрет ишлаб чиқариш шароитида текшириб кўриш натижасида олинган ҳақиқий маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Таққосланувчи вариантлар бир хил ишлаб чиқариш шароитларида текширилади. Ҳар қандай тасодифий омилларнинг таъсир кўрсатишига барҳам бериш керак. Текширишнинг давом этиши, миқёси, ўлчовларнинг умумийлиги ишончли дастлабки материал олиш ва шу асосида таққосланувчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш учун имкон берадиган даражада бўлиши керак.

Конкрет ишлаб чиқариш шароитида текшириш натижасида ҳосил бўлган ҳақиқий маълумотлар билан бир қаторда нормативлардан, илғорлар эришган ютуқлардан, илмий - тадқиқот институтлари ва таянч - намуна хўжаликлари материалларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳисоблаш учун аввало конкрет зонада амал қилаётган ва энг мақсадга мувофиқ ишлаб чиқариш тажрибасини акс эттирадиган нормативлар, баҳолар ва ҳоказолар танлаб олинади. Уларнинг бир хил бўлишига ва қиёсланувчи вариантларга мос келишига эътибор бериш зарур.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш истиқболлари ишлаб чиқаришнинг янги усул ва методларига ташкилий - иқтисодий баҳо бериш, режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, бошқариш ва бошқа методларини ташкил қилади.

Адабиётлар:

- 1./уломов С. Менежмент асослари. Т.: ТошДАУ, 1998.
- 2.Қаюмов Ф. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. ИПО "Полигран", М., 1992.
- 3.Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган, НамМПИ, 2001.

Хулоса

Мамлакатимизда рўй берган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг ҳаётимиздаги аҳамиятини ва салмоғини оширди.

Янги иқтисодий муносабатлар тизимида қишлоқ хўжалигида иқтисодиётни юксакларга кўтаришга имкон берувчи бошқариш усуллари кенг қўлланилмоқда. Бу улуғвор ўзгаришларнинг ҳар бир шахс онгида ва унинг ижтимоий - иқтисодий тасаввурларида акс этишини ўрганиш, бу жараённинг қишлоқ хўжалигида менежмент механизмларини очиш билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг ривожланиши шубҳасиздир.

Маъруза матнида кўтарилган назарий масалалар, уларни амалиётда қўлланиши, ҳаётдаги тадбиқий соҳалари қишлоқ хўжалигида менежмент илмлари ёйилиши мумкин бўлган бир йўналишдир. Ҳозирги юксак маданият ва иқтисодий тараққиётга интилаётган кунларимизда қишлоқ хўжалигида менежмент билимларини фан соҳасига, техника тараққиётига, янгича эътиқодга эга бўлган менежерларни тарбиялаш ишига амалий тадбиқ этиш вақти келди. Айниқса, бу борада мустақил республикамиз учун малакали қишлоқ хўжалиги менежери мутахассислари тайёрлаш энг муҳим, долзарб вазифалардандир. Чунки ана шу ёш мутахассислар амалиётда қишлоқ хўжалигида менежерлар бериши мумкин бўлган илмий хулосалар, амалий кўрсатмалари билан жамият ва давлатимиз тараққиётини, инсоний муносабатлар тизимини илмий жиҳатдан бошқариш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Мундарижа

Кириш

.....
.....

- 1-мавзу. Қишлоқ хўжалигида менежмент фанининг предмети, функцияси ва усуллари.....
- 2-мавзу. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш шакллари, назарий ва амалий асослари.....
- 3-мавзу. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштириш.....
- 4-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш услублари ва тамойиллари.....
- 5-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни меъёрлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш.....
- 6-мавзу. Қишлоқ хўжалиги менежментида ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннари ва ишлаб чиқариш рентабеллиги.....
- 7-мавзу. Қишлоқ хўжалигида баҳо, унинг турлари ва ташкил бўлиш тамойиллари.....
- 8-мавзу. Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва марказлаштириш асосида ривожлантириш.....
- 9-мавзу. Қишлоқ хўжалигида ер, ер фонди ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш.....
- 10-мавзу. Қишлоқ хўжалигини моддий-техника базаси ва фан-техника тараққиёти.....
- 11-мавзу. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш имкониятлари.....
- 12-мавзу. Қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари пул капиталини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш.....
- 13-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромадлари ва уларнинг тақсимланиши.....
- 14-мавзу. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарадорлиги ва уни ошириш истиқболлари.....

Хулоса.....

.....

Қишлоқ хўжалигида менежмент фанидан таянч сўз ва иборалар

.....

